


ISBN: 978-93-97927-28-5

THE PHILOSOPHY OF BLESSEDNESS OF ABU HAMID GHAZALI



**Authored by
DAVRONBEK KODIROV**



**Published by
Novateur Publication**
466, Sadashiv Peth, M.S.India-411030

THE PHILOSOPHY OF BLESSEDNESS OF ABU HAMID GHAZALI

**Authored by:
DAVRONBEK KODIROV**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАВРОНБЕК ҚОДИРОВ

АБУ ҲОМИД ҒАЗЗОЛИЙНИНГ САОДАТ ФАЛСАФАСИ

МОНОГРАФИЯ

БУХОРО-2021

МУАЛЛИФ: Қодиров Давронбек Ҳошимович

Такризчи: Ҳайдархон Юлдашходжаев – тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Мир Араб олий мадрасаси ректори.

**Абу Ҳомид Газзолийнинг саодат фалсафаси. Монография /
Д.Х.Қодиров. – Бухоро:Нашриёт...**

Монографияда Шарқ Ренессансининг буюк мутафаккири ва файласуфи, фақиҳ ва сўфийси Абу Ҳомид Газзолийнинг саодат фалсафаси, илм ва амалнинг инсон камолотидаги аҳамияти, нафс тарбияси ва кўнгил хотиржамлигига оид фалсафий-тасаввуфий қарашлари баён қилинади ҳамда мутафаккирнинг мўътадиллик ғояси таҳлил этилади.

Монография фалсафа тарихи, тасаввуф фалсафаси ва ўрта аср Шарқ илмий-маданий ҳамда маънавий мероси билан қизиқадиганлар, шунингдек, ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида таълим оладиган талабалар учун мўлжалланган.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	6
I. ҒАЗЗОЛИЙ ҚАРАШЛАРИДА ИЛМ ВА АМАЛ ТАМОЙИЛИ.....	11
Имон талабидаги сустликнинг аҳмоқлик эканлиги баёни	12
Саодатга йўл илм ва амал эканлиги тўғрисида	14
II. ТАСАВВУФДА НАФС ҚУВВАТИ ВА ХУЛҚ СИФАТЛАРИ	16
Нафсни поклаш, унинг қуввати ва ахлоқи тўғрисида.....	16
Нафс қувватларининг ўзаро бир-бири билан алоқаси тўғрисида	21
Амалнинг илмга нисбатан муносабати ва унинг натижаси тўғрисида....	23
Тасаввуфнинг илмга муносабати тўғрисида.....	25
Икки йўлдан қайси бири тўғрироқ эканлиги ҳақида	28
Жаннатга олиб борувчи илм ва амаллар тўғрисида.....	30
Ушбу ўзаро тортишадиган қувватлар билан бирга нафснинг нимага ўхшashi тўғрисида.....	33
III. НАФСНИНГ ДАРАЖАЛАРИ ВА АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАР	35
Ҳаво билан курашда нафснинг даражалари ва ақл билан истаклар ўртасидаги фарқ тўғрисида	35
Хулқни ўзгартириш имконияти тўғрисида	39
Ахлоқни ўзгартириш ва ҳавони муолажа қилишдаги умумий йўл тўғрисида.....	41
Саодатга эриширадиган фазилатларнинг гуруҳлари тўғрисида	43
Ахлоқни яхшилаш йўлининг муфассал (батафсил) баёни	45
IV. ҒАЗЗОЛИЙ АХЛОҚ ФАЛСАФАСИННИГ ТЎРТ АСОСИ.....	49
Энг асосий фазилат тўғрисида.....	49
Ҳикмат фазилати ортида турадиган нарсалар ва унинг икки иллати тўғрисида.....	55
Шижаат фазилатига нималар кириши тўғрисида.....	57
Иффат ва унинг икки иллати тўғрисида.....	60

Хайрли амалларни қилишга ундовчи ва бу ишдан қайтарувчи сабаблар түғрисида.....	65
Хайрот ва саодатларнинг турлари түғрисида	69
Саодатнинг мақсади ва даражалари түғрисида.....	77
Қорин, жинсий истак ва ғазабдан пайдо бўладиган яхши ва ёмон амаллар түғрисида.....	81
V. ФАЗЗОЛИЙДА ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ: УСТОЗ ВА ШОГИРД МУНОСАБАТИ.....	91
Ақл, илм ва таълимнинг шарафи ҳақида.....	91
Ақлнинг шарафини кўрсатиш учун илм олишнинг зарурлиги ҳақида....	94
Ақлнинг турлари ҳақида.....	96
Саодатга олиб борадиган илмларда устоз ва шогирднинг вазифалари ...	99
VI. БОЙЛИК, ҒАМ-АНДУХ, ЎЛИМ ВА СОЛИКЛАР МАНЗИЛИ 122	
Бойликка эга бўлишда амал қилиниши керак бўлган вазифалар түғрисида	122
Дунё ғам-андухларидан қутулишнинг йўли түғрисида	133
Ўлимдан қўрқмаслик түғрисида.....	137
Сайр қилувчилар биринчи манзилининг аломати түғрисида	142
ХУЛОСА	148
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:.....	150

КИРИШ

Ислом тамаддунининг буюк алломаси, файласуфи ва тасаввуф таълимотининг намояндаси Абу Ҳомид Мұхаммад ибн Мұхаммад ал-Ғаззолий ат-Тусий Шарқ фалсафий тафаккури ривожига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган мутафаккирлардан бири ҳисобланади.

Абу Ҳомид ибн Мұхаммад ибн Аҳмад ал-Ғаззолий 1058 йилда Хурросоннинг Тус шаҳри яқинидаги Ғазола қишлоғида дунёга келади. Абу Ҳомид болалигигидаёқ отаси вафот этади¹. Ҳомиднинг отаси, Мұхаммаднинг ўғли Мұхаммад Тус шаҳри яқинидаги Ғазола қишлоғидан ёки Туслик (ғаззола) ип йигиравчи бўлган”², деб таъкидлайди. Араб тилида “ғазала” – “ип йигириш”, “ғазал” – “калава ип” маъносини беради. Шундан келиб чиқиб, “ғазол” – “калава ип йигиравчи” деганидир. Монтгомери В. Вотт ҳам Ғаззолий отасининг касби жундан калава ип йигиравчилик³ бўлганлиги ҳақидаги фаразни хато, деб таъкидлайди.

Ғаззолий ўзи тўғрисида⁴ шундай дейди: “Одамлар мени ташдид-аззой қўшиб ал-Ғаззолий деб чақирадилар, лекин мен Ғаззолий эмасман. Ваҳоланки, мен Ғазола деб аталадиган қишлоққа мансубман”⁵. Бу ерда ироқлик арабларнинг хурросонлик форслар тилидан бехабарлиги ва Ғаззолий нисбасини ўзларининг талаффузларига мослаб олганликларини хулоса қилсак бўлади. Унинг жундан ип йигирганлиги ва бу отасининг касби бўлганлиги тўғрисидаги маълумотни ас-Субкий келтиради.

Ғаззолийнинг тириклигигидаёқ энг машҳур эпитетлари, яъни лақаблари Ҳужжат ул-Ислом (Исломнинг ҳужжати, исботи), Зайн-уд-дин

¹ Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-булдон. Лейпциг. 2-Жилд. –С.561., Тожуддин ас-Субкий. Табақот ушшофиъия ал-кубро. Қоҳира, 4-Жилд, -С.101., Ибн Ҳалликон. Вафоёт ал-аъён. Қоҳира. 1299, 1-Жилд, -С.49.

² Хисматулин А. А. Суфизм. Санкт-Петербург, издательский дом “Азбука – Классика” “Петербургское Востоковедение”, 2008. –С. 46.

³ Watt W. Montgomery. Islamic Philosophy and Theology. Edinburgh, 1962, chap. 13, P. 114.

⁴ Абдуламир ал-Аъсам. Ал-файласуф ал-Ғаззолий. Қоҳира, Дор қибои л-ит-тибоатва-н-нашр ва-т-тавзиъ, 1988. – С.27.

⁵ Аз-Захабий. Сияр аълом ан-нубало. Қоҳира. Махтут би-дори-л-кутуб ал-мисрия. 1997. –С.46, Абдулкарим ал-Усмон. Сийратал-Ғаззолий ва ақвол ал-мутақаддимин физи. Дамашқ, 1961. -С.82, Watt W. Montgomery. Muslim Intellectual, A study of Al-Ghazali, Edinburgh, 1963, PP. 181 ff.

(диннинг зийнати), Махажжат уд-дин (диннинг маркази, тўғри йўли), Ал-олим ул-авҳад ва жамол ул-фирақ (Олимларнинг ягоаси ва фирмаларнинг жамоли), Муфтий ул-умма (Уммат муфтийси), Жомиъу аштот (ёки асбоб) (Тарқоқ (сабаб)ларни жамловчи), Ал-улум ул-мубарриз фи-л-манқул минҳа вал-мағхум (Таълим бериладиган соғ ва тушунарли илмлар манбаи), Баракат ул-аном (Барча тирик жонлар баракаси), Имом аъиммати-д-дин (Дин имомларининг имоми) бўлган⁶.

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг ҳаёти, ўша даврдаги вазият ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни ўрганишда асосий манбалардан бири мутафаккирнинг ўлимидан чорак аср ўтгандан сўнг Абдулҳофир ал-Форисий (1059–1135) томонидан таълиф этилган “Ас-сийяқ ли-тарих Найсабур” асари ҳисобланади. Шу билан бирга Ғаззолийнинг шогирди ва дўсти Абу Бакр бин ал-Арабий “Ал-қавосим вал-авосим” (Парчалаб юборувчилар ва ҳимоя қилувчилар) асарида эътиборга молик мухим маълумотларни, хусусан, имомнинг Бағдодда яшаган даври ҳамда кўрганларини баён қилган⁷.

Араб тадқиқотчиси Абдураҳмон ал-Бадавий Ғаззолийга яқин даврда яшаган ва мутафаккир ҳақида ёзган яна икки тарихчини келтиради⁸:

1. Ибн Асокир (1105-1176) “Тарих мадинат Димашқ”, “Табийин казиби ал-муфтариј” (Тухматчининг ёлғонини очқилаш);
2. Ибн Жавзий, Абулфараҷ (1116-1201) “Ал-мунтазим фи тарих ал-мулук вал-умам” (Хукмдорлар ва миллатлар тарихининг тартиби).

Улардан сўнг бирин-кетин бир қанча тарихчилар ҳижрий еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи асрларда Ғаззолий ҳақида зикр қилганлар⁹.

Ғаззолий фақирона турмуш кечирадиган оилада туғилади. Унинг отаси камбағал бўлишига қарамай, илмга ошно сўфий ва тасаввуф

⁶ Абдулкарим ал-Усмон. Сийрат ал-Ғаззолий ва ақвол ал-мутақаддимин фиҳи. Дамашқ, 1961. -С.41-48.

⁷ Абдураҳмон ал-Бадавий. Муаллафот ал-Ғаззолий. Кувайт. Ваколат ул-Матбуот, 1977. – С.546.

⁸ Ўша асар. – Б.504-509.

⁹ Абдуламир ал-Аъсам. Ал-файласуф ал-Ғаззолий. Қоҳира, Дор қибои л-ит-тибоат ва-н-нашр ва-т-тавзия, 1988. – С.15-17.

ихлосманди эди. Отаси эрта дунёдан кўз юмади ва ўлимидан олдин фарзандлари Муҳаммад Ғаззолий ва укаси Аҳмад тарбиясини сўфий дўстининг кўлига топширади. Алломанинг оиласи сўфиёна ҳалол ризқ топиб турмуш кечирган. Шундан билиш мумкинки, мутафаккирнинг тасаввуфга бўлган қизиқиши ва мойиллиги болалигиданоқ отаси томонидан шакллантирилган. Кейинчалик шу нарса Ғаззолийнинг яна тасаввуфга юzlанишига сабаб бўлган.

Ғаззолий ўн беш ёшида Тусда Аҳмад Розконийдан фиқҳ илмини ўрганишни бошлайди. Сўнgra Журжонга бориб Абу Наср Исмоилдан (1075) уч йил таълим олади¹⁰. Кейинчалик у Нишопурга бориб Абулмаолий Абдулмалик ал-Жувайнийдан (1085) усули дин, Калом, фиқҳ ва фалсафа асосларини ўрганади¹¹. Шунингдек, Ғаззолий Абу Али ал-Фазл ал-Фармадийдан (1070) тасаввуф ва унинг методикасидан дарс олади¹².

Ғаззолий таълим олган даврлар Салжуқий султонлар – Тўғрулбек вафотидан сўнг (1063) тахтга ўтирган Алп-Арслон (1063-1072) ва Жалолуддин Маликшоҳ (1072-1092) даврларига тўғри келади. Бу пайтда сиёсий ҳокимият Салжуқий султонлар қўлида бўлиб, халифа фақат диний, маданий, маърифий ва мафкуравий бошқарувда таъсир кучига эга эди. Аббосий халифалардан ал-Қайюм Биллоҳ, ал-Муқтадий Биллоҳ ва ундан сўнг ал-Мустазҳир Биллоҳ пойттахт Бағдодда маданий ва илмий соҳаларга ҳомийлик қиласарди.

Жувайний Ғаззолийнинг илмларни тез ўзлаштириши, тиришқоқлиги, зехни ва заковатини кўргач, унга нисбатан хос бир иноят зоҳир бўлди. Ҳатто шогирди хақида “у суви туганмас денгиздир” (*баҳрун муғдак*) деб таъриф берган¹³. Араб шарқшуноси доктор Аҳмад Фуад ал-Аҳвоний

¹⁰ Тожуддин ас-Субкий. Табакот уш-шофиъия ал-кубро. Қохира, 4-Жилд, -С.102.

¹¹ Абдуламир ал-Аъсам. Ал-файласуф ал-Ғаззолий. Қохира, Дор қибои л-ит-тибоат ва-н-нашр ва-тавзиъ, 1988. – С.33.

¹² Абдулкарим ал-Усмон. Ад-диросат ун-нафсия инда-л-муслимин ва ал-Ғаззолий биважхи хосс. Қохира, 1963. –С.33.; Аз-Зубайдий. Итхоф ас-садат ал-муттакин. 1-Жилд, 12-фасл, фикра 2.

¹³ Абдуламир ал-Аъсам. Ал-файласуф ал-Ғаззолий. Қохира, Дор қибои л-ит-тибоат ва-н-нашр ва-тавзиъ, 1988. – С.34.

Ғаззолийнинг Жувайний билан муносабатини худди Аристотелнинг Платонга нисбатан муносабатига ўхшатиб, мутафаккир диний фалсафани ашъарий ақидасига мослаб бино этди, дейди¹⁴.

Ўша даврда салжуқий Султон Маликшоҳнинг вазири Низомулмулк ўз атрофида замонасининг кўзга кўринган олимларини тўплайди. Уларнинг аксарияти фикҳшунослар, шофеъий мазҳаби олимлари ва ашъарий мутакаллимлар эди. Низомулмулк илм аҳлига ҳомийлик қиларди. У Нишопур ва Бағдодда Низомия мадрасаларига асос солиб, унга дарс бериш учун машхур олимларни жалб қиласиди. Жумладан, Ғаззолий ҳам дарс бериш учун шу мадрасага таклиф этилади.

Низомулмулк сўфийларни иззат-икром қилиб, тасаввуф аҳлини қўллаб-қувватлаган ва ўзи ҳам тасаввуфни яхши билган¹⁵. Ислом оламида у даврга келиб тасаввуфга доир бир қанча асарлар ёзилиб, унинг асослари тартибга солинган ва маълум бир тизимга солинган эди. Ғаззолийгача таниқли сўфийларнинг тасаввуфга доир қуйидаги энг йирик асарлари аҳоли орасида машхур ва илм-аҳлига манзур эди:

1. Абу Али ал-Хорис ибн Асад ал-Муҳосибий (781, Басра-857, Бағдод) - Жунайд ал-Бағдодий, Ибн Ато, ан-Нурий, Сарри Сақатий каби сўфийларнинг устози. “Рисолат ул-мустаршидин” муаллифи;
2. Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Бухорий ал-Калабодий ёки ал-Калабозий (990 ёки 995 в.э., Бухоро) - “ат-Таарруфли-мазҳаби аҳли ат-тасаввуф»;
3. Абулқосим Абдулкарим ибн Ҳавазон ал-Қушайрий (986, Устуво-1072, Нишопур) - “ар-Рисола фи илм ат-тасаввуф”;
4. Абу Толиб Муҳаммад ибн Али ал-Маккий (998 в.э, Бағдод) - “Қут ул-қулуб фи муомалат ал-маҳбуб ва васф тариқ ал-мурид ила мақом ат-тавҳид”, “Илм ал-қулуб”;

¹⁴ Ўша асар. – С.35.

¹⁵ Абдуламир ал-Аъсам. Ал-файласуф ал-Ғаззолий. Қоҳира, Дор қибои л-ит-тибоат ва-н-нашр ва-тавзиъ, 1988. – С.36.

5. Абу Абдурраҳмон Мухаммад ибн ал-Ҳусайн ас-Суламий (937, Нишопур-1021) – “Табақот ус-суфия”;
6. Абу Нуайм Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Исфаҳоний (948, Исфаҳон-1038) – “Ҳилят ул-авлиё”
7. Абу Наср ас-Саррож ат-Тусий (988 в.э.) - “Китоб ал-лумाъ фит-тасаввуф”;
8. Абулҳасан Али ибн Усмон ал-Ҳужвирий (1072 ёки 1077, Лаҳорда в.э) - “Қашф ул-маҳжуб”.

Шуни таъкидлаш жоизки, юқорида зикр этилган асарлар билан Ғаззолий таниш бўлган¹⁶, “Ихё улуми-д-дин” асарини яратишда уларда келтирилган фикрларга таянган ва аскетик-мистик қарашларни ривожлантирган¹⁷. Аннемари Шиммелъ Муҳосибийнинг тасаввуфга методологик ёндашуви илк сўфийлар, мўътадил мистицизмдан таълим берувчилари учун асос ва мажбурий йўриқнома бўлди, “...Ғаззолий кўп жихатдан Муҳосибийнинг ғояларини ўзлаштириди”¹⁸, деб таъкидлайди.

Аллома Европада Abu Hamet¹⁹, Algazel²⁰, Algazelis, ҳозирда эса Alghazali, Algazzali номлари билан танилган.

¹⁶ Арберри А. Дж. Суфизм. Мистики Ислама. “Сфера”, Москва, 2002. –С. 109.

¹⁷ Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. Краткая история. Москва - Санкт-Петербург, 2004. –С. 93.

¹⁸ Аннемари Шиммелъ. Мир исламского мистицизма. “Алестейя” “Энигма”, Москва, 1999. –С. 51.

¹⁹ И. Кулдесиҳр (Игнац Голдциер). Ал-акида ваш-шариға фи-л-Ислам. Қоҳира. –С.62-186.

²⁰ Salman D., Algazel et Les Latin in: A.H.D.L.M.A., (1935-1936), p.103 АА.

I. ГАЗЗОЛИЙ ҚАРАШЛАРИДА ИЛМ ВА АМАЛ ТАМОЙИЛИ

Абу Ҳомид Газзолий инсон баҳт-саодатга, ҳаловат ва қалб сокинлигига эришиш йўллари, усуллари ҳамда унинг самараси тўғрисида ўзининг “Мезон ул-амал” асарида баён қилган.

Газзолий аввалги ва охирги инсонлар учун матлуб ва мақсад бўлган нарса саодатга эришиш бўлиб, унга илм ва амални бирлаштирган ҳолда эришиш мумкин дейди. Ҳар бир киши илм ва амалнинг ҳар бирини яхши ўрганиб, уларнинг ҳақиқати, моҳият ва ўлчамини билиши зарур. Мутафаккир ҳақиқий илмларни бошқа нарсалардан ажратишни ва унга яраша ўлчовни ўрнатиш лозимлигини таъкидлайди. Саодат изламаслик нодонликдир. Саодатга эришишнинг ягона йўли бу илм ва амални ўзда бирлаштиришдир. Газзолий “Мезон ул-амалда” инсонни саодатга олиб келадиган йўллар, усул ва қоидаларни кўрсатиб ўтишини айтади²¹.

Саодат эса аслида бокий умрда, яъни охират ҳаётидадир. Ҳар бир оқил, тафаккур қиладиган киши оз нарсага бўлса-да интилади, ўз йўлидан оғмаган ҳолда, бу йўл ўнқир-чўнқир, машаққатли бўлишига, дунё лаззатларидан кечишни ва қийинчиликлардан ўтишни талаб қилишига қарамай харакат қиласи. Бокий саодатдан кўра дунё лаззатлари ва қувончлари абадий бўлмай, тез ўтувчидир. Оқил инсон келажакда кўпроқ нарсага эришиш учун озгина пулдан айрилишни афзал билади.

Кўпчилик инсонлар савдо ва ишлаб чиқариш билан шуғулланадилар. Аммо илм олиш йўлидаги одам ҳатто камситилиш, йўқотиш, қийинчилик ва азобларга чидашга рози бўлади. Бу унинг келгусида ҳозир маҳрум бўладиган неъматлардан кўпроғига эришишига интилишини янада оширади. Шундай экан нега чексиз ва баҳосиз неъматларга келажакда эришмоқ учун ҳозир чидаб туриш мумкин эмас? Дунёда ҳали бирор бир оқил бўлмаганки, молу давлатга ҳирс қўйган бўлсин. Оқил одам бир

²¹ Имом ал-Газзолий. Мизон ул-амал. Захоир ул-араб. Дор ул-маориф би-Миср, 1964. –С. 1.

динорни мисни соф олтинга айлантирадиган “ал-иксир ал-аъзам”ни (эликсир ёки фалсафий тош) олиш учун бир ой кутишга рози бўлмайди. Охират учун олтин бирор фойда келтирмайди. Оқил киши кўпи билан юз йил давом этадиган дунё лаззатларини қандай қилиб охири йўқ, абадий саодатдан афзал кўриши мумкин? Бунинг сабаби охиратга имоннинг заифлиги туфайли саодат қидиришда халқнинг кучсизлиги, сустлигидир (футур). Ҳатто ақли ноқис одам ҳам оқил сингари саодат йўлидан боришни истайди.

Имон талабидаги сустликнинг аҳмоқлик эканлиги баёни

Ғаззолий имон заифлиги яна бир аҳмоқликдир, зеро, саодат йўлида юришда сусткашлик қилиш ғафлат саналади дейди. Охират ҳаётига нисбатан муносабатига кўра инсонлар тўрт гурухга бўлинади.

Биринчи гурух Махшар куни куни тўпланишга (ал-ҳашр), қайта тирилишга (ан-нашр), жаннат ва дўзахга ишонади. Амал ва билим орқали унга эришса бўлади. барча мусулмонлар ва Мухаммад а.с.гача бўлган пайғамбарларга эришганлар киради.

Иккинчи гурухға файласуф ислом илоҳиётчиларининг баъзилари кириб, улар қалб билан хис этиб бўлмайдиган баъзи лаззатлар мавжудлигини тан оладилар ва уни ақлий лаззат (лаззату ақлия) деб атайдилар. Аммо ҳиссий лаззатлар ташқари оламда (хориж) бўлишини инкор қиласидилар. Уларнинг мавжудлиги уйқу ҳолатида тушда хаёлда (тариқ ут-такайюл) бўлиши исботланган, лекин уйғонгач у йўқолади, ақлий лаззат эса абадийдир. Бу гурух олимлари ҳиссий лаззатлар фақат хис қилинадиган нарсаларни кучли яхши кўрадиганларга берилади деб ҳисоблайдилар. Уларнинг руҳлари ҳеч қачон ақлий лаззатлар даражасига кўтарила олмайди.

Учинчи гурух ҳиссий лаззатларни хоҳ ҳақиқат, хоҳ тушда хаёл йўли билан бўлсин умуман инкор қиласидилар. Улар хаёл (такайюл) бевосита жисмоний механизмлар (алот ул-жисмония) билан боғлиқ деб

ҳисоблайдилар. Ўлим эса нафс ва тана ўртасидаги алоқани узади. Бу алоқа тахайюл ва бошқа ҳиссиётлар учун зарурдир. Рухтанани тарк этгач, оғриқ ва қувончлар (алам ва лаззат) қолади, улар ҳиссий бўлмай, ҳиссийдан ҳам юксакроқдир. Ҳақиқатан, инсон бу оламда ақлий лаззатга интилади ва ақлга оғриқ (ал-алам ул-ақлия) берадигандан жуда қаттиқ қўрқади.

Фаззолий бола келгусида вазир ёки қози бўлиш учун таълим олади, бунда бола ҳали унинг лаззатини англамайди дейди. Бола ўзига қувонч берадиган нарсани ваъда қилганлари учун ўқийди: ўйин учун бирор таёқ ёки завқланиши учун бирор чумчук ва шу каби ҳозирда қувонч багишлайдиган нарсалар билан қизиқтирадилар. Бироқ чумчук билан ўйнагандан оладиган лаззатни ҳоким ёки вазирлик мансабидан оладиган лаззат билан солишириб бўладими? Лекин бола фаҳми учун бу мураккаб бўлгани сабаб унга яқин бўлган нарса билан қиёслантирилади. Бундай фикр тўғри ёки хатолигига қарамай талаб-истак йўлида сусткаш, лоқайд бўлмасликка ва интилишнинг зиёда (зиёдат ул-жидд) бўлишини назарда тутади. Файласуфлардан бўлган барча сўфий ва илоҳиётшунослар (илоҳиййун) шундай ҳисоблайдилар. Ҳатто сўфий машойихлар ҳам шундай деганлар: “Кимки Аллоҳга жаннат талабида ва дўзахдан қутулиш учун ибодат қилса, у пасткаш одамдир. Зеро, Аллоҳга етмоқни қасд қилган кишилар мақсади бундан олийжаноблироқ, шарафлироқдир. Сўфий шайхлари билан таниш, уларнинг қарашлари ва китобларини ўрганган кишилар, шубҳасиз, бу фикрни тушунди.

Тўртинчи гуруҳ аҳмоқлар жамоаси бўлиб, улар сўқирлардир. Улар ўлим йўқликдир (адам) ва Аллоҳга тоат-ибодат ҳамда гуноҳ-маъсият ҳеч қандай оқибатга эга эмас деб ҳисоблайдилар. Инсон пайдо бўлгунига қадар қандай бўлса, худди шундай йўқликка кетади. Баъзи фисқ-фужурга кетган жоҳиллар бундай фикрларни Арастутолис, Афлотун ва бошқа

файласуфлар айтган дейдилар²². Нодон бундай фикрга далил-исбот талаб қилмай ишонади, олимнинг асарларини ва унинг гувоҳларини қўрсатишни талаб қилмайди. Эшитилган ҳар нарсага ишонавермаслик керак. пайғамбарлар, авлиёлар, олимларга эргашиш хатолардан ҳимояланмаган бир кишига эргашишдан кўра авлороқдир.

Яхши амаларни қилувчи олим саодат шу дунё билан чекланган дейдиган кишидан кўра мартабаси юксак инсондир. Кимки доимо ўз истаклари кетидан эргашиб, ақл назари билан қарашни истамаса, у бу дунёдаги бахтсиз одамдир. Бундай киши охират ҳаётида ҳам бахтсиз бўлади деб ҳисоблайди тўрт гурухдан учтаси. Одамлар истаклари кетмакет келаверганлиги сабабидан сусткашлик қиласилар ва юқорида айтилган нарсалар тўғрисида ўйламайдилар. Бу нарсадан эса фақат қалби соф устоз (воиз закий ус-сийрат) ажратиб олиб билади. Бундай одам ерда йўқ, бўлса ҳам унга ҳеч ким қулоқ тутмайди, агар кимдир қулоқ тутса ҳам, бирдан таъсиранади ва у тўлиқ хайрли амалларга берилишни ният қиласи. Бироқ, шундан сўнг бирдан уни истаклардан бири (шахва мин аш-шахавот) эгаллаб олади.насиҳат таъсирини йўқотади ва ғафлат пардасини тортади. Оқил киши яна ўзи огоҳлантирилган нарсага қайтади, бу то ўлимга қадар ҳамма билан содир бўлади ва пушаймонликдан бошқа нарса қолмайди, аммо вақт ўтган бўлади ва пушаймонлик ҳам энди ёрдам беролмайди. Ғафлат барча бахтсизлик, шақоватнинг сабаби ҳисобланади.

Саодатга йўл илм ва амал эканлиги тўғрисида

Ғаззолий айтади, яхши сўз ўрганиш асносида илмдан пайдо бўлади ва юқорига кўтарилиб, ўз ўрнини эгаллайди. Амал эса унинг хизматкори каби илмни кўтаради ва ташиб юради. Бу илмнинг юксак мавқеига (улувву рутбати-л-илм) ишорадир.

²² Имом ал-Ғаззолий. Мизон ул-амал. Захоир ул-араб. Дор ул-маориф би-Миср, 1964. –С. 3.

Сўфийлар ва файласуфлар, Аллоҳ ва охират қунига ишонгандари, ундаги масалаларда ихтилоф қилсаларда, саодат илм ва ибодатда деб ҳисоблайдилар.

Абу Ҳомид ҳар бир мавжудотнинг саодати, лаззати ва роҳати ўзига хос комилликка эришишидадир дейди. Инсон камолоти (ал-камол ул-хосс) ақл ҳақиқати билан (идрок ҳақиқат ал-ақлийёт) барча нарсанинг моҳиятини, уларни ҳайвонларга тенглаштирадиган ҳис ва ўйлаб топилган хаёлларсиз идрок этишдир. Нафс аслида буларни билишга ташна ва англашни истайди, фитратига кўра ҳам бунга тайёр (бил-фитра мустаъида). Бироқ, уни бундан вужуд истаклари (шаҳавот ул-бадан) чалғитади, доимо унга халақит беради. нафс истаклари инсон устидан ғолиб келишни бошладики, инсон уни синдириши, у билан қурашиши ва ақлини нафс асирилиги ҳамда қуллигидан қутқариши лозим. Бунда инсон нафақат осмон ва ердаги мулкларни тафаккур ва мушоҳада қилиши, балки ўзида яратилган ажойиботларни фикр қилиши муҳим. Бу билан у комилликка ва дунё ҳаётидаги баҳт-саодатга эришади, чунки саодатнинг маъноси имкон қадар комиллик даражалари (даражот ул-камол) саноқсиз бўлса ҳам, нафсни камол топтиришдир.

Инсон токи бу оламда хислар, хаёллар ва нафснинг тўсиқлари (авориз ун-нафс) билан чекланган бўлар экан, бу қувончни билмайди. Сўфийлардан бир киши айтганидек, Аллоҳга бораётган солик жаннатни шу дунёда кўради ва агарки унга етишишга имкони бўлса, фирдавси аъло у билан бирга қалбида бўлади. Фақат дунё билан алоқани узган ҳолда илоҳий ишларни тафаккур қилган ҳолда, токи илоҳий илҳом унда кашф бўлиб, чиркинликлардан нафси поклангандан сўнг жаннатга эришиш мумкиндири. Бунга эришмоқ саодат, амал эса бунга эришишда ёрдамчиидир. Билгувчилар, саодатга мужоҳада ва риёзат билан эришилади дейдилар. Агар бунга эришишни истасанг, нафс билан қурашмоғинг ва борича ўзингни ушбу мақсадга етишиш учун бағишламоғинг лозим. Шунда

эҳтимол сенга ишнинг ҳақиқий ҳолати (ҳақиқат ул-хол) очилиши мумкин²³.

II. ТАСАВВУФДА НАФС ҚУВВАТИ ВА ХУЛҚ СИФАТЛАРИ **Нафсни поклаш, унинг қуввати ва ахлоқи тўғрисида**

Ғаззолий илм олиш ва хайрли амалларни қилишда амалларнинг турлари кўплиги ва миқдорига кўра фарқлаш лозимлигини таъкидлайди. Бу масалада одамлар икки гурухга бўлинади:

- 1. Тақлид билан қаноат қиласиганлар (қониъу бит-тақлид)** – улар изланишга муҳтож бўлмай, кимга тақлид этсалар ўшалар кўрсатган йўлдан борадилар.
- 2. Ҳеч кимга тақлид қиласиганлар (ла юқаллидуна тақлид).**

Бу хатарли йўл бўлиб, кўп вақтни талаб қиласиди. Бунга шароит эса узоқ асрлар давомида, ягона ва такрорланмас ҳолда бир мартагина яратилиши мумкин.

Мақсадга эришиш учун аввал нафсни, унинг қуввати ва хусусиятларини билиш зарур. Зайдни танимаган Зайдни қандайлиги қаердан билиши мумкин? Бу ишда асосийси нафсни таниш (маърифат ун-нафс) талаб этилади. Аллоҳ бунга катта эътибор қаратиб, рухни ўзига маҳсус нисбат қилиб, унга икром кўрсатиб деди: “Албатта, мен лойдан башар яратувчи дирман. Бас, қачонки уни ростлаб, ичига руҳимдан пуфлаганимда...” (Қуръон, 88:72). Инсон кўз билан кўриб бўладиган жисмдан, нафсини эса ақл ва басират билан ҳиссларсиз билиш мумкин ҳолда яратилган. Аллоҳ инсон жасадини лойга, рухини эса ўзига боғлади. Инсон нафси (ан-нафс ул-инсония) илоҳий ишлардандир. У тупроққа хос паст жисмлардан (ал-ажсом ул-хасисат ул-арзия) олийроқ ва юксакроқдир. Аллоҳ айтади “Эй инсон, нафсингни тани, Раббингни танийсан” (Иъраф нафсака, йа Инсан, таъриф Раббака). Аллоҳнинг ўз бандаларига марҳамати

²³ Имом ал-Ғаззолий. Мизон ул-амал. Захоир ул-араб. Дор ул-маориф би-Миср, 1964. –С. 6.

инсон ҳажмининг кичиклигига қарамай унда бутун олам мўъжизалари (ажоиб кулл ул-олам) билан тенглашадиган мўъжизаларни жамлагани ҳисобланади. Инсон худди оламнинг кичик нусхаси (нусха муҳтасира мин ҳайати-л-олам) кабидир. Буни инсон тафаккур қилиб, Аллоҳни илм орқали билишга етишмоғи учун қилгандир²⁴.

Ҳайвоний нафснинг икки қуввати бор:

- 1. Ҳаракатга келтирувчи (муҳаррика)**
- 2. Идрок этувчи (мудрика)**

Ҳаракатга келтирувчи (муҳаррика) нафс ҳам икки турга бўлинади:

1. **Ҳаракатни бажарувчи (Мубошира лил-ҳаракат)** – бу қувват асаб толаларида пайдо бўлиб, унинг вазифаси мушакларни ҳаракатга келтиришдир. У ундовчи ҳаракатнинг хизматкори саналади.
2. **Ҳаракатга ундовчи (Боиса лил-ҳаракат)** – ўз навбатида интилиш ва истак қуввати бўлиб, хаёлда пайдо бўлган нарсага бажарувчи ҳаракатни ишга солади. Ўз навбатида ҳаракатга ундовчи қувват икки қисмга бўлинади:
 1. Истак қуввати (ал-қувват уш-шахвония) – инсонни фойдали ва зарур нарсаларга ундейди. У буларнинг фойдасини лаззатга эриштиришида деб ўйлади.
 2. Газаб қуввати (ал-қувват ул-ғазабия) – бу қувват ўз соҳибини унга зарар келтирадиган ёки мақсадига тўсиқлик қиласидиган нарсанни олиб ташлаш учун ҳаракатга ундейди.

Идрок этувчи (мудрика) қувват ҳам икки турга бўлинади:

- 1. Зоҳирий қувват (ал-қувват уз-зоҳира)**
- 2. Ботиний қувват (ал-қувват ул-ботина)**

Зоҳирий қувват беш ҳисдан (ал-ҳавос ул-хамса) иборат. Ғаззолий бу ҳақда тўхталиб ўтиrmайди. Ботиний қувват ҳам бешта таркибий қисмдан иборат.

²⁴ Имом ал-Ғаззолий. Мизон ул-амал. Заҳоир ул-араб. Дор ул-маориф би-Миср, 1964. –С. 7.

1. Биринчиси хаёлий бўлиб, қўрилган нарсанинг сурати қолади, у жамловчи (хиссан муштарикан) деб аталади, чунки у бешта мудрика хис орқали англанган нарсани қабул қиласди.
2. Иккинчиси ҳофиза қувват, яъни қабул қилинган суратни ўзида сақлайди. Чунки инсон суратни қабул қиласдиган нарса уни сақлайдиган нарсадан фарқ қиласди.
3. Учинчи қувват англовчи қувватдир (ал-қувват ул-ваҳмия). Бу қувват аниқ бўлган нарсанинг ноаниқ маъносини (ғайра маҳсуса мин ал-маҳсусоти-л-жузъия) билади. У қўйга бўридан қочиш ва боласини яхши кўриш лозимлигини билдиради.
4. Тўртинчи қувват хис қилиб бўлмайдиган бу маъноларни худди иккинчиси суратни сақлагани каби сақлайди. У маъно-мазмунни сақлайди (ҳофиза лил-маъно) ва хотира (зокира) деб аталади.
5. Фикрлаш қуввати (ал-қувват ул-муфаккира) сурат ва маънолар сақланадиган маскан ўртасидаги мартаба бўлиб, у хаёlda мавжуд бўлган қисмларни ихтиёрига кўра бир-бирига боғлади, баъзисидан эса айиради. У ҳаракат турини қўллаган ҳолда барча нарсани англайди, хаёлдаги нарсаларни бириктириб, ажратади.

Бу қувватлар инсон ва ҳайвонларда фақат фикрлаш қуввати (ал-муфаккира) ташқари бир хилда мавжуд. Ҳайвонларда инсондаги тафаккур қилиш қувватининг (қувват ул-мутафаккира) чегарасига етиб борадиган тасаввур (ал-мутахайила) кучи бор.

Инсон нафсиning қуввати (қувват ун-нафси-л-инсония) икки қисмга бўлинади:

- 1. Билувчи қувват (қувват ул-олима)**
- 2. Фаолият кўрсатувчи қувват (қувват ул-омила)**

Уларнинг иккисини ақл деб номлаш мумкин, лекин уларнинг номи умумийдир. Чунки фаолият кўрсатувчи қувватни (ал-омила) ақл деб аташларининг сабаби у билувчи (ал-олима) қувватга хизмат қилиши

туфайлидир. Омила қуввати нафснинг кучи ва маъносидир. У ақл ва тафаккур белгилаб берган у ёки бу фаолиятни бажаришга инсон тана ҳаракатининг бошланиши хисобланади. Барча тана қувватлари бўйсундирилган ва итоат эттирилган бўлиши лозим, фақатгина фаолият қувватидан ташқари, чунки у (ал-омила) бирор бир таъсир остида бўлмаслиги зарур. Бошқа қувватлар эса ушбу қувват ишораси ва кўрсатмасига мувофиқ сокин туриши ва ҳаракатланиши лозим. Агар у бўйсунса, унда шаҳавот билан чекланган кўринишлар (ҳайъот) пайдо бўлади. Ушбу кўринишлар ёмон ахлоқ (ахлоқан радиъятан) деб аталади. Агар бошчилик қилса, унда фазилат ва яхши хулқ (хулқан ҳасанан) устун келади²⁵.

Нафс бешта ҳис билан билишдан баландроқдир, аммо уни ақл билан билиш мумкин. Бунга ундан сўнг қоладиган нарсалар ва амаллари далолат беради. У икки – ўзидан паст бўлган ва ўзидан юқори турган томонлар билан алоқага эга. Ҳар бир томон учун улар ўртасидаги алоқани бошқарадиган қувват мавжуд. Пастки томон билан алоқани бошқарадиган қувват – бу амалий қувват бўлиб, у тана ва унинг аъзоларини бошқаради. Назарий билувчи қувват эса нафсдан баландда турадиган томонга тааллукли бўлиб, у билан боғланишга ва ундан фойда олишга мўлжаллангандир. Бу томон деганда, инсонлар нафсига Илмни қуиши учун юборилган фаришталар назарда тутилади, чунки илмлар Аллоҳдан тўғридан тўғри келмайди. Яъни илм восита орқали ҳосил бўлади. Аллоҳ айтади: “Инсон Аллоҳ билан гаплашишга лойик эмас, илло вахий ва парда орқали бўлур. Ёхуд У элчи юборади” (Шуро, 42:51). Нафснинг икки томони, юзи бор: бири танага қараган бўлиб, тана ва истакларга (шаҳавот) бўйсунмай буйруқ бериши лозим. Бошқа томони эса олий ва юксак (ал-жанба аш-шарифа ал-олия) бўлиб, нафс ўша томондан доимо қабул қилиши, таъсирига тушиши лозим, чунки унда саодатнинг сабаблари

²⁵ Имом ал-Ғаззолий. Мизон ул-амал. Захоир ул-араб. Дор ул-маориф би-Миср, 1964. –С. 8.

мужассамдир. Ушбу назарий билувчи қувват (ал-қувват ан-назария ал-олима) умумий тушунчаларни, уларни жузъий ҳис (маҳсусат жузъия) этадиган қилувчи аъроз, белгиларга (ал-авориз) боғлиқ бўлмаган ҳолда қабул қиласи.

Илмга нисбатан бу қувват уч **босқичга** бўлинади. Биринчиси, боланинг ёзишга бўлган муносабатига ўхшайди. Унда қобилият бўлсада, бу харакатни қилишдан узоқдир. Иккинчи босқич, ўсиб улғайган ва баъзи нарсаларни англаётган болага ўхшайди. Бола сиёҳдон, қалам ва алоҳида ҳарфларни танийди, аммо уларни бирлаштириш қоидаларини билмайди. Учинчи босқич, касб этилган барча тушунчаларнинг амалиётда намоён бўлиши ҳисобланади. Улар инсонда сақланади, истаганида унга қайтади, қачон қайтса ҳам улардан яхши фойдалана олади. Бу моҳир котибининг ҳозир ёзмаётган, аммо мукаммал ҳолатда бу ишга тайёр туришига ўхшайди.

Учинчи босқич охиргиси бўлишига қарамай, унда илмнинг кўплиги, шарафлиги ва пастлигига кўра бир қанча даражалари бор. Илм илоҳий илҳом билан ва ёки таълим, ёки тажриба орқали ҳосил бўлиши мумкин. Энг юқори босқич пайғамбарлар ва авлиёлар даражасидир, уларда сарфсиз ва меҳнатсиз, мashaққатсиз ёки қисқа муддатда хақиқатлар кашф бўлади. Ана шу Аллоҳга бўлган қурб саодат ҳисобланади. Яқинликдан (курб) сўнг бирлашиш (иттиход) келади. Шунинг учун улардан баъзилар: “Менга шарафлар бўлсин, қандай ҳам мен буюкман!” (Субҳоний, ма аъзаму шаъний), бирори: “Мен Ҳақман!” (Анал-Ҳақ) дейди. Бу ерда Фаззолий авлиёлар Боязид Бистомий ва Мансур Халложни назарда тутаяпди.

Аллоҳнинг марҳамати яқинларига очиқдир. Бу марҳамат илоҳий саховат натижаси бўлиб, уни қабул қилиш учун нафсни поклаш, уни ифлослик ва ахлатлардан тозалаш йўли орқали тайёргарлик керак. Бу худди рангбаранг сурат ёмон темир бўлагида акс этиши кабидир. Аслида бунга сабаб темирнинг ёмон сифати, занлагани ва яхши сайқал

берилимаганида. Унинг усти зангдан тозаланиши, расво нарсалардан эса покланиши лозим. Инсон ҳам тўсиқни илоҳий раҳматдан эмас, балки ўзидан деб билиши керак. Шавқ ва рағбатни яққол ифодалаш учун Аллоҳ қуидагида дейди: “Солиҳ бандаларим мен билан учрашишни соғиндилар (шавқ ул-аброр), менинг улар билан учрашиш истагим янада кучлироқдир”.

Нафс қувватларининг ўзаро бир-бири билан алоқаси тўғрисида

Абу Ҳомид Ғаззолий нафс қувватлари даражасига кўра фарқланишини айтади. Қувватларнинг баъзиси ўзидан ўзи яратилган, баъзиси бошқалари учун, баъзиси хизмат қилиши ва бошқалари эса уларга хизмат кўрсатилишлари учун яратилгандир. Инсон ҳайвонлар ва фаришталар ўртасидаги мартабани эгаллайди. Шу сабабли инсон қуввати ва сифатига кўра фарқланади: озиқланиши ва кўпайишига кўра у ўсимлик, ҳис қилиши ва ҳаракатланишига кўра ҳайвон, қомати ва суратига қаралса, деворга нақш этилган суратга ўхшайди. Аммо инсон ақл қуввати (қувват ул-ақл) ва нарсалар моҳиятини идрок этиш (дарку ҳақиқати-л-ашёй) хусусиятига кўра яратилгандир. Агар инсон жамики қувватини илм олиш ва хайрли амаллар қилиш учун ишлатса, у фариштага ўхшайди. Улар билан бирга бўлишга ҳақли, фаришта ва авлиё (малакан ва раббонийян) деб аталишга лойиқ бўлади.

Кимки ўз қувватини вужуд истакларини (ал-лаззат ул-бадания) қондиришга сарфласа, ҳайвон каби еса, ҳайвон даражасига тушади ва буқа каби қутуради, чўчқа каби очофат, ит каби ғазабли, тuya каби нафратли, йўлбарс каби кибрли, тулки каби айёр бўлади ёки ушбу барча сифатларни исёнкор шайтон каби ўзида жамлайди.

Мутафаккир, агар назар солинса, қувватларнинг ичida ақл ҳаммасидан юқори туради, дейди. Улар ажойиб ҳолда бир-бирига хизмат қиласи ва шундай яратилганки, Аллоҳ амрига қаршилик қилолмайди. Ақл бошқарувчи ҳукмдор, унга барча хизмат қиласи, унинг вазири ва ходими

танани бошқарадиган амалий ақл (ал-ақл ул-амалий) хисобланади. Тана эса нафснинг воситаси ва уловидир (олат ун-нафс ва маркабуха). Ҳислар воситасида амалий ақл илмлар бошланиши англашади, унинг ёрдамида эса нарсаларнинг ҳақиқати ва моҳияти тўғрисида хулоса қилинади.

Амалий ақлга тасаввур (ваҳм) хизмат қилади. Ваҳмга икки қувват: бири унгача (кувва қаблаху), иккинчиси кейин (кувва баъдаху) хизматкордир. Кейинги қувват (кувва баъдаху) хулоса қилинган ва англашган нарсанни хотирада сақлайди, унгача қувват (кувва қаблаху) эса барча ҳайвоний қувватлар (жамиъ ал-қува-л-ҳайвония) хисобланади. Булар орасида эса хаёл (мутахайила) жой олган бўлиб, унга икки турли қувват хизмат қилади. Ундовчи қувватнинг (ал-қувва ар-рағбия аш-шавқия) вазифаси ҳаракатни бошлашдир, у ўз ҳаракатини эса тахайюл ва фикрдан бошлайди. Тасвирни сақлайдиган қувват (ал-қувват ул-ҳофиза лис-сувар) умумий ҳисда (ал-ҳисс ул-муштарақ) жойлашган бўлиб, тасвирларни синтез ва анализ (ат-тартиб ва ат-тағсил) қилиш орқали унга хизмат қилади. Бу қувватлар ҳам икки гуруҳ қувватларни бошқаради. Тасвирни сақлайдиган қувватга (ал-ҳофиза лис-сувар) ҳисс муштарақ хизмат қилиб, суратларни хотирада сақлагунига қадар кўтаради.

Истак қувватига (ал-қувва ан-нузуъия) ғазаб ва шаҳват хизмат қилади. Унга эса мушакларни бошқарадиган қувват ёрдам беради. бу ерда ҳайвоний қувватлар тугайди²⁶. Ҳайвоний қувватларга умуман ўсимликлар қуввати хизмат қилиб, улар учта: 1. Туғувчи (ал-муваллида), 2. Ўстирувчи (ал-мураббия), 3. Озиқлантирувчи (ал-ғозия).

Уларга эса тўртта қувват хизмат қилади: 1. Ўзига тортувчи (ал-жозиба), 2. Ушлаб турувчи (ал-мосика), 3. Ҳазм қилувчи (ал-ҳозима), 4. Чиқариб ташловчи (ад-дофиъа).

Иссиқлик (ал-ҳарорат), совуқлик (ал-бурудат), намлик (ар-рутубат) ва қуруқлик (ал-юбусат) ҳазм қилувчи, ўзига тортувчи, ушлаб турувчи ва

²⁶ Имом ал-Ғаззолий. Мизон ул-амал. Захоир ул-араб. Дор ул-маориф би-Миср, 1964. –С. 9.

чиқариб ташловчи қувватларга хизмат қилади ва бу танадаги охирги қувват даражасидир (охиру даражот ал-қува фил-ажсом).

Оиша р.а пайғамбар алайҳиссаломдан қуйидаги ҳадисни келтиради: “Инсон кўзлари текислик, унинг қулоқлари ўра, тили таржимон, қўллари қанот, оёқлари хабарчи, қалби эса подшоҳдир. Агар у (қалб) яхши бўлса, худди шундай унинг қўшинлари ҳам яхши бўлади”²⁷.

Ҳислар билан идрок этиб бўлмайдиган барча нарса ақл билан илоҳий изларни (яратилган махлуқотларни) ўрганиш орқали англанади. Худони мукаммал билиш учун унинг изларини чуқурроқ ўрганиш лозим. Илм олган инсон мартабаси ўзининг илм олмаган кишидан улуғдир. Чунки у басират ва таҳқиқ воситасидан фойдаланмайди. Билиш масаласида авом ва билувчи кишилар (зави ал-басоир) орасидаги фарқ шунда. Зеро, олам ўзида кўпгина ажойиботларни – унинг махлуқотлари, асарлари, яратганлари ва ихтиrolарини жо қилган, нафс эса ушбу оламнинг бир бўлагидир (жузъу мин ажзаъи ал-олам). Бу оламнинг ҳар бир бўлаги ажойиботларга тўладир. Уларни ўрганадиган киши давомий ҳолда эътиқод зиёдалиги ва имон мустаҳкамлиги кўринишида фойда олади. шунинг учун Аллоҳ ўз сўзларида инсонни нафс тўғрисида, бу дунё ва Еру осмонлар мулки тўғрисида тафаккур қилишга ундайди.

Амалнинг илмга нисбатан муносабати ва унинг натижаси тўғрисида

Ғаззолийнинг фикрича, илм ва амалнинг саодатга олиб бориши тўғрисида сўфийлар ва бошқа гурӯҳ назариётчи-тадқиқотчилари бир фикрга келганлар. Амалнинг барча кераксиз нарсалардан покланиш жараёнига таъсири ва илм олиш сари ҳаракати, яъни керакли нарсанни олишга интилиш ва кераксиз нарсалардан қутулиш зарур нарсаларга жой бўшатишнинг шарти ҳисобланади. Шарт қилинган (ал-машрут) нарсанинг ўзи мақсаддир ва у шартдан кўра устундир. Ғаззолий бу ерда шундай мисолни келтиради:

²⁷ Имом ал-Ғаззолий. Мизон ул-амал. Захоир ул-араб. Дор ул-маориф би-Миср, 1964. –С. 10.

Масалан, кимдир касали туфайли туға олмайдиган аёл ҳомиладор бўлишини истаса, у икки ишни қилиши лозим: биринчиси, ҳомиладор бўлишга тўсқинлик қиласидиган иллатни бартараф этиш, иккинчиси, бу касалликнинг олди олингандан сўнг уруғни солишдир (ийдоъ ун-нутфа). Бунда биринчиси иккинчisinинг шарти ҳисобланади ва иккинчиси эса у интиладиган мақсаддир (ал-ғоят ул-матлуба).

Агар занг босган ойнани фараз қилсак, унинг ёрқинлигини ғубор қоплаган бўлади ва унда ашёлар акс этмайди. Ойнани мукаммал ҳолатга қайтариш ва тасвирларни борича акс эттириш қобилиятини тиклаш учун икки ишни қилиш лозим. Биринчиси, ойнани тозалаш ва сайқаллаш, иккинчиси, уни сурати акс этиши лозим бўлган нарсага йўналтириш. Худди шундай одам нафси (нафс ул-одамий) ҳақиқат томон юзланган ойна бўлишга тайёрдир. Улар худди бир нарсадек, аммо бошқа тарафдан улар ойна ва сурат каби фарқ қиласиди. Ушбу хусусият инсон нафсини ҳайвон нафсидан фарқлади. Ҳайвоний нафс инсонийдан паст даражада туради. Чунки инсондан ташқари барча ҳайвонлар бундай қувват ва қобилиятдан маҳрумдир. Бу худди ер ва дарахтлар тасвирларни акс этиш қобилиятига эга бўлмаганидек, улар учун ойна бўлолмайди. Бу қобилият доимо малоикаларда мавжуд. Соф, тиник сувда ҳам бу хусусият мавжуд, чунки у тасвирларни акс эттиради. Бу инсонда ҳам ҳаракат (бил-фиъл) сифатида эмас, қувват (бил-қувва) кўринишида мавжуддир.

Агар инсон ўз нафси билан курашса, малаклар даражасига кўтарилади ва агар чиркинликлар нафс ойнасида тўпланаверса, истак-шахватларига эргашса, қалби қорайиб, уни зулмат қоплайди ва унинг бу қобилияtlари тўлиқ йўқолади, у ҳайвон даражасига тушади ҳамда саодат ва комилликдан абадий маҳрум бўлади. Буни эса тузатишнинг имкони бўлмайди.

Шундай қилиб, амалнинг маъно-моҳияти истакларни (شاҳавот) синдириб, уни илоҳий олий томонга йўналтиришдан иборат. Нафсни унинг

паст, суфлий томони (бил-жанаба ас-софила) билан боғлайдиган нуқсон ва ёмон алоқалардан тозалаш лозим. Буни токи ушбу алоқалар йўқолгунча ёки ҳеч бўлмагандан заифлашгунча амалга ошириш керак. Сўнг нафсни илоҳий ҳақиқатларни ўрганишга йўналтириш зарур, шунда Аллоҳ томонидан пайғамбар ва авлиёларга юборилган юксак олий нарсалар (ал-умур уш-шарифа) юборилади.

Озгина кишилар агар табиий софликка эга бўлсалар, интилиш ва ижтиход билан мужтаҳидлар чегарасига етиб бориши мумкин. Нафснинг поклиги эса фитратнинг аввалида жуда катта фарқ қиласди. Зоро, ҳаракат ҳам турлича бўлади, шу сабаб охиратдаги саодат ҳам даражасига кўра ҳар хил бўлади. Шунинг учун амал бу ички кураш ва кераксиз нарсалардан халос бўлишдир. Ботиний кураш йўлдан шиша бўлаклари, суюк ва тошларни олиб ташлаш кабидир. Хуллас, нафс саодати ва комиллиги илоҳий ишлар ҳақиқатини нақш қилишида бўлиб, бу фақат нафсни паст нарсалардан, нуқсон, шаҳват ва ғазабдан тозалашорқали мумкин. Бу эса ҳаракат ва хайрли амалларни қилиш орқали амалга ошади. Амал эса поклик учундир, комилликка эришишнинг шарти ҳам поклик ҳисобланади. Пайғамбар алайҳиссалом айтганидек, Ислом ҳам тозалик ва покликка қурилгандир.

Тасаввувнинг илмга муносабати тўғрисида

Абу Ҳомид Ғаззолий барча олимлар амалларнинг мақсади ёмон сифатлардан қутулиш ва ёмон ахлоқдан нафсни поклаш деган фикрда яқдилдирлар дейди. Сўфийлар фикри бошқа назариётчилар ва аҳли илм фикридан фарқ қилиб, улар олимлар ишларнинг моҳияти (ҳақоик ул-умур) ҳақида ёзиб қолдирган илмларни олишга ва фанларни ўрганишга рағбатлантирмайдилар. Бироқ, мақсадга етишиш учун ёмон сифатлардан халос бўлишга ҳаракат қилиш, барча алоқаларни узиш ва илоҳга юзланиш керак деб ҳисоблайдилар. Қачон бу нарса рўй берса, изловчига раҳмат тушади, илоҳий сирлар очилади (инкишоф) ва унга ҳақиқатлар зоҳир

бўлади. Бунинг учун фақат инсон ўзини сидқ, самимий ният билан ўзини тўлиқ поклаб тайёрлаши лозим.

Газзолий ўз ҳаётидан бир мисол келтиради: “Қачонки мен ушбу йўлдан сидқ билан юришни истаганимда, шогирдлари кўп бўлган бир сўфийдан Қуръонни доимий тиловат қилиш тўғрисида маслаҳат сўрадим. У буни менга ман этиб, деди: Бунга эришиш учун дунё ҳаёти билан барча алоқаларни узишинг керак, қалбинг аҳлинг, фарзандинг, молу давлатинг, ватанинг, илм олишга ва мансабга эга бўлишга боғланмаган бўлсин. Бу нарсалар борми ёки йўқми, муҳим бўлмайдиган ҳолатга эришиш лозим. Кейин бирор бир жойда (зовия) ўзинг билан ёлғиз қол, ибодатлардан фақат фарзлари ва мажбурийларини қолдир, қалбингни ўйлардан фориғ қилган ҳолда Аллоҳни зикр қилиб ўтири. Худди шундай биринчи амр, аввал фақат тилинг или зикр қил, қалб ҳузури ва идрок қилган ҳолда тинмай “Аллоҳ, Аллоҳ” дегин, токи шундай ҳолатга етгинки, тилда зикрни такрорлашни тарк қилсанг ҳам, калималар тилингдан ўзидан ўзи оқиб чиқаётганини кўрасан. Сўнг токи тилнинг изи йўқолмагунича уни зикр қилишни тўхтатма, шунда қалбинг ва нафсинг бу зикрни тилнинг ҳаракатисиз ҳам қилаётган ҳолда топасан. Сўнгра қалбингда шу лафзнинг маъносидан бошқа бирон нима олмагунича давом эт, ва хотирингга лафзнинг ҳарфлари, сўзнинг товушлари келмайди, аммо қалбингда доимий ва мустаҳкам ҳолда фақат маъно қолади. Ўша пайтгача сен танлаш имконига эгасан, ундан сўнг эса сенда ихтиёр йўқ. Фақат чалғитадиган васвасалар билан доимий курашиш қолади. Сўнг ихтиёрингдан узиласан, шунда сенда авлиёларга очилганидек футухот йўли билан зохир бўладиган нарсаларни (лима йазхуру мин футух) кутишдан бошқа чора қолмайди ва бу нарса пайғамбарларга очилган нарсаларнинг баъзисидир. У худди бир онли чақмоқдек бўлиб, узоқ давом этмайди, кейин қайтади, аммо кечикиши мумкин. Ва агар қайтса, доимий қолиши ёки бир лаҳзага келиши мумкин. Агар у доимий бўлса, унинг доимийлиги давом этиб, узлуксиз кетма-кет

келади, биргина қўриниш билан тугамайди. Авлиёуллоҳ манзиллари уларнинг хулқи ва ахлоқи тафовутига кўра саноқсиздир”²⁸.

Сўфийларнинг йўли шундай, улар ҳамма нарсани фақат нафси поклаш ва жило беришга, сўнгра эса тайёргарлик кўриб, кутиб ўтиришга мужассам этганлар. Бироқ, назариётчилар ушбу усулни ва уни мақсадга олиб келишини инкор қилмайдилар, чунки бу кўпинча авлиё ва пайғамбарлар содир бўлган. Аммо улар бу йўлни эгри ҳисоблайдилар ва у доим ҳам мақсадга олиб бормайди деб тахмин қиласидилар. Уларнинг фикрига кўра барча алоқаларни биргина ҳаракат (ижтиход) билан узишнинг имкони йўқ. Агар бу қандайдир йўл билан содир бўлса ҳам, уни давом эттиришнинг умуман иложи йўқ, чунки шайтон васвасаси ва бузгунчи истаклар жуда яқин. Бу кураш (мужоҳада) давомида кайфият (мизож) бузилади, ақл айнийди, вужуд касалланади ва меланхолияга (молихулиё) олиб келади.

Агар нафс ҳақиқий далилланган илмлар (ал-улум ал-ҳақиқа ал-бурҳония) билан қаноат ҳосил қиласа, хотирида хаёлот (фантазиялар) пайдо бўлади ва у уни нозил бўлган ҳақиқат деб ўйлайди. Қанча сўфийлар биргина хаёл асиригида токи халос бўлгунларича ўн йиллаб қолганлар. Агар инсон аввал илмларни мукаммал эгаллаганида эди, ундан бирданига халос бўлган бўларди. Илм меъёрларини билиш (маърифат миъйар ал-илм) ва аниқ илмий далиллар (бароҳийн ал-улум ал-муфассила) орқали билимларни эгаллаш муҳимроқдир. Зоро, у нафсни билишга ҳаракат қилиш мақсадга етказганидек, мақсадга тез олиб боради. Агар йўлга кирган солик (мурид) риёзат орқали тез самарага эришаман деса, у ҳақиқатдан йироқдир. Нафсни ҳақиқий илмлар (ал-улум ал-ҳақиқа) билан бойитиш ва имкон қадар изланиб, ўрганиш лозим. Биринчи навбатда, ўзидан олдингилар нимага келган бўлсалар ўшани ўрганиш зарур. Шундан сўнг илохий масалаларни ўрганаётган олимларга кашф бўлмаган

²⁸ Имом ал-Ғаззолий. Мизон ул-амал. Заҳоир ул-араб. Дор ул-маориф би-Миср, 1964. –С. 12-13.

нарсаларга юзланиш керак, чунки одамларга очилмаган нарсалар кашф бўлган нарсаларга нисбатан кўпроқдир. Айнан шу масалада икки гурухнинг фикри фарқ қиласди.

Тасаввур қилки, нафс илоҳий илмлар нақш қилинадиган жойдир (маҳаллу нақш ал-улум ал-илаҳия). Инсон учун икки йўл бордир: бири қалбга нақш солиш ва қалбни нақшни қабул қилишга тайёрлаш. Нақш бу ерда Сақланадиган ёзув (ал-лавҳ ул-маҳфуз) ва фаришталар илмидир, чунки улар ҳақиқий билимлар билан мунаққаш этиб безатилгандир. Инсон илми кўриб, ушлаб, ҳис қилиб бўладиган нақш эмас, аммо нақш сурати ақлдадир. Фақат маҳсусот (ҳислар этиладиган нарсалар) билан чекланадиган ва ундан юқори кўтариilmайдиган одамнинг паст нафси буларни инкор этади.

Икки йўлдан қайси бири тўғрироқ эканлиги ҳақида

Ғаззолий саодатга эришишнинг икки йўли борлигини гапириб, улардан қай бирини танлаш масаласида қарорга келиши ҳар бир кишининг шахсий иши эканлигини таъкидлайди. Бу қарор инсоннинг ҳоли ва эгаллаган мақомига кўра белгиланади. Мутафаккир бу масаладаги қарорни қатъиян салбий ёки ижобий дейиш хатодир, дейди. Аммо у турли кишилар ва ҳолатларга нисбатан фарқ қилиши лозим. Сулукни танлаган ҳар бир киши ўз ҳолини юксак ҳисоблайди. Лекин сўфийлар йўлидан юрмоқ афзалроқ, яъни доимий ибодат ва алоқаларни узиш йўлидан бормоқлиқдир. Чунки нафснинг ҳақиқий хусусиятига айланадиган билимларни ўзлаштириш қийин ва ёшлиқда осон эришилади. Ёшлиқда олинган илм тошга ўйилган нақш кабидир. Қариларни ўргатиш эса қийин.

Акобирларнинг биридан сўрадилар: “Бирор қарилигида илм олишни истаса, нима қилиши керак?”. У деди: “Мисхни ювгин, мумкин оқариб қолар”. Мисх – дағал ва жигарранг мато. Бундан хулоса чиқадики, кўпгина одамлар учун хайрли ишлар билан шуғулланиш ва илмда эса иш учун керак бўладигани билан чекланиш яхшироқ. Чунки улар ёшликларида

илмга эътибор бермайдилар. Агар ўсмир ёшлигиде бунга эътибор берса, унинг характери ва ақлига (табъ ва зако) қарашибозим. Агар у ақл билан мушоҳада қилинадиган ҳақиқатларни (ал-хақоқ ал-ақлия ад-дақиқа) қабул қилишга қодир бўлмаса, у ҳам амалий ишлар билан шуғулланиши лозим. Чунки унинг назарий илмлар (ал-улум ун-назария) билан шуғулланишинг фойдаси бўлмайди. Бундайлар эса кўпdir.

Агар ёш ўсмир ақлли ва илм олишга қобилиятли бўлса, агар у ўз юрти ва асидаги назарий илмларда мустақил эмас экан, у ўзидан олдин ўтганларга тақлид қилиш мартабасидан юқори туради. Унга ҳам иш билан шуғулланиш яхшироқdir. Зеро, устозсиз илм олиш имконсиз, чунки бир кишининг қуввати узоқ муддат давомида оз нарсага етади. Шунинг учун илмни ёшлиқда олиш керак. Бунинг учун у илмда мустақил бўлган олимни топиши, у олим нафақат ташқи томондан, балки моҳиятига кўра илмда мустақил бўлиши лозим. Кўр ва унинг издошларига эргашишда яхшилик йўқ.

Ёшлигиде турли илмларни ўрганган, сўнг сўфийларга мурожаат қилган киши икки йўлдан боришга тайёр. У аввал таълим олиш йўлидан бориши ва инсонда жо қилинган қувватга таянган ҳолда илм олиши зарур. Бунга эса олдингилардан олинган билим кифоя қиласи. Агар у имкон қадар илмларни олиб бўлганидан сўнг, одамлардан узлатга чекиниш, дунёдан воз кечиш ва Аллоҳга юзланишини танлаши мумкин. Эҳтимол, бу унга тариқат соликларидан яширинган нарсаларга йўл очиши мумкин, дейди Ғаззолий.

Инсонларнинг аксариятига амал билан шуғулланиш яхшироқ деган хуроса чиқади. Амалдан амалий илм чиқади, бу эса ишларнинг қанақалигини билишга ёрдам беради. Зеро, амалий илм амалдан устун эмас, ҳатто пастда туради, чунки улар учун мўлжалланган бўлиб, бошқа илмдан фарқ қиласи. У илмда эса асосийси Аллоҳ, фаришталари, китоблари, пайғамбарлари, нағс илми ва унинг сифатлари, Ер ва самолар

подшоҳлиги ҳамда бошқалар маълум бўлади. Булар назарий илмлардир (ал-улум ун-назария), амалий илмлар (ал-улум ул-амалия) эмас. Амалий илмлар хайрли ишларни қилишда фойдали бўлсада, тўғридан тўғри эмас. Кўпчилик одамлар учун ҳақиқат амалда яширган бўлгани учун, пайғамбар а.с. ҳатто ҳожатга кириш ва ювинишни одамларга ўргатган. Аммо назарий илмларга тегишли бўлган нарсалар – Аллоҳнинг сифатлари тўғрисида батафсил тўхтамаган, умумлаштириб гапирган.

Сўнгра Муҳаммад алайҳиссалом илмнинг улуғлиги ва амалдан кўра шарафлироқ эканлиги ҳақида гапирган. Унга мисол тариқасида шу сўзларни келтириш мумкин: “Бир соат тафаккур қилиш бир йил ибодатдан яхшироқ”, “Олимнинг обиддан кўра фазилатининг устунлиги Бадр кечасидаги ойнинг fazli кабидир”. Амалдан устун бўлган бу илмлар қуидагича бўлади: амаллар қандай бўлиши тўғрисида, масалан, фикҳ ва ақоид ёки бошқа бирор илм тури бўлиши мумкин. Юқорида зикр этилганларни икки сабабдан хато тушунмаслик лозим. Биринчиси, олимнинг обиддан устунлиги, лекин обид ибодат тўғрисида илми бўлиши зарур, акс ҳолда у фосиқ ва бузук одам бўлади. Иккинчиси, ибодат тўғрисидаги илм амалдан шарафли бўлмайди, чунки амалий илм мақсад эмас, балки амаллар учун мўлжаллангандир. Бошқа нарса учун мўлжалланган нарса эса, ундан устун ва шарафли бўлолмайди.

Жаннатга олиб борувчи илм ва амаллар тўғрисида

Ғаззолий илмларнинг ҳар хил бўлиши ва уларнинг ҳаммаси ҳам фойдали бўлмаслигига эътиборни қаратади. Илмлар икки қисмга: амалий ва назарийга бўлинади.

Назарий билимлар кўп ва улар турли мамлакатлар, асрлар ва миллатларда фарқ қиласди, улар нафсда асрлар оша абадий қолмайди. Бу илмлардан инсонга нафсининг камолга эришишига ёрдам берадигани керак, токи у ўзидағи ажойиблиқ ва гўзалликдан абадий қувониб, баҳтиёр бўлсин. Бу илмга тил ва товушлар тўғрисидаги илмлар, грамматика, нахв,

шеърият, лексикология кирмайды. Инсон буларни асосий мақсадга эришиш воситаси ўлароқ ўрганса бўлади. Асосий мақсад эса ҳақиқий илмларни эгаллашдир. Энг муҳим мақсад – фаришталар тўғрисидаги илм, чунки улар худо ва пайғамбарлар ўртасидаги боғловчи воситадир. Шунингдек, пайғамбарлик (нубувват) ва пайғамбарлар ҳақида билиш ҳам муҳим, чунки улар ҳалқ ва фаришталар ўртасидаги восита. Худди шу тартибда охирги назарий илмга қадар давом этади. Ҳар бир илм бошқасига этади, шунинг учун жуда кўп фасл ва қисмлар вужудга келади.

Иккинчи қисм амалий билимлар бўлиб, улар учта:

1. Инсон нафси, унинг сифатлари ва ахлоқи, риёзат, ҳавойи истаклар билан курашиш тўғрисидаги илм.
2. Аҳлу оиласи, фарзандлар, хизматкорлар билан қандай муомала қилиш тўғрисидаги илм. Уларни ҳам тана қувватини ғазаб ва истаклар билан курашиш учун бошқаргандек бошқариш зарур.
3. Илми сиёsat, яъни мамлакат ёки бирор жойнинг аҳолисини бошқариш тўғрисидаги илм. Бу учун асосан фиқҳ, ҳуқуқ илми керак бўлади.

Ушбу уч илмдан энг асосийси нафс ва вужудни бошқариш, шунингдек, адолатни тутиш ҳисобланади. Агар ҳамма нарса мувозанатга келиб, адолат қарор топса, бу узоқдаги раъиятга ёйилади, яъни аҳли, фарзанди ва юрт аҳолисига тарқалади. Худди шу каби ҳамма ўз қўл остидагиларига масъулдир. Бундан ташқари ҳамма нарса нурнинг қуёшдан, соянинг дараҳтдан эканлигига ўхшайди. Агар соя соловчи эгри бўлса, қандай қилиб соя тўғри бўлсин? Агар инсон нафсини бошқаролмаса ва ўзини тийиб, чекламаса, қандай қилиб бошқаларни бошқара олади? Амалий илмлар мажмуаси шулардир.

Ғаззолий устида ишланиши лозим бўлган бир нечта қувватлар мавжуд дейди. Улар учта:

1. Тафаккур қуввати (қувват ут-тафаккур)

2. Истак қуввати (қувват уш-шаҳва)

3. Газаб қуввати (қувват ул-ғазаб)

Тафаккур қуввати тарбияланса, доношмандликка эришилади. У инсонга ҳақиқатни ёлғондан, амаллардаги гўзал ва хунук нарсаларни ажратишга ёрдам беради.

Иккинчи қувват истаклар, яъни шаҳавот бўлиб, уни тузатиш ва ислоҳ этиш билан иффат ҳосил бўлади. Нафс фахш ва гуноҳлардан сақланади, раҳм-шафқат ва мақтовга лойик фазилатлар томон интилади.

Учинчи қувват – ғазаб, уни бўйсундириш ва ислоҳ қилиш мулоҳазакорлик ва мулойимликка (ҳилм) олиб келади, бунда инсон ғазабини жиловлаб, уни тарқалиб кетишига йўл қўймайди, шунингдек, шиҷоатни пайдо қиласи, бунда одам нафсининг очқўз ва қўрқоқ бўлишига йўл қўймайди ва бу икки сифат Қуръон томонидан қораланади. Инсон қачонки бу уч қувватни тузатса, уларни керакли даража ва чегарада бошқарса, икки қувват учинчи, яъни тафаккур қувватига бўйсунса, барча нарсаadolat ҳосил бўлади. Айнан шундай адл ва мувозанат асосида ер ва фалаклар ўрнатилгандир.

Ғазолий буларнинг барчаси шариат фазилати (макорим уш-шариат), нафснинг поклиги (тахорат ун-нафс) ва хулқнинг гўзаллиги (ҳасан ул-хулқи-л-маҳмуд) жамланмаси дейди. Расуллоҳ айтади: “Ҳаммадан кўп ораларингиздан ахлоқи энг яхши, бошқаларга ғамхўр қиласидиган, суйган ва суюкли бўлганларингизни яхши кўраман”. Барча яхши сифатларга мана шу уч қувватни тузатиш орқали эришилади. Илоҳий илм (ал-илм ул-яқин) ва ҳақиқий донолик (ал-ҳикмат ул-ҳақиқа) фикр қувватини ислоҳ (би-ислоҳ қувват ал-фикр) қиласдан туриб ҳосил бўлмайди. Пайғамбар мол билан курашиш (мужоҳада) деганда, иффат ва саховатга ишора қилди. Иккаласининг ёрдамида шаҳват ислоҳ этилади. Нафс билан курашмоқ деганда, шиҷоат ва ҳилмга далолат қилди. Уларнинг ёрдамида қизиққонлик, жаҳл (ҳамият) ислоҳ қилинади. Аллоҳ бунга ишора қилиб,

айтади: “Кечиримли бўл, яхшиликка буюр ва жоҳиллардан юз ўтири” (Аъроф, 7:199).

Ўзига зулм қилган кишини кечирмоқлик шижаат ва мулойимликнинг энг чўққиси (ниҳоя), бермаган кишига эса бериш олийхимматликнинг чўққисидир ва алоқани узган киши билан муносабатни давом эттириш раҳмдилликнинг (ал-иҳсон) чўққисидир.

Ушбу ўзаро тортишадиган қувватлар билан бирга нафснинг нимага

ўхшаши тўғрисида

Вужуддаги инсон нафси худди ўз шахри ва мамлакатидаги волий (хукмдор) кабидир. Унинг танага бўйсунадиган қуввати ва қисмлари ишчи ва ҳунармандлар кабидир. Ақл қуввати эса насиҳат берадиган маслаҳатчи ва оқил вазирга ўхшайди. Шаҳват озиқ-оқат олиб келадиган ёмон қул кабидир. Қизиққонлик (ҳамият) ҳоким миршаблигининг бошлиғи кабидир. Овқат олиб келадиган қул эса маккор ва пасташ ёлғончи бўлиб, насиҳатгўй суратида келади. Аммо унинг насиҳатлари остида даволаниши қийин бўлган касаллик яширин ва энг катта ёвузлик бу вазирга пешхезлик қилишдир. У бир соат ҳам тўхтамасдан, вазир билан доимий тортишади.

Агар хукмдор ўз мамлакатида барча ишларида вазир билан маслаҳатлашиб, ярамас ва қабих қулнинг маслаҳатига эътибор бермаса, унинг кўрсатмасига тескари ишни қилиб, миршаблар бошлигини ўзига бўйсундириб, вазирига қулоқ тутишга мажбур қилса, қабих қул ва унинг тарафдорларига қарши берилган буйруқларни бажаришга йўналтирса, бу разил қул бўйсундирилиб, бошқарилади. Шунда унинг мулкида барча ишлар тартибга тушади ва адолат ўрнатилишига тайёр туради.

Шунинг учун нафс ақлдан ёрдам сўраганида, қизиққон ғазабини истакларини бошқарадиган қилади. Бошқа пайт ақлдан ғазабнинг мағурурлиги ва кибрини шаҳватни жалб қилиб, секин-аста ундан фойдаланган ҳолда пасайтириш мақсадида ёрдам сўраб мурожаат қилади. Баъзан шаҳватни сўндириш ва ғазаб ҳамда қизиққонлик орқали бошқариш

учун ёрдам сўрайди, шунда инсоний қувватлар мувозанатга келади, адл ўрнатилади ва ахлоқ яхшиланади. Аллоҳ бу йўлдан қайтган одамлар ҳақида шундай деган: “...ва ҳавои нафсиға эргашди. Бас, унинг мисоли худди бир итга ўхшайди” (Аъроф, 7:176). Нафсу ҳавосини енгган кишига эса, жаннат ваъда қилинади.

Баъзи бир гурухлар ҳисоблаганидек, мақсад ғазабни бўйсундириб, уни бутунлай ҳалок қилиш ва шаҳватни сўндириб, борлиғи билан йўқ қилишда эмас, балки уларни чеклаб, бошқаришдадир, чунки ақл ғазабсиз тарбиялай олмайди, у фақат ҳақиқатни кўрсата олади ва у қувватлардан энг олийжанобидир. Шу қувват сабабидан инсон Аллоҳнинг Ердаги ўринбосари (халифа) бўлди. Лекин у фойда нимада эканлигини кўрсатувчи табибга ўхшайди, агар инсон шаҳватни итоат эттирадиган ва ақлга хизмат қиласидиган ғазаб ҳамда қизиқонлик ёрдамидан фойдаланмаса, унинг кўрсатмалари фойда келтирмайди. Шунинг учун ҳамиятсиз кишида ақл фазилати кўринмайди. Бироқ, у бўйсундирилган ва фақат ақл ишорасига кўра юзага келиши лозим. Худди шундай шаҳват ҳам, уни ушлаб туриш ва жимоъдан тийилиш қийин, бу авлод давом этишига сабаб бўладиган кўпайишни тўхтатиб қўяди. Овқатдан воз кечиш ҳам қийин, чунки бу инсоннинг мавжудлигини тўхтатиб қўйиши мумкин. Бироқ, у таомнинг ортиқчалигидан сақланиши керак, овқат емакдан мақсад бу жараёндан лаззатланиш эмас, балки илм олиш ва хайрли амалларни қилиш учун қувватни тўлдириш бўлиши лозим.

Инсон моҳиятига кўра буюк ва ҳажмига кўра кичик қилиб яратилган. Унинг танаси – шаҳар, ақли эса уни бошқарадиган – ҳукмдор каби. Унинг ташқи ва ички ҳислардан (ал-ҳавос уз-зоҳира ва ал-ботина) бўлган ақл қуввати (ал-қувват ул-мудрика) қўшини, тана аъзолари ва органлари фуқароларидир. Ёмонликни буорувчи нафс (ан-нафс ул-амморабис-суиъ), яъни шаҳват билан ғазаб, худди унинг мамлакатини босиб олиб, фуқароларини ўлдирмоқчи бўлган душманга ўхшайди. Инсон танаси

чегара каби, нафси эса унинг қўриқчиси каби туради. Агар инсон ўз душмани билан кураш олиб бориб, уни асирга олса ва бўйсундирса, ҳамма унга ҳамду сано айтиб, мақтайди, у Аллоҳга қайтган ҳисобланади.

Агар инсон ўз чегараси ва фуқароларини йўқотса, уни ёмон сўзлар билан эслайдилар ва бунинг учун у Аллоҳ Таолони учратганда жазо олади. Нафс билан бу кураш қувонч олиб келади ва рухга озиқ бўлади. Ҳақиқатда буни амалга ошириш рухни сугуриб олишдир. Буни фақат нафсидан шахватларни тарк этишни талаб қиласиган кишигина билади. Шунинг учун ҳам саҳобалар нафс билан курашни катта жиҳод деб атаганлар. Ҳадисда ҳам: “Душманларини жангда тез-тез мағлуб этадиган киши кучли эмас, балки ғазаби чиққанде ўзини ушлаб турган киши кучлидир” дейилади.

Яна бир мисол, ақл отлиқ овчига ўхшайди. Шаҳват унинг оти, ғазаб унинг ити кабидир, агар овчи тажрибали, оти итоаткор, ити тарбияланган, ўргатилган ва айтганни қиласиган бўлса, у муваффақиятга эришади. Агар ўзи аҳмок, оти қайсар, ити сержаҳл бўлса, от унинг йўриғига юрмайди, ит унинг ишорасига итоат билан юурмайди ва бу овчи истагига етишиш тугул ҳалок бўлишга лойиқдир.

III. НАФСНИНГ ДАРАЖАЛАРИ ВА АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАР

Ҳаво билан курашда нафснинг даражалари ва ақл билан истаклар ўртасидаги фарқ тўғрисида

Ғаззолий инсонда орзу-истаклар (ҳаво) билан курашда уч ҳолат мавжуд дейди. Биринчиси, ҳаво инсон устидан ғолиб келиб, уни бошқаради ва у унга қарши тура олмайди. Бу иш аксарият одамлар билан содир бўлади. Кимки, тана истакларига интилса ва ўз хоҳишларига эргашса, ҳавосини илоҳга айлантиради.

Иккинчиси, тинимсиз уруш ва рақобат давом этса, баъзида инсон ва баъзан эса ҳавонинг қўли баланд келса, у доимий жиҳод олиб борувчи

кишидир. Агар бу пайтда уни ўлим олиб кетса, у шахид бўлади. Бу пайғамбарлар ва авлиёлардан ташқари одамлар учун энг олий даражадир (ар-рутбат ул-улйа).

Учинчиси, инсон бутунлай ҳавосининг устидан ғалаба қозонади ва уни шундай бошқарадики, ҳаво ҳеч қачон ғолиб бўлолмайди. Бу катта мукофот, ҳақиқий неъмат ва ҳаққоний ҳурлик, қулликдан озод бўлишдир.

Ҳозирда бу кўпчилик ортга чекинадиган жойдир, чунки қанча инсонлар шу даражага етдим деб ўйлайдилар, ҳақиқатда эса шайтонга мурид бўладилар, чунки у ўз нафс истакларига эргашади, лекин мақсадини дин учун деб оқлайди. Ғаззолий: “Ҳатто шундай кишиларни кўрдим, улар ваъз ўқиб, хукм чиқарапдилар ва одамларга насиҳат қиласардилар, аслида эса ўз хоҳиш-истакларига хизмат қиласардилар. Бироқ, улар ўзларини дин ва савоб талабида ҳаракат қиласардилар. Бу энг катта аҳмоқлик ва кибрдир”²⁹ деган. Ҳақиқатни факат бир йўл билан билиш мумкин, яъни устоз ёрдамида. Бу устоз одамлар томонидан қабул қилиниши учун эмас, балки Аллоҳ йўлида насиҳат қиласади, унинг мақсади одамларни Аллоҳга даъват қилишдир. Унинг аломати, агар ёнида ўзидан кўра яхшироқ воиз ўтиrsa, у воиз машҳур, илми зиёда, нутқи ёқимли ва уни одамлар ўзидан кўра яхшироқ қабул қилишса, у хурсанд бўлади ва Аллоҳга уни бу вазифадан бошқа кишининг ёрдамида халос қилгани учун шукроналик келтиради. Бу одам эса бу вазифани ундан кўра яхшироқ уddeлайди. Бу худди коғир билан урушиб, уни ўлдиришга буюрилган кишига ўхшайди, аммо чақмоқ чақиб коғирни ёндиради ва у одам урушишдан кутулади. Албатта, у хурсанд бўлади ва Аллоҳга шукrona келтиради. Бу ҳолат авлиёлар билан содир бўлади ва бунинг белгиларидан бири уларнинг ҳар соатда эҳтиёткор бўлиши ва Абу Бакр Сиддиқдан ривоят қилинганидек, улар очик-ойдин:

²⁹ Имом ал-Ғаззолий. Мизон ул-амал. Захоир ул-араб. Дор ул-маориф би-Миср, 1964. –С. 18.

“Мени ўлдиринглар, чунки сизлардан яхшиларингиз эмасман” деб хитоб қиласылар.

Бир нарсани билиш керак, ақл күпинча оқибати нұктай назаридан яхшироқ нарсага ишора қиласы. Эхтимол, унда кулфат ва машаққат бўлиши мумкин ва ақлга паришенлик пайтида мурожаат қилиш лозим. Агар бирор масалани ҳал қилаётганда, инсон икки ечимдан қайси бири тўғрилигини билмаса, унда истаганини эмас, балки ўзига ёқмаганини танлаши зарур. Чунки кўпчилик одамлар ўзларининг хуш кўрмайдиган, ёқтиромайдиган нарсаларида (ал-кароҳат) шундайдир. Расулуллоҳ айтганидек: “Жаннат хуш кўрилмайдиган нарсалар билан ўралган, аммо дўзах шахват билан ўралгандир”. Аллоҳ ҳам айтади: “Агар уларни ёқтиромассангиз, шоядки, Аллоҳ сиз ёқтиромаган нарсада кўпгина яхшиликларни қилса” (Нисо, 4:19).

Агар инсон қулайлик ва роҳатни танласа, у қийинчиликлардан йироқда бўлишни истайди, ўша пайтнинг ўзида яхши шароитни хоҳлайди. Бу пайтда у нафсини айблаши лозим, чунки бирон нарсага муҳаббат қўйиш, боғланиш инсонни кўр ва кар қиласы. Инсон ақли кўрсатган нарсада ибодат ва истихорага³⁰, токи унинг қалбига ҳақиқат очилмагунича юзланиши лозим. кўп ҳолларда ҳавойи нафс инсонни ўйлаб топилган баҳоналар билан чалғитади, ақл эса ҳақиқий далиллар (ал-хужаж ул-ҳақиқия) билан бошқаради.

Хунук инсонга ошиқ бўлган ёки мазали бўлмаган таомни ейдиган киши буни одатига кўра яхши кўради. Бунга қайтар экан, у одам буларни безаб кўрсатиш учун сабаблар топа бошлайди. Бунга эса ақл исён кўтариб, уларнинг сохта ва ўйлаб топилганини таъкидлай бошлайди. Умуман олганда, бу ҳақиқатни англаш учун илохий фикр равшанлиги (ан-нур ул-ҳақиқия) билан бошқаради.

³⁰ Истихора – қийин ахволда ёки бирор нарсада қарор қабул қилишда Аллоҳга тўғри йўлни кўрсатишни сўраб мурожаат қилиш.

илахий) ва самовий ёрдам (таъйид ус-самовий) керак бўлади. Шунинг учун инсон паришонлик (мазонн ул-ҳайрат) ҳолатида Аллоҳга юзланиши лозим.

Баъзи тасаввуф олимлари айтадиларки, ақл ҳозирда оғриқ ва келажакда фойда келтиради, ҳаво, истак эса ҳозирда лаззатга ва келажакда оғир оқибатларга (ал-вахим) мойил бўлади. Уларнинг ўртасида тортишув бошланади ва улар хукм чиқариш учун инсондаги бошқарадиган қувватга (ал-қувват ул-мудаббира ал-муфаккира) мурожаат қиласидар. Аллоҳ нури ақлнинг нусрати ва юксалишига интилади, шайтон ва унинг шериклари васвасаси ҳавойи нафснинг ғалабасини қўллашга шошилади. Улар ўртасида жанг бошланади. Агар инсондаги бошқарувчи қувват (ал-қувват ул-мудаббира) шайтон ва унинг малайлари фирмасидан бўлса, ҳақиқат нуридан (нур ул-ҳаққ) айрилади, келажакдаги фойдани қўролмайди ва бирлаҳзалик лаззат билан алданиб, унга қанот қоқиб интилади, Аллоҳнинг авлиёлари эса ғалаба қозонади. Агар киши Аллоҳ ва авлиёлари фирмасидан бўлса, илоҳий нур ёрдамида тўғри йўлни қўради, ўткинчи ҳайтга эътибор бермайди ва абадий ҳаётга интилади. Аллоҳ имон келтирганларни зулматдан нурга чиқаради. Ақл гўзал дарахтга, ҳаво эса хунук дарахтга ўхшайди. Аллоҳ Иброҳим сурасида яхши сўзни гўзал дарахт қабидир дейди (Иброҳим, 14:24).

Ушбу икки рақиб, Аллоҳнинг дўстлари ва шайтоннинг ёрдамчиларидан иборат қўшинлар саф тортиб, улар ўртасида жанг бошланганда, ягона йўл шайтондан ҳимоя қилишни илтижо қилиб, Аллоҳга мурожаат қилишдир.

Ғаззолий шаҳват ва ҳаво ўртасидаги фарқни қуйидагича тушунтиради. Ҳаво қораланадиган ва шаҳват мақтовга лойиқ қувватлардандир. Мақтовга лойиқ қувват Аллоҳнинг ишларидан бўлиб, бу қувват инсон нафси унинг ёрдамида танага ҳайрли бўладиган нарсага интилиши ёки вужудини давом этиши (яшаши) ва наслини давом эттириши ҳамда уларни биргаликда ислоҳ қилиши учун яратилгандир.

Кораланадиган қувват ёмонликқа буюрадиган нафснинг (ан-нафс уламмора бис-суъи) ишларидан. Бу ундаги жо этилган жисмоний лаззат (ал-лаззат ул-бадания) туфайли яхши кўришидир. Агар бу шахват ғалаба қилса, ҳаво деб аталади. Чунки у ўзи билан фикрни олиб келади ва уни буйруқларига узоқроқ бўйсунишига интилади. Фикр эса ақл ва шахват ўртасида сарсон бўлади. Агар фикр ақлга хизмат қилса, у юксалади, шарафланади ва яхши амалларни пайдо қилади. Агар у шахват томонига ўтса, тубанлашади, энг пастга қулайди (асфал ус-софилин) ва қабиҳ ишларни вужудга келтиради.

Хулқни ўзгартириш имконияти тўғрисида

Фаззолийнинг таъкидлашича, баъзи бир адашган фирмалар хулқ (инсон характеристи) тутғма сифат бўлгани учун ўзгармайди деб ҳисоблайдилар ва бунга пайғамбар а.с.га тегишли “Аллоҳ яратишни якунлади” деган сўзини келтирадилар. Улар хулқни ўзгартириш истагини Аллоҳ яратган нарсани ўзгартиришга бўлган интилиш ҳаракатга келтиради деб ўйлайдилар ва расулуллоҳнинг “Ахлоқларингизни яхшиланглар” деган сўзларини унутадилар.

Зоро, иш-ҳаракат ахлоқнинг натижасидир. Бу худди пастга қулаш табиий оғирлик натижасига ўхшайди. Инсон ақли бошқарадиган ахлоқнинг ўзгаришини қандай инкор қилиш мумкин? Агар йиртқич ва ёввойи ҳайвонни ўргатиб, унинг хулқини ўзгартириш имконияти мавжуд экан ва улар хонаки бўлар экан, ит тишламайдиган бўлиб, ўргатиларкан, от асовдан итоаткор жониворга айланаркан, буларнинг бари хулқнинг ўзгаришидир.

Аллоҳ яратган барча нарсалар иккига бўлинади. Биринчиси, инсон таъсир ўtkаза олмайдиган нарсалар – осмон, юлдузлар, тана аъзолари ва қисмлари ва ҳоказо. Иккинчиси, ўзгариш ва мукаммал бўлиш имкониятига эга қилиб яратилган нарсалар. Аммо уни тарбия қилиш ва ривожлантириш шарт қилинган. Унинг тарбияси баъзан танловга (ал-ихтиёр) боғлик

бўлади. Масалан, хурмо данаги экилса ва парвариш қилинса, яъни тарбияланса, у пальма ёки олма бўлиб ўсмайди. Худди шундай инсон ҳам бу дунёда нафсидаги ғазаб ва шаҳватдан тўлик қутулолмайди. Инсон бундан ожиздир, аммо буларнинг икковидан қутулишни истаса, риёзат ва муҳоҳада билан бўйсундирса, уни бошқара олади. Қачон инсон бу ишни қилишни хоҳласа, бу унинг саодат ва нажотга эришишининг шартига айланади.

Хулқнинг жиҳатлари турлича, инсон баъзиси тез (сариъат ул-қубул) ва баъзиси секин (батиъат ул-қубул) қабул қиласи. Бунинг икки сабаби мавжуд. Биринчиси, мавжудликда илгарилардан бўлиш, чунки шаҳват қуввати, ғазаб қуввати ва тафаккур қуввати инсонда мавжуддир. Аммо ҳаммасидан ҳам ўзгариши энг қийини инсондаги шаҳват қуввати саналади, чунки у инсон вужудидаги энг қадимги қувватдир ва у энг мустаҳкам ва ёпишқок бўлиб, ҳайвонларда пайдо бўлгунга қадар, инсонга аввалдан жойлаштирилган эди (мааху фи аввали-л-амр). Ундан кейин ҳамият ва ғазаб қуввати келади. Тафаккур қуввати энг охирида келади. Бу хулқнинг бирор бир жиҳати уни кўп маротаба қўллаш (касрат ул-амал), унга бўйсуниш ҳамда унинг яхши ва ёқимли (ҳасанан ва марзийян) эканлигига эътиқод қилиш билан изоҳланади. Унга нисбатан инсонлар тўрт даражага бўлинади:

1. Лоқайд одам (ал-инсон ал-ғафал). У ҳақни ботилдан, чиройлини хунугидан ажратолмайди, лаззатларга эргашган ҳолда эътиқоддан айрилади ва ўз шаҳватини мустаҳкамлай олмайди. Бундай кишилар осон даволанади, улар муршид таълими ва нафсидаги рағбатга муҳтоҷидлар, шунинг сабабидан улар устозга эргашиб, хулқларини қисқа вақтда яхшилайдилар.
2. Қабиҳликнинг ёмонлигини таниган, лекин яхшилик (ал-амал уссолих) қилишга ўрганмаган киши. Унга ёмон амаллари чиройли кўринади ва шаҳватига эргашган ҳолда, ўз фикрининг ҳақлигига

қулоқ тутмай уларни қиласи. Бу одам билан иш қийинроқдир, унинг касаллиги оғир. У икки ишни қилиши: биринчиси, унда мустаҳкамланган фасод ишларга бўлган одатлардан қутулиши; иккинчиси, нафсни унинг зиддига, яъни тескарисини қилишга қаратиши лозим. Уни тарбиялаш ва тузатиш мумкин, у риёзатни қабул қила олади. Фақат у бу ишга жиддий киришиши шарти билан амалга ошиши мумкин.

3. Бу одам ёмон хулқлар (ал-ахлоқ ул-қабиха) бўлиши керак ва маъқул (ал-вожиба ал-мустаҳсина), улар ҳақиқат ва гўзаллик (ҳаққ ва жамил) деб ишонади. У шунда тарбия топган, бу одамни қарийб даволаб бўлмайди. У солиҳ бўлади деб умид қилмаслик керак, чунки унинг залолатга кетиш сабаблари жуда кўп.
4. Бузук эътиқодда (ал-иътиқод ул-фосид) ўсган ва уни амалда қўллашда тарбия топган киши. У хайрни ёмонликнинг кўплигига ва инсонларнинг ҳалокатида кўради. У бундан фаҳрланади ва бу унинг қадр-қимматини кўтаради деб ўйлайди. Бу энг қийин даража бўлиб, у ҳақда шундай дейилган: “Бўрини тузатиш ва уни итоаткор қилиб тарбиялаш азобдир”.

Биринчи турдагини – жоҳил, иккинчисини – жоҳил ва адашган (золл), учинчисини – жоҳил, адашган ва бузук (фосик), тўртинчисини – жоҳил, адашган, фосик ва ғазабнок (шарир) одам дейдилар.

Ахлоқни ўзгартириш ва ҳавони муолажа қилишдаги умумий йўл тўғрисида

Абу Ҳомид Газзолий нафс билан кураш ва солиҳ амаллар воситасида ўзни тарбиялаш (ар-риёзат) – нафсни комил қилиш, ахлоқини яхшилаш учун уни поклаш ва ривожлантириш, деб айтади. Нафс ва бу қувватлар ўртасида қандайдир бир алоқа мавжуд. Бу алоқани ҳис қилиб бўлмайди, уни ақл ёрдамида билиш мумкин. Нафс ва вужуд бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Агар нафс комил ва пок бўлса, тананинг амаллари ҳам

хайрли ва чиройли бўлади. Худди шундай бадан ҳам, агар гўзал из қолдирса, бу нафсда ижобий хулқ ва гўзал тасвирларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Нафсни поклашнинг йўли бу инсоннинг ўзини комил ва пок нафслардан (ан-нуфус аз-зокия ал-комила) чиқадиган ишларга ўргатишидир. Токи бу ишлар қўп такрорланганидан одатий бўлсин. Кўп вақт ўтмай нафсда бу ишларни қилишга мойил мустаҳкам образ пайдо бўлади ва худди туғма одат каби буни талаб қила бошлайди, шу билан инсонга қилиш қийин туюлган яхши амаллар енгил бўлади. Кимки ўзида сахийлик (хулқ ул-жуд) сифатини тарбияламоқчи бўлса, саховатли бўлишга ва молини тарқатишга ўрганиши лозим. шунда бу иш унга осон бўлади ва у саховатли кишига айланади. Худди шундай ўзида тавозеликни (хулқ ут-тавозуъ) тарбияламоқчи бўлган киши, унда такаббурлик устун бўлса, у мужоҳада йўли билан доимий равишда тавозели кишилар ишини қилиши керак.

Таажжубки, нафс ва тана ўртасидаги алоқа маълум бир даврни (цикл) акс эттиради, чунки куч (такаллуф) воситасида бажариладиган тана ҳаракатидан нафснинг сифати ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган сифат танага таъсир кўрсатиб, ундан бирор бир ҳаракатни талаб қиласди. Бунинг натижасида инсон бу ҳаркатларни олдин куч ёрдамида қилганидек, табиати ва одатига кўра бажара бошлайди. Бошқа хунарларда ҳам шундай, масалан, бирор хаттот бўлишни истаса, чиройли ёзадиган хаттотнинг хатига тақлид қилиши лозим, токи доимий ёзганидан унинг хати ҳам гўзал бўлади ва бу унинг шахсий сифатига (сифату нафсония) айланади. Оқибатда аввал куч билан қилинган иш ўз-ўзидан бўлаверади, яъни чиройли хат унинг хатини чиройли қилгани кабидир. Аммо биринчиси сунъий (мутакаллиф), иккинчиси эса табиий (ат-табъ) бўлиб, нафснинг таъсирчанлиги воситасида ҳосил бўлади. Худди шундай, кимки билимли ва олим бўлишни истаса, доимий таълим олиш, ёдлаш ва такрорлашни

ўзига одат қилиши лозим. Шундагина бу бошида истар-истамас (мутакаллиф) бўлган нарса ҳаёт тарзига айланади ва унинг учун табиатан осон бўлади. Бу барча нафс сифатларига тааллуқлидир.

Нафсни комил қилишга интиладиган киши бир кунлик ибодатдан сўнг унга эришмайди ва бир кунини қолдирса ҳам ундан айрилмайди. Бир кун узилиш кетидан кейингисиниям етаклайди, бора-бора бу ортаверади ва ахири нафс дангаса бўлади ҳамда ҳаракат қилмай қўяди ва илмнинг фазилатидан айрилади. Бу ҳолат кичик гуноҳларга ҳам тегишли, биттаси бошқасига етаклайди. Ҳар бир ибодат инсон сезмасада, таъсири қиласди. Гуноҳлар ҳам худди шундай, қанча олимлар кичик маъсиятларга эътибор бермай, ҳамма нарсани келажакка қўйганлар ва оқибатда илмни мукаммал қилишни (камол ул-илм) ташлаб, саодатдан айрилганлар. Яна кўп олимларга омад боқиб, нафс ва ҳақиқий илм комиллигига (камол ун-нафс вал-илм) эришишган.

Кичик гуноҳларни қилмайдиган киши йўлнинг охирида саодатнинг юксак даражаларига етади. Шунинг учун Али ибн Абу Толиб р.а. айтган: “Имон қалбда оқ нуқта шаклида пайдо бўлади, агар имон зиёда бўлса, оқ нуқта кенгайиб, катталашади. Қачон банданинг имони мукаммал бўлса, унинг қалби тўлиқ оқ бўлади. Ва албатта, мунофиқлик қалбда қора нуқта кўринишида намоён бўлади, агар мунофиқлик зиёда бўлса, ўша қора нуқта ҳам кенгаяди. Агар банда тўлиқ мунофиқ бўлса, унинг қалби ҳам тўлалигича қора бўлади”.

Саодатга эриштирадиган фазилатларнинг гурухлари тўғрисида

Ғаззолий нафс камолоти билан саодатга эришилар экан, комиллик фазилатларни касб қилиш орқали бўлади дейди. Шунинг учун фазилатларни умумий ва алоҳида ҳолда билиш зарурати туғилади. Барча умумий фазилатлар икки мъянода жам бўлади:

- 1. Соғлом ақл ва фикрнинг устунлиги (жавдат уз-зихн ват-тамийиз)**
- 2. Гўзал ахлоқ (хусн ул-хулқ)**

Соғлом ақл (жавдат уз-зихн) саодат ва шақоват (қайғу) йўллари ўртасидаги фарқни англайди, инсонга тўғри йўлдан боришга ёрдам беради ва ашёларнинг ҳақиқатини кўрсатади, буни заиф тақлид ҳамда мавжуд ва ишончли бўлмаган хаёллар ёрдамида эмас, балки событ имонга олиб борадиган аниқ далиллар ёрдамида амалга оширади.

Гўзал ахлоқ (хусн ул-хулқ) эса барча ёмон одатлардан халос бўлишдир. Шариатда айтилганидек, нопок нарсалардан узоқлашиб, инсон ўзида яхши одатларни шакллантириши лозим. Агар ибодат қилиш ва ёмон одатлардан воз кечиш оғир бўлса, унда бунинг сабаби имондаги нуқсондир ва бундай киши тўлиқ саодатга (камол ус-саодат) етиша олмайди. Ўз нафси билан курашадиган киши хайрли иш қилаётган бўлади, аммо у буни ўз ихтиёри ва истаги билан қиладиган одамдан яхшироқ эмасдир. Ҳадисдаям айтилади: “Агар хайрли амалларни Аллоҳ ризолиги учун қилмоқчи бўлсанг, уни қил. Агар ундай бўлмаса, ўзингга ёқмаган ишни қолдир, бу катта хайрdir”.

Нафс қанчалик тоза ва пок бўлса, шунда унинг комиллиги тўлиқ ва эгаси эса унинг тана билан алоқаси узилганда пайдо бўладиган гўзаллигидан хурсанд бўлади. Бу нарса инсон ўзининг ҳолини англашга имкон бермаётган уйқусидан уйғонган пайтда содир бўлади. Ушбу уйғониш дунё ташвишларидан четлашганда юз беради, чунки инсонлар уйқудалар ва агар ўлсалар уйғонадилар. Фазилатлар мажмуи улардан фикр, мулоҳаза ва қийинчиликларсиз фазилатли амаллар содир бўлиши учун мўлжаллангандир. Разилликларнинг (foyят ур-разолат) энг охирги даражаси – бу инсондан меҳнатсиз (такаллуф), фикр ва мулоҳазасиз (руъят) ёмон ишлар (ар-разоил) содир бўлишидир.

Мутафаккир бу фазилатлар назарий ва амалий турларга тааллуқли деб айтади. Амалий турда уларнинг ҳар бири икки йўл билан содир бўлади: биринчиси, таълим ва ўзини ихтиёрий машғул қилиш, бунинг учун эса вакт, машғулот ва амалиёт керак. Ушбу фазилат худди инсон ўсгани

қаби секин-аста мустаҳкамланади. Ҳатто одамлар орасида ҳам амалиёти бўлмагани билан шундай рўй беради. Бу кишининг ақли ёки нодонлигига боғлиқ. Иккинчиси, фазилат илоҳий саховат туфайли ҳосил бўлади. Масалан, инсон муаллимсиз олим бўлади. Исо ва Яхё пайғамбарлар каби. Бу аслида барча нарсаларнинг ҳақиқати (ҳақоик ул-умур) тўғрисидаги илмга эга бўлган пайғамбарларнинг ҳаммасига тегишлидир. Бундай илмга таълим орқали эришиб бўлмайди.

Айтиладики, бунга ўхшаш нарса нафақат пайғамбарлар билан, балки авлиё деб аталадиганлар билан ҳам содир бўлади. Бу шундай ризқи, унга меҳнат ва ҳаракат билан эришиб бўлмайди ва кимга бу нарса берилмаган бўлса, иккинчи гурухдан бири бўлишга ҳаракат қилисин ҳамда билсинки, унинг мартабаси уларга нисбатан анча пастдир. Сурма билан бўялган кўзлар табиатан қора кўзлар эмасдир. Таълим ва меҳнат билан олинадиган илм инсон табиатида худди ахлоқий сифатлар каби азалдан (мабдаъ ул-фитрат) жо қилиниши мумкин эмас деб ўйламаслик лозим. Самимий, тўғрисўз, сахий ва қўрқмас болалар бор. Эҳтимол кимдир бундай туғилмас, унда бу тарбия ва ривожланиш билан ҳосил бўлади. Фазилат ёки инсон табиатида бўлади, ёки одатлар натижасида ҳосил бўлади, баъзан эса таълим воситасида эришилади.

Агар бирор кимсада барча учта жихат ўзаро уйғун ва мос, яъни табиатига кўра, одатига кўра ва таълим орқали фазилатга эга бўлса, у одам мукаммал фазилатга эришади. Ким шу уч жихатда разил бўлса, разилликнинг тубига етибди. Улар ўртасида эса шу жихатлари билан фарқ қиласидиган кишиларнинг даражаси мавжуд.

Ахлоқни яхшилаш йўлининг муфассал (батафсил) баёни

Ғаззолий нафсни разилликлардан тозалаш орқали даволаш ва фазилатли сифатлар билан бойитиш худди танани касалликлардан даволаш ҳамда соғлом бўлишга ўхшайди дейди. Мижозда кўпинча мўътадил бўлади, аммо унда касаллик пайдо бўлса, у овқат ёки яна бошқа бирор

сабаб туфайли ёмонлашади. Инсон таълим ва одатланиш орқали ёмон хислатларга (ар-разоил) эга бўлади. Тана ҳам туғилганидан мукаммал бўлмайди, балки ривожланиш, ўсиш ва озуқа билан парваришлаш асносида мукаммалашади. Худди шундай нафс ҳам ноқис ҳолда яратилади, аммо тарбия, ахлоқни яхшилаш ва билим билан озиқлантириш билан мукаммалашади. Нафсни ҳам тана каби касалликдан соғлом тутиб, янада кучли ва тозароқ сақлашга ҳаракат қилиш лозим. Агар нафс комиллик ва покликдан йироқ бўлса, инсон уни тозалашга ҳаракат қилиши керак.

Ҳаловатни бузган касаллик ҳам унинг зидди билан муолажа қилинади, агар у иссиқликдан бўлса, совуқ билан, агар совуқдан бўлса тескариси билан даволанади. Нафс нуқсонлигининг сабаби бўлган разиллик ва қусурлар ҳам худди шундай зидди билан даволанади: жоҳиллик таълим билан, баҳиллик сахийлик билан, кибр тавозе билан ва баднафслик иштаҳадан воз кечиш билан муолажа қилинади. Касаллик иллатнинг даражасига, унинг давомийлигига қараб маҳсус усулни қўллаш орқали даволанади. Шу билан бирга дорини қандай қўллашни билиш зарур, агар меъёрга риоя этилмаса, касаллик янада ривожлана боради. Ахлоқни даволаш учун шифо сифатида қўлланиладиган воситаларга талаб ҳам шунга ўхшашдир.

Табиб касални даволаганидек, тасаввуф шайхи ҳам мурид ва издошлиарининг (мустаршидин) нафсини даволайди. Шайх уларнинг хулқини билмасдан туриб, ўзини тарбиялаш (риёзат) ва ўзини ривожлантиришга (таколиф) доир маҳсус вазифаларни юкламаслиги лозим. Қачонки у шогирдидаги ёмон хулқнинг қайси бири устунлигини аниқлагач ва унинг ривожланиш даражасини билгач, муриднинг ёши ва ҳолатини инобатга олган ҳолда у кўтара оладиган даволаш усулини белгилайди. Шунинг учун бир шайх ўз муридларидан бирида кибр ва мағрурликни кўрди ҳамда унга бозорга чиқиб, садақа сўрашни буюрди. Яъни, у тахқирлаш билан муолажа қилди, чунки хўрлаш орқали кибр

синади. Бошқа бирорига шайх ҳожатхонага қараш ва уни тоза тутишни буюрди. Бу вазифани шайх шогирди покликка эътиборсиз деб ҳисоблагани учун топширди.

Агар шайх муридининг шаҳвати кучли эканини, унинг қорин ва фарж истакларига (шаҳват ул-батн вал-фарж) тез берилишини кўрса, унга бир неча кундан ташқари қолган кунлар тинмай рўза тутишни буориши мумкин. Нафсни тарбиялашнинг яна бошқа кўп усуллари бор. Айтишларича, бир киши ғазаб қувватини ўзини мулоим (ал-хилм) бўлишга мажбурлаб, ёмон кишиларга ўзини халқ кўп бўлган жойларда сўкиб, ҳақоратлашлари учун пул бериб даволаган. У буларнинг барига чидаган ва охири-оқибатда у одам тўғрисида сабрлилик ҳамда юмшоқлик намунаси (ал-мислу фил-хилм) сифатида гапира бошлаганлар³¹. Бошқа бирори ўзида шиҷоатни ривожлантирган ва қишда денгизни кечиб ўтган. Яна бошқаси жуда лаззатли таомларни пишириб, бошқаларни едирган, ўзи эса баднафслиқдан қутулиш учун қотган нон билан чекланган. Ҳинд обидлари эса дангасаликни тун бўйи бир оёқда туриб, уни ўзгартирмасдан ибодат қилиб муолажа қиласидилар. Яна бир киши мол-дунёга бўлган муҳаббатини даволаш учун барча мулкини сотиб, пулинини денгизга улоқтирган. Булар факат ахлоқ тарбиясидаги умумий усуллар ҳисобланади.

Мутафаккир, нафсни тозалашдан олдин инсон ўз хулқини, характерини ўрганиши керак деб таъкидлайди. Агар хулқда яхши хислатлар бўлса, уни сақлашга ҳаракат қилиш, агар салбий тарафга оғиш бўлса, қайта мувозанатга тушиши учун уни тузатиш лозим. Мувозанат ҳолатига келтириш деганда, икки қарама-қарши нарсадан қутулиш тушинилади. Зоро, мақсад нафсни тана билан боғлиқ сифатлардан тозалаш бўлиб, улардан айрилганда, ошиқ бўлганида айрилганига пушаймон

³¹ Имом ал-Ғаззолий. Мизон ул-амал. Захоир ул-араб. Дор ул-маориф би-Миср, 1964. –С. 23.

бўлмасдан ва саодатга йўлни боғлайдиган нарсалар билан машғул бўлмаган ҳолда қайта эътибор бермаслиқдир.

Икки зиддият ўртасидаги олтин оралиқни топиш учун амаллар нимага олиб келаётганини билиш лозим. Агар инсон амалларидан рози бўлса, унинг сабабига айланган хулқ нафсда мустаҳкам ўрнашган бўлади. Агар уларни ёмон деб ҳисобласа, бу ёмон хулқдир (ал-хулқу қабих). Бу худди мол жамлаш ва унга эгалик қилишдан лаззатланишга ўхшайди. Бундай лаззатланишнинг сабаби очкўзлик (хулқ ул-бахл), шунинг учун инсон ўзида қарама-қарши сифатни шакллантириши лозим.

Мўътадиллик (ал-иътидол) деганда ҳаммасини меъёрда сақлаш тушунилади. Кўп пул сарфлашнинг лаззат бериши ҳам ёмон ҳисобланади, бу исрофгарчилик (ат-табзир) дейилади. Мўътадил, ўрта ва мақтовга лойик хислат – бу исрофгарчилик ва ўзни азоблаш ўртасидаги саховатдир. Бу инсоннинг ўз хоҳиши билан шариат ва ақл талаб қилган нарсани осон беришидир. Бошқа сифатлар ҳам худди шундай.

Амаллар меъёрининг асоси инсон хулқи ва сифатлари ҳисобланади. Шу сабаб турли одамларни муолажа қилиш йўли ҳам ҳар хил бўлгани каби ҳар бир алоҳида шахснинг ҳолатига қараб уни даволаш йўли ҳам ҳар хил бўлади. Кимга басират (ал-басира), яъни ички ҳиссиёт, интуиция берилган бўлса, у касаллик сабабини билишга ва даволаш йўлинин топишга ёрдам беради. Аксарият одамларда бу нарса йўқ, шариатда ҳам батафсил ибодат йўллари ва гуноҳлардан қутулиш усуллари тушунтирилмаган, шунингдек, гўзал ёқимли нарсалардан лаззатланишни мақсад қиласиган рухсат этилган нарсалардан халос бўлиш йўллари кўрсатилмаган. Пайғамбар а.с. ҳам шундай деган: “Дунё мухаббати барча хатоларнинг асосидир”. Шунинг учун биладиган кишилар (ахл ул-басира) нимага интилиш кераклигини ва қандай бунга эриш мумкинлигини, шу билан бирга нимадан эҳтиёт бўлиш ва буни қандай қилишни билиб олдилар ҳамда буни батафсил тушунтириб, ўзларига эргашганларни йўналтира бошладилар. Улар пайғамбарлар

умумий сўзда айтган нарсаларни батафсил шарҳлаш ва тушунтиришда уларнинг ўринбосари (наввоб) бўлдилар ва биринчилардан бошлаб бердилар. Шунинг учун ҳам Аллоҳнинг расули а.с. “Олимлар пайғамбаларнинг ворисидир” (Ал-уламоу варасат ул-анбиё) деб таъкидлаган.

IV. ҒАЗЗОЛИЙ АХЛОҚ ФАЛСАФАСИННИГ ТЎРТ АСОСИ **Энг асосий фазилат тўғрисида**

Абу Ҳомид Ғаззолий фазилатларни турлари ва бўлимларига қараб тўрт қисмга бирлаштиради. Улар:

- 1. Ҳикмат (донишмандлик)**
- 2. Шиҷоат (ботирлик)**
- 3. Иффат (бокирилик)**
- 4. Адолат**

Ҳикмат ақлий қувватнинг фазилати, шиҷоат ғазаб қувватининг фазилати, иффат шахват қувватнинг фазилатидир ва адолат эса барчасини тегишли тартибда ушлаб турувчиdir. Адолат билан барча ишлар мукаммал ҳолатга келтирилади. Шунинг учун ҳам “Самолар ва Ер адолат устида ўрнатилгандир” дейилади. Ушбу фазилатлар ҳам ўз ичига бир неча турларни олади.

Ҳикмат ҳақида Аллоҳ шундай дейди: “Кимга ҳикмат берилса, унга кўп яхшилик берилган бўлади” (Бақара, 2:269). Расууллоҳ а.с. эса: “Ҳикмат мўъминнинг излайдиган нарсасидир”. Нафс икки қувватга эга. Улардан бири олий жиҳатга мансуб бўлиб, у орқали нафс самолар аҳлидан умумий зарурий ва назарий илмларнинг ҳақиқатларини олади. Ушбу билимлар абадий ва азалий мутлақ ишончли илмлар (ал-улум ал-яқиния асосида) бўлиб, улар шубҳа уйғотмайди ва вақт ўтиши ҳамда жамиятлар алмашиши билан ўзгармайди. Бу Аллоҳ ва унинг сифатлари, фаришталари, китоблари, пайғамбарлари ва оламда яратилган маҳлуқотларнинг турларини билиш тўғрисидаги илмдир. Бу илмлардан инкор ва исбот

қилиш илми бир пайтнинг ўзида битта нарсанинг ўзига тааллуқли бўлолмайди. Бу ҳақиқий илмлар каби бўлиб, айнан ҳақиқий ҳикмат (ал-ҳикмат ул-ҳақиқия) ҳисобланади.

Иккинчи қувват паст жиҳатга, яъни тана ва уни бошқариш жиҳатига тааллуқлидир. У билан нафс амаллардаги хайрли жиҳатларни идрок этади ва у амалий ақл (ал-ақл ул-амалий) деб номланади. У орқали инсон нафс қувватларини, мамлакати фуқароларини ва хонадони ахлини бошқаради. Уни мажозий маънода ҳикмат деб атаганлар, чунки унинг билимлари симобга ўхшайди: ўзгарувчан ва доимий эмас. Унинг билимларидан бири, бойликни хайрли ишларга сарфлаш фазилат, аммо баъзи вақтда ва баъзи бир шахсларга нисбатан бу қусур (разилат) бўлиши мумкин. Шунинг учун аввалига ҳикмат номи номуносиб эди, лекин ушбу иккинчиси биринчисининг давоми ва якуни, яъни бу хулқдаги ҳикматдир (ал-ҳикмат ул-хулқия) бўлса, биринчиси бу илмий ва назарий ҳикматдир (ал-ҳикма ал-илмия ан-назария).

Хулқдаги ҳикмат деганда, оқил нафснинг ҳолати ва фазилати тушунилади, у билан шаҳвоний ва ғазаб қувватини бошқаради ҳамда уларнинг ҳаракатини белгилаб беради. Шунингдек, қачон улар тинчланиши ва қачон эса ҳаракатга келиши кераклигини белгилайдиган ҳатти-ҳаракатнинг тўғрилиги ҳақидаги илм ҳисобланади.

Ушбу фазилатни икки қусур (разилат) ўраб олган:

1. Ёлғон (ал-ҳабб)

2. Ақли заифлик (ал-балаҳ).

Бу унинг икки томони – ҳаддан ташқарилик (ифрот) ва етарли эмаслик (тафрит) ҳисобланади. Ёлғон ундаги ҳаддан ташқарилик (ифрот) томонидир. Бу инсоннинг шаҳвоний ва ғазаб қувватларини озод қилиш орқали маккор ва ҳийлакор бўлиши ҳамда мақсад сари ҳаракат қила туриб, лозим бўлганидан кўра зиёда ҳаракат қилишидир. Ақли заифлик (ал-балаҳ) эса унинг етарли эмаслик (тафрит) томони ва мўътадилликдаги нуқсони

ҳисобланади. Бу нафснинг ҳолати бўлиб, унда ғазаб ва шаҳвоният қуввати керагидан кўра камроқдир. Бунинг сабаби эса қайси ҳатти-ҳаракатнинг тўғри эканлигини тезда англамаслик ва етарлича хабардор бўлмаслиkdir.

Шижаот ғазаб қувватининг фазилати бўлиб, қизиқонлик қуввати (қувват ул-ҳамия) билан бирга ақлга бўйсунади. Унга эса шариат қачон олдинга ва қачон ортга юришни айтади. Шижаотни икки разилат ўраб туради:

1. Ўйламай иш қилиш (ат-таҳаввур)

2. Қўрқоқлик (ал-жубн)

Ўйламай иш қилиш мўътадилликдан ортиқчалик (аз-зиёдат) томонга оғиши хисобланади. Бу ҳолатда инсон хатар ва тақиқланган ишлар (ал-умур ул-маҳзура) томон илдамлайди. Оқил киши булардан қочишга ҳаракат қилган бўларди. Қўрқоқлик эса нуқсоннинг томонидир, қачон ғазаб қуввати керагидан заифроқ бўлса, инсон олдинга юриш ўрнига ортга чекинади.

Соликда ушбу хулқлар мавжуд бўлса, ундан тегишли ҳатти-ҳаркатлар содир бўлади, яъни шижаотдан керакли вақтда ва керагича илгари одимлаш юз беради. Бу ижобий ва мақтовга сазовор хулқdir (ал-хулқ ал-хусн ал-маҳмуд). Шафқатсизлик (аш-шиддат) ва раҳмдиллик (ар-раҳмат) доим ҳам мақтовга сазовор сифат бўлмайди. Аммо ақл ва шариат меъёрига мувофиқ бўлган нарсалар мақтовга лойиқdir. Ушбу сифатга эришган киши уни асрashi ва доимо амалда қўллаган ҳолда сақлашга ҳаракат қилиши лозим. Кимда бу сифат бўлмаса, қараши керак, агар унинг характеристи қўрқоқликка мойил бўлса, шижаотли кишилар амалини қилишга ўзини мажбур қилиши зарур. Токи унинг табиати ва хулқи шунга ўрганиб қолиши лозим, шунда шижаотлиларнинг амаллари унинг табиатига сингийди. Агар инсон ортиқчаликка (аз-зиёдат), яъни ўйламай иш қилишга (ат-таҳаввур) мойил бўлса, бу ишларнинг оқибати ва хатари тўғрисида ўйлаши, олтин оралиққа (ал-иътидол) эришиш учун чекиниши керак. Агар

инсон рухи (нафс) танасини тарқ этишини ва у билан ҳеч қандай алоқаси қолмаслигини тасаввур қилса, у бу ҳақда қайғурмайди ва танасининг ўзи билан эмаслигига афсусланиб азоб чекмайди. Инсон хурсандчилигининг чеки бўлмайди, чунки унга ҳақиқат жамоли ва унинг улуғворлиги (жамол ул-хаққ ва жалолуху) кашф бўлади. Шунинг учун инсон тўғри йўлдан юриб, икки зид, қарама-қарши томонларнинг ўртасига интилиши лозим. Зеро, бу йўл сочдан майин ва қиличдан ўткирдир. Тўғри йўлдан бориш буни истаган учун қийин ва оғир. Агар инсон бу ишни хулқнинг бир жихатига нисбатан қилса қийин бўлган бўларди. Шунинг учун инсон барча хулқларга нисбатан бу иш амалга оширилиши лозим. Тақиқланган нарсалардан (ал-маҳзурот) инсон фақат Аллоҳнинг ёрдами (тавфиқ) ва марҳамати билан қутула олади. Зеро, расулуллоҳ а.с. шундай деган: “Олимлардан ташқари барча инсонлар ўликдирлар, барча олимлар амал қилувчилардан (ал-омилуна) ташқари ўликдир. Ва барча амал қилувчилар ҳам қалби тоза муҳлислардан (ал-муҳлисуна) ташқари ўликдир. Муҳлисларни эса буюк хавф кутиб турибди”.

Иффатга шаҳвоний қувватнинг фазилати ҳисобланади. У ақл қуввати ортидан осон ва ихтиёрий равишда боради ҳамда унинг кўрсатмаси билан ҳаракат қиласи ва тўхтайди. Уни икки иллат (разилат) ўраб туради:

- 1. Очкўзлик (аш-шараҳ)**
- 2. Сустлик, заифлик (ал-хумуд)**

Очкўзлик бу истакларга интилишда ҳаддан ортиш (ифрот уш-шахват) ва лаззатларга ортиқча берилиш бўлиб, ақл қуввати уни хунук ва жирканч топиб, тақиқлайди. Сустлик бу шаҳватнинг заифлиги (хумуд уш-шахват) ва ақл унга етишишни ҳамда уни қўлга киритишни талаб қиласидиган нарсадан ўзини тийишидир. Иффат мақтовга лойик ўрта йўл бўлгани ҳолда, бу иллатларнинг иккаласи ҳам қораланади. Инсон ўз истагини (шахват) назорат қилиши лозим, аммо кўпинча у ғолиб келади. Хусусан, бу жинсий майлга, кўп оқат ёйишга, бойлик тўплашга,

ҳокимиятга ва мақтов эшитишни яхши қўришга тааллуқлидир. Буларнинг ҳаммасида ҳаддан ошиш (ал-ифрот) ва етишмаслик (ат-тафрит) нуқсон, комиллик эса мўътадиллик (ал-иътидол) хисобланади. Мўътадилликнинг меъёри – ақл ва шариат. Инсон ғазаб ва шаҳват хулқи нима мақсадда яратилганини билиши лозим. Масалан, у иштаҳа (шаҳват ут-таом) вужуднинг тириклиги ва ҳисларнинг соғлом бўлиши учун учун овқат қабул қилишга йўналтиришини, тана ёрдамида илм олиши ва нарсаларнинг ҳақиқатини англай олишини билиши керак. Бу билан у ҳозиргисидан кўра юксак даражаларга эришади, фаришталар мартабасига яқинлашади, унда эса камол ва саодат бор. Буларни билган киши таомни ундан лаззатланиш учун эмас, ибодат қилиш учун тановул қиласи, овқатланишда меъёрни сақлади ва исроф қилмайди, ошқозони унга ҳукмини ўтказолмайди. Инсон яна жинсий майл (шаҳват ул-жимоъ) унда ҳузур (ал-лаъб) ва лаззатланиш (ат-таматтуъ) учун яратилмаган, балки инсон зурриёди давом этиши учун жинсий яқинликка интилиши кераклигини билиши зарур. У никоҳни фарзанд қўриш ва ўзини сақлаш (ат-таҳассун) учун қуриши лозим. Агар у бундан ҳузур ва лаззат олиш учун интилса, фақат бирликни кучли, муносабатни мустаҳқам (хусн ус-суҳбат) ва никоҳни давомли (давом ун-никоҳ) қилиш учун бўлиши керак. Шу билан бирга у мажбуриятларини бажаришга халақит бермайдиган даражадаги никоҳ миқдори билан чекланиши лозим. Ушбу нарсаларни билган киши осонликча ўз истакларини тийиб, мўътадил бўлади. Шу билан бирга у ўзини пайғамбар а.с. билан солиштирмаслиги керак, чунки у зотни никоҳнинг миқдори Аллоҳнинг зикрдан чалғитмаган ва хотинлари учун дунё бойликлари ортидан қувишга олиб келмаган. Кимки агар бойлик пайғамбарга зарар келтирмаган экан, унга ҳам зарар келтирмайди деб ҳисобласа, у худди нажосат улкан денгизда билинмагани каби бир кўза сувдаям кўринмайди деб ўйлайдиган кишига ўхшайди ёки танаси кучли одамга лаззатли таом зарар бермаганидек соғлиги заиф чақалоқ учун ҳам

зарарсиз деган фикрга ўхшашдир. Қалб кўрлиги (амаш ул-басира) кўзи кўрликдан ёмонроқдир, чунки кўр кўзи ожизлигини билади ва йўл кўрсатувчи изидан боради. Агар басирати ожиз киши бошқанинг изидан борса, унинг кўzlари изидан борган сари очилаверади, аммо бошқа йўлдан борса унинг басират нури комилликка етмайди. Бу ҳолдаги одамнинг қайси водийда ҳалок бўлиши Аллоҳ учун фарқи йўқдир.

Ғаззолий тасаввуфни билишини даво қиласиган бир қанча аҳмоқлар жамоасини кўрдим дейди. Улар агар бу истакларни қондириш қораланса ва ҳалокатга олиб келса, нега унда улар яратилган, деб ўйлардилар. Улар икки истакнинг яратилишида (тахта халқ аш-шаҳватаин), яъни қорин ва жинсий майлида (шаҳват ул-фарж вал-батн) икки буюк ҳикмат мужассамлигини англамасдилар. Бу ҳикматлардан биринчиси, оқатланиш орқали ҳаётни давом эттириш ва ҳирс орқали авлодни давом эттиришдир. Зоро, бу иккаласининг мавжудлиги Аллоҳнинг азалий иродасини амалга ошириш учун илохий ҳукмга мувофиқ заруриятдир ва буни ўзгартиришнинг имкони йўқдир. Иккинчиси, инсонларнинг охират саодатига эришишни хоҳлашлари учундир. Агар одамлар улар ушбу лаззат ва аламларни татиб кўрмас эканлар, унда дўзах оловидан кўрқмайдилар ва жаннатга ошиқмайдилар. Ҳатто уларга ҳеч ким кўрмаган, ҳеч ким эшитмаган ва ҳатто хаёлларига ҳам келмаган нарсалар ваъда қилинган бўлсада, ҳаракат қилмайдилар. Қачон булар инсонлар рухига ўзидан ўзи таъсир қилишни бошласа, яъни инсон охират саодатига интилса, бу иффат, рухнинг покликлигидир (ҳадд ул-иффат).

Адолат бу учта қувватнинг муносиб тартибда, юксалиши (ал-истиъло) ва бўйсунишига (ал-инқиёд) кўра жойлашган ҳолатидир. У фазилатларнинг қисми эмас, аммо уларнинг жамланмасидир. Агар подшоҳ, унинг қўшини ва фуқаролар билан мақтовга лойиқ тартиб ўрнатилган бўлса, унда подшоҳ қобилиятли бошқарувчи (басиран қохиран), қўшин кучли ва итоатли, фуқаролар эса ўзларининг заифлигини билиб, осон

бошқариладиган бўлади. Бу мамлақатда адолат ўрнатилган дейилади. Бироқ, агар баъзи бирорда бу сифатлар бўлса-ю, бошқаларда бўлмаса, адолат бўлмайди. Худди шундай бу инсон танаси мамлакатидаги (мамлакат ул-бадан) сифатлар ўртаси адолат ўрнатишга ҳам тааллуклидир. Нафс ахлоқидаги адолатдан (ал-адл фи ахлоқи-н-нафс) кейин, шубҳасиз, муносабат ва бошқарувдаги адолат (ал-адл фил-муомалат вас-сиёсат) келиб, унинг бир қисми кабидир. Адолат у хоҳ инсон ахлоқида, хоҳ муносабатларда (хуқуқ ул-муомалат) ва хоҳ мамлакат асоси қурилган нарсада бўлсин, энг яхши тартибни (ат-тартиб ул-мустаҳаб) англатади.

Муомаладаги адолат икки иллат ўртаси ҳисобланади. Биринчиси, **зарар етказиш (ал-ғабн)** бўлиб, одам ўзига тегишли бўлмаган нарсанни ўзлаштиради. Иккинчиси, **ўзаро бир-бирини алдаш (ат-тағобун)** бўлиб, яъни муомалада бирор киши бошқа бирорга на шукроналик ва на мукофот бор нарсанни бериши ҳисобланади. Бошқаришдаги адолат бу инсоннинг нафсини бошқаргандек шаҳарни тартиб билан бошқаришидир. Ахири шаҳарнинг қисмлари мутаносиблиги ва ўзаро боғлиқлиги, қўйилган мақсад йўлида бирга ҳаракат қилишдаги ўзаро ҳамкорлигига кўра инсон вужудига ўхшайди, унда ҳамма ўз ўрнини эгаллайди, унинг аҳолиси хизмат қилинадиганларга ва уларга хизмат қилинмайдиганларга ажralади. Адолатни икки иллат ўраб турмайди, бироқ адолатсизлик, зулм иллати (разилат ул-жавр) унга тескаридир, чунки тартиб ва тартибсизлик орасида ўрта йўқ. Айнан шундай тартиб ва адолатда самолар ва ер қоим туради ҳамда бутун олам қуввати ва қисмлари ўзаро боғлиқ бўлган бир инсонга ўхшайди.

Мутафаккир ҳар бир фазилат ва иллат ортида ақл, ғазаб ва шаҳват қувватлари туради дейди.

Ҳикмат фазилати ортида турадиган нарсалар ва унинг икки иллати тўғрисида

Хикмат фазилати деганда тадбир билан бошқариш (хусн ут-тадбир), ақл билан ўйлаб иш қилиш (жавдат уз-зихн) ва яхши фикр қилиш (савоб уз-занин) тушунилади.

Тадбир билан бошқариш (хусн ут-тадбир) – бу инсоннинг мулоҳазакорлик билан хайрли неъматларни олиш (ал-хайрот ул-азима) ва олийжаноб мақсадларга (ал-ғоёт уш-шарифа) эришиш учун энг фойдали ва яхши нарсаларни топиш ҳисобланади. Бу мақсадлар унинг ўзига тааллуқли нарсаларда ва шаҳар ёки манзилни бошқариш, душман билан курашиш ва ёмонликдан қутулиш учун бошқаларга берадиган кўрсатмаларида намоён бўлади. Яна буни тадбир эмас, зийраклик (кайс) ҳам дейдилар.

Ақл билан ўйлаб иш қилиш (жавдат уз-зихн) – бу ўткир баҳсларда фикрларнинг ўхаш кўриниши ҳолатида тўғри ҳукм чиқариш қобилиятидир.

Фикр тозалиги (никобат ур-раъй) эса мақтовга лойик оқибатларга олиб келадиган нарсаларни тезда топиш қобилияти ҳисобланади.

Фикр тўғрилиги (савоб уз-занин) – бу далилларни диққат билан ўрганмай туриб, ҳақиқатнинг мушоҳадалар натижасига мувофиқ келиши.

Ёлғон иллатига (разилат ул-хабб) **топқирлик (ад-даҳоъ)** ва **хийлагарлик (ал-журбуза)** киради. Топқирлик ижобий сифат бўлиб, бу инсоннинг хайрли ҳисоблаган нарсага қандай қилиб эришиш мумкинлигини яхши тушунишидир. Бироқ, агар исталган фойда (ар-рибҳ) тубан ва қабиҳ бўлса, у хайрли сифат бўлмайди. Бу пайтда у хийлагарлик (ал-журбуза) деб аталади. Улар орасидаги фарқ, бирининг шарафланиши, бошқасининг эса қораланишидир.

Ақл заифлигига (разилат ул-балаҳ) тажрибасизлик, аҳмоқлик ва жиннилик киради. **Тажрибасизлик (ал-ғаморат)** – бу амалий масалаларда соғлом тўғри тасаввур (саломат ут-тахайюл) билан тажрибанинг етишмаслиги. Инсон нимададир тажрибасиз, нимададир эса аксинча,

тажрибасига қараб бўлиши мумкин. Умуман олганда, тажрибасиз бу тажрибаси ўргатмаган киши.

Аҳмоқлик (ал-ҳумқ) – бу тўғри йўлдан бориш учун керакли бўлган мақсадни аниқлаб олишда тасавурнинг нотўғри бўлиши. Агар бу нарса азалдан, туғилганидан бўлса, уни туғма аҳмоқлик (хумқан табиъиян) дейдилар ва уни тузатишнинг иложи йўқ. Бироқ, аҳмоқлик қасаллик сабабидан ҳам бўлиши мумкин, шунда у даволанади.

Жиннилик (ал-жунун) – таъсир қилиш воситаларини танлашда тасавурнинг нотўғрилиги (фасод ут-тахайюл). Жинниликдаги фасод ва нотўғрилик унинг мақсади, аҳмоқлиги эса йўли ҳисобланади, чунки аҳмоқнинг мақсади оқилнинг мақсади кабидир. Шунинг учун унинг мақсадини энг аввал бошидан аниқлаб бўлмайди. Уни фақат ўз мақсадига эришиш учун қандай йўл тутаётганидан билиш мумкин. Жинниликни эса мақсаднинг нотўғрилиги туфайли аввалдан осон билиб олиш мумкин.

Шижаат фазилатига нималар кириши тўғрисида

Абу Ҳомид Ғаззолий шижаатга олийжаноблик (ал-карам), ботирлик (ан-нажда), қадр-қиммат (кибр ун-нафс), чидамлилик (ал-иҳтимол), етуклиқ (ал-хулм), оғишимаслик (ас-сабот), олийнасаблик (ан-нубл), жасорат (аш-шаҳомат) ва улуғворликни (ал-виқор) киритади.

Олийжаноблик (ал-карам) – мағрурлик, ҳашамат (ал-базх) ва пасткашликтининг (ан-назолат) ўртаси. Бунда инсон улкан манфаатлар олиб келадиган буюк ишларни амалга ошириш учун хурсанд бўлиб ошиқади. Баъзан буни мавқе, обрў деб ҳам атайдилар.

Ботирлик (ан-нажда) – мардонаворлик (ал-жасорат) ва мағлубиятнинг (ал-инхизол) ўртаси. Бу ўлимга яқинлашганда ўзига ишонч ҳисси ва қўрқувнинг йўқлигидир

Қадр-қиммат (кибр ун-нафс) – такаббурлик (ат-такаббур) ва хўрлик (суғр ун-нафс) ўртаси. Бу фазилат инсонга катта ишларга тайёргарлик кўришга ёрдам беради, шу билан бир пайтда қувончни ҳис қиласи, лекин

юқсалмайди. Бунинг натижасида у катта олимлар икромига қўп хурсанд бўлмай, аглаҳлар хурматидан хафа бўлади, майда-чуйда нарсалардан ва саодат билан кўркувга ўхшаш нарсалардан қувонмайди. Бу эса инсон зарар ва ташвиш берадиган нарсаларга боғлиқ бўлмаган пайтда бўлади.

Чидамлилик (ал-иҳтимол) – мардонаворлик (ал-жасорат) ва хавотирланишнинг (ал-ҳалаъ) ўртаси. Бу инсоннинг ўзига зарар берадиган нарсалардан тийилишидир.

Етуклик (ал-хулм) – бу тез жаҳл қилиш (ал-истишота) ва юмшоқтабиатлик (ал-инфирок) ўртасидир. Бу ҳолат инсонга чидам ва улугликни тарбиялайди.

Оғишимаслик (ас-сабот) – бу инсоннинг иродаси кучли бўлиб, заифлик ва тушкунликдан (ал-хавар) узоқ бўлишидир.

Олийнасаблик (ан-нубл) – инсоннинг буюк ишлардан сурурланиши ва роҳатланиши.

Жасорат (аш-шахомат) – бу инсоннинг гўзалликни тахмин қилган ҳолда амалларини назорат қилиш.

Улугворликни (ал-виқор) – бу кибр ва тавозеънинг ўртасидир. Инсон бунда ўзини нимага лойик кўрса, ўша қадрига лойик даражада қўяди.

Шиҷоатнинг икки иллати – ўйламай иш қилиш (ат-таҳаввур) ва қўрқоқлик (ал-жубн) бўлиб, уларга дабдаба (ал-базҳ), пасткашлик (ан-назолат), мардонаворлик (ал-жасорат), ортга чекиниш (ан-нукул), мақтанчоқлик (ат-табажжух), хўрлик (суғр ун-нафс), тез жаҳл қилиш (ал-истишота), юмшоқтабиатлик (ал-инфирок), хавотирланишнинг (ал-ҳалаъ), такаббурлик (ат-такаббур), ўзига ишончсизлик (ат-таксосус), ўзига бино қўйиш, кеккайиш (ат-таажжуб), иродасизлик (ал-маҳонат) киради. Шиҷоатдан зиёдалик, ортиқчаликка оғиш bemuloҳазалик ва ўйламай иш қилишга (ат-таҳаввур), камайишга оғиш эса қўрқоқликка (ал-жубн) мансуб бўлади.

Дабдаба ва ҳашамат (ал-базх) – бу инсоннинг бошқалар олдида мақтаниш учун зеб-зийнат ва бошқа нарсаларга пул сарфлашидир.

Пасткашлиқ ва исқиртлик (ан-назолат) – бу инсоннинг керакли нарсага сарфламай, оз ва арзимас нарсалардан фахрланишидир.

Мардонаворлик (ал-жасорат) – инсоннинг ўлимга юзаки, эътиборсизлик билан қараши ва унинг оқибатини ўйламаслиги.

Қўрқув туфайли ортга чекиниш (ан-нукул) – бу инсоннинг ўлимдан қўрқиб, ортга қайтиш мумкин бўлмаган пайт чекинишидир.

Мақтанчоқлик (ат-табажжуҳ) – инсон ўзини тайёр бўлмагани ҳолда катта ишларга тайёрлаши.

Хўрлик ва ўзига паст баҳо бериш (сиғр ун-нафс) – инсоннинг ўзини лойиқ ва қодир бўла олишидан кўра кичик ишларга тайёрлаши.

Хавотирланиш (ал-ҳалаъ) – инсонниг алам ва азоб-уқубатларга чидай олмаслиги.

Тез жаҳл қилиш (ал-истишота) – инсоннинг тез ва ҳаддан зиёд кучли ғазабланиши.

Юмшоқтабиатлик (ал-инфирок) – инсон ғазабининг секинлиги, сустлиги ва етишмаслиги.

Такаббурлик (ат-такаббур) – инсоннинг ўз қадрини асли боридан кўра баланд тутиши.

Ўзига ишонмаслик (ат-таксус) – инсоннинг ўзини аслида арзиганидан кўра хурмат қилмаслиги ва қадрламаслиги. Агар бу нарса меъёрида ва керагича бўлса, мақтовга лойиқ камтарлик (тавозуъян маҳмудан) дейилади.

Кеккайиш ва ўзига бино қўйиш (ал-ужб) – бу инсоннинг ўз қадри қанча туришини билмаслиги ва юксак мартабани (рутбатан оълиятан) эгаллайман деб ўйлашидир. Аслида эса бундай эмас. Одамлар ўзни паст олиш (ат-таксус) ва бехуда совуришдан (ат-табзир) кўра такаббурлик (ат-такаббур) ва хасисликни (ал-бухл) кўпроқ қоралайдилар. Ўзни паст олиш

(ат-таксус) ва беҳуда совуриш (ат-табзир) ҳам қабиҳлик бўлиб, оқланмаслигига қарамай, бу сифатлар сахийлик (ас-саҳоъ) ва камтарликка (ат-тавозуъ) яқиндир. Эҳтимол, улар орасидаги фарқ жуда оздир ва улар мақтовга лойик фазилат бўлиб кўриниши мукиндин, бироқ уларнинг иккиси ҳам разилат, яъни ўрта йўлдан оған иллат ҳисобланади. Шунинг учун пайғамбар алайҳиссалом айтади: “Ўзига зарар бермай камтар бўлган, нафсини паст тутиб, камситган, аммо аянчли ва ночор бўлмаган киши баҳтиёрдир”.

Иффат ва унинг икки иллати тўғрисида

Иффатнинг фазилатлари – камтаринлик (ал-ҳаё), уятчанлик (ал-хажал), марҳаматлилик (ал-мусомаҳа), сабрлилик (ас-сабр), сахийлик (ас-саҳоъ), эҳтиёткорлик (хусн ут-такдир), хушчақчақлик (ал-инбисот), беозорлик (ад-дамоса), тартиблилик (ал-интизом), гўзал ташқи кўриниш (хусн ул-ҳайиъат), қаноатлилик (ал-қаноат), хотиржамлик (ал-худуъ), тақводорлик (ал-вараъ), қувноқлик (ат-талоқа), олийҳимматлик (ал-мусоъада), аччиқланиш (ат-тасаххут) ва зукколик (аз-зарф).

Камтаринлик ва ҳаё (ал-ҳаё) – уятсизлик, безбетлик (ал-қиҳа) ва аёлдай ўта уятчанликнинг (ал-хунусат) ўртаси. Бу инсоннинг иллат ва қусурлардан қўрқиб, алам ва оғриқларни хис қилишидир. Олимлар айтадики, бу яна инсоннинг ўзидан афзалроқ кишилар олдида ўзини ёмон тутишдан қўрқиши. Шунингдек, инсоннинг қабиҳ ишларни қилишдан тортинишидир. Ҳаё кишини ёмон ишни қилишга йўналишдан қайтаради. Билжумла, у қабиҳ ишлардан халос бўлишда ва ҳаёли инсон ёмон ҳисоблаган нарсалардан узоқлашишда фойдаланилади. Бу эса ҳар бир инсонга ярашадиган гўзал хислатдир. Бу ҳақда расууллоҳ шундай деган: “Дарҳақиқат, Аллоҳ исломда бўлган мўйсафидни жазолашдан ҳаё қиласди”. Яъни, Аллоҳ ҳаёли қарияни жазоламайди ва азобга дучор қилмайди.

Уятчанлик (ал-хажал) – бу инсоннинг ўта камтаринлиги сабаб ожизлигидир. Бу хислат аёллар ва болаларда бўлиши маъқулланади, аммо

эркак кишиларга номақбулдир. Инсон ўзидан устун деб билган кишидан уялади. Агар у одамлардан уялар экан, демак, бу одам бошқалардан қўра мавқеи пастдир. Аллоҳдан уялмайдиган киши эса унинг улуғворлигини англамайди. Парвардигор эса уни кўриб тургувчидир. Агар инсон Аллоҳ уни кўриб турганини ҳис қилса, шубҳасиз, тақволи бўлса ҳаё қилади. Пайғамбар алайхиссалом ҳам бу ҳақда: “Ҳаёси бўлмаганди имон йўқ” деган. Шунинг учун, инсондаги ҳаё ақлнинг биринчи аломати ва имон эса ақлнинг охирги даражасидир. Биринчи босқични босиб ўтмаган қандай қилиб охирги босқичга етсин.

Марҳаматлилик ва андиша (ал-мусомаха) – инсоннинг бирор бир нарсага ҳаққи бўла туриб, кўнгилчанлик туфайли ихтиёрий равишда ундан воз кечиши. У тортишув (ал-мунофаса) ва бефарқлиknинг (ал-иҳмол) ўртасидир.

Сабр-тоқат (ас-сабр) – нафс, унинг истаклари билан курашиш ва хунук лаззатлардан сақланиш.

Сахийлик (ас-саҳоъ) – исрофгарчилик (ат-табзир) ва баҳилликнинг (ат-тақтири) ўртаси. Бу инсоннинг осон сарфлаши ва мумкин бўлмаган жойдан олмасликка ҳаракат қилишидир.

Эҳтиёткорлик ва тадбирлилик (ҳусн ут-такдир) – сарф-харажатда меъёрли бўлиш, исрофгарчилик (ат-табзир) ва баҳилликни (ат-тақтири) четлаб ўтишга ҳаракат қилиш.

Беозорлик ва юмшоқлик (ад-дамоса) - бу инсоний нафснинг истакларига интилиши ва иштиёқида гўзал кўринишни сақлашидир.

Тартиблилик (ал-интизом) – инсондаги нафс ҳолати бўлиб, уни қилинадиган сарф-харажатларни муносиб равишда сарҳисоб қилишга чақиради.

Гўзал ташки кўриниш (ҳусн ул-ҳаййиъат) – бу инсоннинг меъёрда зийнатланиши ва енгилтабиатлик ҳамда нодонликкача бормаслигидир.

Қаноатлилик (ал-қаноат) – инсоннинг ўз турмушини дунё неъматлари ортидан қувмай яхши ташкил этиши.

Хотиржамлик ва сокинлик (ал-худуъ) – нафснинг ўзида мавжуд бўлган чиройли неъмат ҳамда лаззатларига сокин ва рози бўлиши.

Тақвадорлик (ал-вараъ) – риёкорлик (ар-риё) ва шармандаликнинг (ал-хуткат) ўртаси. У инсоннинг комилликка эришиш учун ўз нафсини солиҳ ва фозил амаллар билан зийнатланиши, шу билан бирга Аллоҳга риё, обрў ва шухрат истагисиз яқин бўлишидир.

Қувноқлик (ат-талоқа) – бу инсоннинг одоб доирасидан четга чиқмай, фахш, адабсизлик ва уятсизлик қиласдан ҳазил-мутойиба қилишидир. У ўта жиддийлик (ал-жидд) ва ҳазилкашликтининг (ал-хазл) ўртаси.

Зукколик (аз-зарф) – қувноқлиқдан ўзини сақлаш бўлган хўмрайиш, қовоқ ўйиб ўтириш (ат-тақтиб) билан ҳазиллашишнинг ўртаси. Бу инсоннинг ўз сухбатдошларини хурмат қилиши ва ҳар ким билан муносиб мулоқот қилиши ҳамда ҳазиллашиши. Инсон қалбига истироҳат олиш зарур бўлгани каби, бир қадар мулоқот (ал-ишрат) ҳам керак. Ҳазил қилиш яхши, аммо у маълум бир меъёрда бўлиши, инсон ёввойилик чегарасидан ўтиб, қўполлар ҳолига (сийрат ул-жафоъ) тушмаслиги ва масхара-кулги бўлиш даражасигача бормаслиги лозим.

Олийхимматлик ва муруват (ал-мусоъада) - келишмаслик, муроса қиласлик (аш-шакосат) ва хушомадгўйликнинг (ал-малақ) ўртаси. Бу инсоннинг оддий масалаларда яқинлари билан тортишув ва ихтилофларни тарк этиши ҳамда сухбатдан (ал-мухотаба) роҳатланишни афзал кўришидир.

Аччиқланиш (ат-тасаххут) – ҳасад ва бирорга ёмонлик етгани учун хурсанд бўлиш, ичиқораликнинг (аш-шамотат) ўртаси. Инсонни хайрот ва неъматларнинг номуносиб, бунга лойиқ бўлмаган одамларга берилиши ҳамда бошига оғат ва балолар ноҳақ ёғилган кишилар учун қайгуришидир.

Иффатнинг икки разилатига мансуб иллатларга очқўзлик (ашшараҳ), истакнинг заифлиги (калол уш-شاҳват), безбетлик (ал-вақоҳат), хотинмижозлик (ат-таханнус), исрофгарчилик (ат-табзир), хасислик (аттақтири), иккиюзламачилик (ар-риё), маънавиятсизлик (ал-ҳутка), рутубатсизлик (ал-казозат), беадаблик (ал-мажонат), ўйин-мазах (ал-абас), тийилиш (ат-таҳоший), тоқатсизлик (аш-шакосат), хушомадгўйлик (ал-малақ), ҳасад (ал-ҳасад) ва ичиқоралик (аш-шамотат) киради.

Безбетлик ва уятсизлик (ал-вақоҳат) – инсоннинг бошқаларга танбеҳдан қўрқмай астойдил ёмонлик қилиши.

Хотинмижозлик (ат-таханнус) – инсоннинг жуда уятчанлиги бўлиб, бу унга сўзи ва амали билан ўзини кўрсатишга имкон бермайди.

Исрофгарчилик (ат-табзир) – пулни кераксиз нарсага зарур бўлмаган ҳолда сарф қилиш.

Хасислик (ат-тақтири) – пулни сарфлаш керак бўлган пайтда харажатдан тийилиш. Бунинг сабаби баҳиллик (ал-буҳл), қаттиқлик (ашшухҳ) ва пасткашлиқ (ал-луъм) бўлиб, ҳар бири ўзига хос даражага эга. Баҳил сарф-харажатда ҳаддан ортиқ ўзини чеклаган киши бўлиб, у етишмовчилик хайриҳоҳ бўлмаган кишилардан сўраш ва ялинишга мажбур қиласди деб қўрқади. Зиқна ва қаттиқ (аш-шахих) бу баҳилликка яна бошқа бирорларнинг яхши ҳолатига нисбатан нафрат қўшилган ва уларни муҳтоҷ ҳолга келтиришистагидаги кишиидир. Бу билан у кўтарилишни ва юқори мавқега эришишни ўйлади. Зиқналиknинг асоси жоҳилликдир. Пасткаш ва тубан (ал-лаъйим) киши юқорида зикр этилган сифатларни ўзида мужассам этган ҳолда ўзининг бузуқлиги сабаб ҳақир ва кичик нарсаларда шармандаликка ҳам чидайди. У ўғри ва даъюсга ўхшайди.

Иккиюзламачилик ва риёкорлик (ар-риё) – бу мақтаниш ва шуҳрат топиш мақсадида буюк ва хайрли ишларни қиласиган кишиларга ўхшаб кўринишни исташдир.

Маънавиятсизлик ва номуссизлик (ал-хутка) – инсон ўзини фазилатли ва хайрли ишлар билан беазни истамаслиги ҳамда бу амалларнинг тескарисини очик-оидин бажариши.

Рутубатсизлик ва қуруқлик (ал-казозат) – бу ўта жиддийликдир.

Беадаблик (ал-мажонат) – бу ўта ҳазилкашлик.

Ўйин-мазах (ал-абас) – сухбатдош билан ҳаддан зиёд ҳазил қилиш.

Тийилиш (ат-таҳоший) – сухбатдош олдида ҳаддан ортиқ хавотирланишт ва ҳаяжонланиш.

Тоқатсизлик (аш-шакосат) – бу кишининг сухбатдоши билан мулокотда очик юзли ва хушмуомала бўлолмаслигидир. Бундай одам қалбдан сухбат қуролмайди ва ҳамроҳларига қарама-қарши боради.

Хушомадгўйлик (ал-малак) – сухбатдошларга ёкиш мақсадида ялтоқланиш ва енгилтабиат бўлиб кўринишдан ор қилмаслик.

Ҳасад (ал-ҳасад) – ҳасадгўйнинг ўзи таниган кишига берилган неъматлардан қайғуга чўмиши.

Ичиқоралик (аш-шамотат) – бу ичиқора одамнинг ўзи таниган кишининг баҳтсизлиги ва унга етган балодан хурсанд бўлишидир.

Адолат барча фазилатларни ўзида жам қиласи. Унинг акси бўлган адолатсизлик ва шафқатсизлик эса барча разилликлардан иборатdir. Инсон юқорида зикр этилган уч қувват сабабидан барча ушбу сифатлар билан дуч келади. Уларнинг барчасида икки жиҳат бор, булар сифатларнинг чегараси ва ўртасидир. Шунинг учун инсонга ўртани тутиш, мўътадилликни сақлаш ва барча нарсада ҳаддан ошиш ҳамда этишмовчиликдан сақланиш илоҳий амр этилган. Агар шунга амал қилса, у комилликка эришади. Шунда инсон маконига кўра эмас, балки рутбасига кўра Аллоҳга яқинлашади ва фаришталар даражасига эришади. Фақат Аллоҳда буюк салтанат ва мутлақ комиллик (Ал-баҳоъ ул-аъзам вал-Камол ул-атам) бордир. Ҳар бир мавжудот ўз имконияти қадар, ўзи эриша оладиган комилликка интилади ва бу унинг мақсади хисобланади. Агар у

комилликка эришса, ўзидан баландда бўлган Олам чегарасига (уфқ ул-Олам) яқинлашади. Агар эриша олмаса, унинг остида бўлган қуий ва паст жойга тушади. Инсон ҳам комилликка эришиб, юксакка кўтарилиши, шу билан бирга Аллоҳ ва фаришталарига яқинлашиши ҳамда саодатга эришиши ёки ҳайвон ва одамлар учун умумий бўлган – ғазаб ва шаҳват разилликларидан баҳраманд бўлиб, ҳайвонлар даражасига тушиши ҳамда абадий ҳалок бўлиши мумкин. Бу эса унинг шақовати ва баҳтсизлигидир. Буни насл-насабли чопқир отга ўхшатиш мумкин. Унинг комиллиги учқурлиги ва тез чопишидадир. Агар у югуролмаса, паст даражага тушади, яъни юқ ташийдиган бўлади ёки гўштга топширилади. Инсонлар ҳолати ҳам шундай, уларнинг ахлоқи ва илми сабабидан турлича ҳамда чексиздир. Шунинг учун инсонларнинг даражаси охиратда ҳам дунёдаги каби ахлоқи, сифатлари, бойлиги, таъминоти ва бошқа ҳолатларига кўра фарқ қиласи.

Хайрли амалларни қилишга ундовчи ва бу ишдан қайтарувчи сабаблар тўғрисида

Ғаззолий дунёвий хайрли ишларни амалга оширишга ундейдиган сабабларни уч турга бўлади.

Биринчиси, инсонлар ҳозирда ва келажакда қўрқадиган нарсалар билан йўлдан оздирилиши ва қўрқувга солиниши.

Иккинчиси, мақтовга интилиш ва мазаммати ҳамда мақтови инобатга олинадиган кишининг танбехидан қўрқиши.

Учинчиси, бошқа бирор бир мақсад учун эмас, балки фақат фазилат ва нафс камолотига интилиш.

Биринчиси, фақат шаҳват натижаси (муқтазо аш-шахват) бўлиб, оддий одамлар даражасидир. Иккинчиси, ҳаё ва мукаммал бўлмаган ақл натижаси бўлиб, бу оддий одамларга нисбатан буюк ақл соҳиблари бўлган султонлар, бу дунё акобирлари ва оқилларининг ишларига тааллуқлидир. Учинчиси, комилликнинг (камол ул-ақл) натижасидир. Авлиёлар, донишмандлар ва хақиқий оқиллар шундай йўл тутадилар. Ушбу

инсонларнинг даражаси фарқи туфайли шундай дейдилар: “Инсонга берилган нарсаларнинг энг яхиси ақлдир. Ақл уни тийиб туради, агар у бўлмаса, унда ҳаё, чунки унга ман этади; у бўлмаса, унда қўркув, уни азоблайди; агар у ҳам бўлмаса, унда чақмоқ, уни ёқиб юборади, шу билан одамлар ва дунёни ундан қутқаради”. Бу фарқлар ҳар бир кишига, ёшлигидан то қаригунича танишдир. Ёшликда одам боласига бир ишни қилишни тақиқлаш ёки уни мақтаб ва сўккан ҳолда мажбурлаш мумкин. Бунинг учун бола ҳис қила оладиган маззали таом бериш ёки оғрикли калтаклашдан фойдаланилади. Қачон у балоғатга етиб, англашни бошлагач, шунда тақиқ қўйиб, уни танбех ва мақтов орқали рағбатлантириш мумкин. Унга бирор бир нарсанитақиқлаш учун маззамат қилинадиган ишларни ва уни қилувчиларни қоралаш лозим. Одоб ва ахлоққа тарғиб қилиш учун уни мақташ ҳамда бу ишни қилмайдиганларни маззаммат қилиш керак. Булар кучли таъсирга эга.

Аксарият одамлар ушбу икки даражадан юқорига, яъни учинчи даражага кўтариilmайди. Улар олдинга юрадилар ва турли важлар сабаб ортга қайтадилар. Учинчи даража жуда кам учрайди, чунки у охират неъматлариданdir (ал-хайрот ул-ухравия). Айнан шу одамларни фарқлайди, чунки дунёвий ва ухравий ўртасидаги фарқ бири олдин келади, бошқаси эса кейин. Зоро, ҳар бир оқил инсон хайрли нарсаларга шошилади. Бирор бир нарсага интилиш важлари ҳам мана шу уч даражадан ташқари чиқмайди. Аллоҳга итоат қиладиган ва маъсиятни тарқ қиладиган инсонлар учун худди уч даража мавжуддек кўринади. Биринчиси, жаннатда ваъда қилинган мукофотни олишга интиладиган ва дўзахда бериладиган жазодан қўрқадиганлар. Бу даража оддий инсонлар даражаси бўлиб, улар кўпчиликни ташкил қилади. Иккинчиси, Аллоҳ ризосига интилиш ва унинг қаҳридан қўрқиш. Ғаззолий инсон ҳолидаги шариат томонидан бўладиган ризолик ва ғазабни назарда тутади. Бу солихлар манзили бўлиб, улар биринчисидан кўра камчиликни ташкил

қилади. Учинчиси, жуда кам учрайдиган ноёб азиз кишилар (ал-азиз ул-фазз) бўлиб, улар Аллоҳга яқин бўлишдан бошқа ҳеч нимани истамайдилар. Бу инсонлар Аллоҳ ризосига эришишга ҳаракат қиладилар, ҳамма нарсани фақат у учун қиладилар ва Аллоҳга фаришталардан ҳам яқин бўлган тор доирага дохил бўлишни (илтиҳоқ би-замрати-л-муқаррабин) хоҳлайдилар. Бу сиддиқлар ва набийлар даражасидир.

Бир куни Робия Адавиядан сўрадилар: “Нега сен Аллоҳдан жаннатни сўрамайсан?”. У жавоб берди: “Аввал қўшни, кейин эса уй” (Ал-жор сумма-д-дор). Яна бир валий зот айтган: “Кимки Аллоҳга бирор нарса тамасида ибодат қилса, у пасткашдир (лаъйим)”. Заиф ақл бунинг маъносини тушуниб етмайди, қўпчилик одамлар заиф ақлга эгадирлар. Аллоҳ жаннат ва дўзахни яратиб, халққа уларни қўрқитиб ва жозибали қилиб кўрсатган ҳолда ваъда қилди. У уларни батафсил тасвиirlаб, васфини ёритиб берди, аммо улар ҳақида тўғридан-тўғри эмас, балки рамзлар орқали гапирди. Масалан, “Унга интилган ҳолда” ёки “Солиҳ бандаларимизга ҳеч ким кўрмаган, ҳеч ким эшитмаган ва ҳатто инсон тасаввур қила олмайдиган нарсаларни тайёрлаб қўйдик”.

Хайрли ишларни қилишга ноқобиллик, лаёқатсизлик (қусур) ва хато, камчиликлар (тақсир) халақит беради.

Лаёқатсизлик (қусур) касаллик ёки оиласи ва нафс қуввати учун егулик топиш мақсадида ишлаш зарурияти ҳамда шу кабилар туфайли бўлса кечирилади ва қораланмайди. Аммо бундай киши комилликка эришмайди ва бунинг давоси йўқ. Фақат Аллоҳдан қўрқиши ва унга ушбу тўсиқларни ўз марҳамати билан олиб ташлашини сўраб илтижо қилиш қолади.

Хатолар (тақсир) икки хил бўлади: жоҳиллик ва инсон устидан голиб келган истаклар (شاҳват ғолиба). Жоҳил киши охират неъматлари (ал-хайрот ул-ухравия), унинг шарафи нималигини ва дунё матоҳлари арзимаслигини билмайди. Жоҳиллик ҳам икки даражали бўлади:

биринчиси, ғафлатдан ва инсонни йўналтирадиган устозни топмаганидан бўлади. Бунинг иложи осондир, бунинг учун олимлар ва воизлар жамоаси ҳамма жойда одамларни ғафлатдан уйғотиши ҳамда уларни дунё гуноҳлари ва имонсизликдан узоқроққа ва охират ҳаётига етаклаши зарур. Иккинчиси, саодат шу дунё лаззатлари ва ҳозирни ўзидағи мансаб, ҳокимиятда деб ҳисоблайдиганлар бўлиб, улар охиратга умуман ишонмайдилар. Ёхуд улар имоннинг ўзи кифоя ва у ҳар бир мўъминда амали қандай бўлишидан қатъий назар бор дейдилар. Ёки улар Аллоҳнинг марҳамати ва кечиришига тўлиқ ишонадилар, чунки у Карим ва Раҳимдир ва гуноҳкорларнинг хатосидан унга бирор зарап йўқдир, шунинг учун у албатта кечиргувчиидир. Бу аҳмоқликнинг бир кўриниши бўлиб, кўпчиликни итоатдан узоқлаштириб, гуноҳлар қилишга бошлаган. Охират ҳаёти умуман йўқ дейдиганлар мутлақ имонсизлик ва соғ залолатга кетганини англатади. Бундай эътиқод синган киши инсонийликдан узоқлашиб, буткул ҳалок бўлади. кимки имоннинг ўзи кифоя қиласи деса, у ғафлатда ва имон ҳақиқатини билмайдиган жохил ҳисобланади. Ихлос бу инсоннинг эътиқоди ва амали сўзига мувофиқ келишидир. Акс ҳолда у мунофиқ саналади.

Ҳавойи нафсини илоҳ қилиб олган одам энг паст даражада ҳисобланади. Зеро, ўз ҳавойи истакларига сифинган унинг қулидир. Бундай одамнинг “Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ” деган сўзга мувофиқ бўлмагани сабаб ихлоси йўқ. Бу худди бирор “Таомга шакар қўшдим” деб айтгани учун овқат ширин бўлади деб ўйласаю, аслида эса у бу ишни қилмаган бўлса ёки “Мен жориям билан қўшилдим” дегач ўғил туғилади десаю, аслида уругни солмаган бўлса натижага эриша олмайди. Чунки дунёда воситаларни қўлламай туриб, мақсадга етиб бўлмаганидек, охиратда ҳам воситасиз мақсадга эришилмайди. Бинобарин, дунё ва охират ҳаёти бир хилдир. Лекин охират дейишларига сабаб унинг кейин келишидир. Бу оламга чиқиши она қорнида бўлганга нисбатан охират, бу оламда балоғатга

етиш унгача бўлганга нисбатан охират, оқиллар даражасига етиш эса олдинги ҳолатига нисбатан охират. Бу яратилиш босқичлари бўйлаб ҳаракатланишдир. Ўлим эса бошқа босқич ва юксалишнинг бошқа кўриниши, туғилишнинг ва бир оламдан бошқа оламга ўтишнинг ўзгача тури ҳисобланади. Расулуллоҳ айтганидек: “Қабр ё дўзахнинг ўраларидан бири ёки жаннат боғларидан бир боғдир”. Яъни ўлим фақат ҳолатнинг ўзгаришидир. Агар бирор киши Аллоҳнинг раҳмати ва неъматига таяниб, оч ва ташна қолиб қийналса-ю, лекин сув ичиш ва нон тановул қилиш учун бормаса, албатта ҳалок бўлади. Кимки молу давлат талабида бўлиб, савдо билан шуғулланмаса, бойликка эришолмайди. Худди шундай ким агар охиратда саодатни истаса ва бунга интилса, унинг сайд-ҳаракати мукофотланади. Аллоҳ ҳам айтади: “Ҳар бир инсон фақат ўзи интилган нарсасини олади” (Нажм, 59:39).

Агар инсон энг олий саодат Аллоҳга яқинлашиш эканлигини ва ушбу яқинлик маконда эмаслигини билса, буни фақат нафсини илм ва амал билан камолга етказиш ҳамда гўзал ахлоқ билан ишларнинг ҳақиқатини билиш орқали амалга ошириши мумкин. Комилликка эришолмаган Аллоҳга яқинлашолмайди. Ҳақиқий маликка (худога) нуқсони бўла туриб яқинлашишни истаган, тунлари туриб илм олмайдиган ва кечаси ухлаб, Аллоҳнинг фазли билан эрталаб замонасининг энг яхши кишиси бўлиб уйғонаман деб ўйлайдиган одамга, илло Аллоҳнинг қудрати ва марҳамати кенг бўлиб, бундайларнинг кўпига етсада, унга шундай дейилади: “Бу иш ёлғонга тўла ва зоҳири чиройли сўзлар билан безатилган аҳмоқликдир”. У жоҳил буни мақтовга лойик иш деб ўйлайди. Бу одам охират саодатига ҳеч нима қилмасдан ва ҳаракатсиз эришаман деб ўйлайди. Бу эса унинг ҳолидир.

Хайрот ва саодатларнинг турлари тўғрисида

Абу Ҳомид Фаззолий илоҳий неъматларни алоҳида олганда чексизлигини таъкидлаб, умумий ҳолда уларни беш турга бўлиш мумкин

дейди. Улардан биринчиси охиратдаги саодат (ас-саодат ул-охиравия) бўлиб, яъни у фаноси йўқ бақодир. Улар қуидагилар:

- 1. Қайғусиз қувонч (сурур ла ғамма фиҳи);**
- 2. Жоҳилликсиз илм (илм ла жаҳла маъҳу);**
- 3. Камбағалликсиз бойлик (ғина ла фақра маъҳу).**

Бунга эса Аллоҳнинг ёрдамисиз эришиб бўлмайди ва у иккинчи тур билан тўлдирилади. Булар руҳий фазилатлар (ал-фазоил ун-нафсия) бўлиб, улар тўртта нарса билан чекланади:

- 1. Ақл ва унинг комиллиги – илм;**
- 2. Иффат ва унинг комиллиги – тақвадорлик (ал-вараъ);**
- 3. Шижоат ва унинг комиллиги – мужоҳада;**
- 4. Адолат ва унинг комиллиги – инсоф.**

Юқоридагиларнинг бари эътиқоднинг асослари (усул уд-дин) ҳисобланади. Ушбу фазилатлар учинчи турдаги нарсалар билан мукаммал бўлади. Улар тана фазилатлари (ал-фазоил ул-бадания) бўлиб, улар тўрт нарсада мужассамдир:

- 1. Саломатлик (ас-сиҳҳат);**
- 2. Куч-қувват (ал-қувват);**
- 3. Гўзаллик (ал-жамол);**
- 4. Узоқ умр (тул ул-умр).**

Тўртинчи турдаги нарсалар юқоридагиларни тўлдиради. Улар инсонни ўраб турадиган фазилатлар (ал-фазоил ул-мутифа бил-инсон) бўлиб, тўрт нарсада намоён бўлади:

- 1. Мол-давлат (ал-мол);**
- 2. Оила (ал-аҳл);**
- 3. Қудрат (ал-изз);**
- 4. Насл-насаб (қарам ул-ашират).**

Бу зикр этилганларнинг барчаси бешинчи тур, яъни илохий фазилатлар (ал-фазоил ут-тавфиқия) бўлмаса фойда келтирмайди. Улар ҳам тўртта:

- 1. Аллоҳнинг ҳидояти (ҳадая Аллоҳ);**
- 2. Аллоҳ тўғри йўлга йўналтириши (ар-рушд);**
- 3. Аллоҳнинг ёрдами (ат-тасдид);**
- 4. Аллоҳнинг мадади (ат-таъйид).**

Ушбу саодат турлари охират саодатларидан кейингиси бўлиб, улар ўн олтитани ташкил этади. Бу нарсаларга қандай эришиш мумкинлиги борасида инсоннинг шахсий фикрига ўрин йўқ. Фақат руҳий фазилатлар (ал-фазоил ун-нафсия) бундан истиснодир.

Шундай қилиб Ғаззолий неъматларни беш турга бўлади. Ушбу юқорида зикр этилганлар (ал-хайрот):

- 1. Охиравия;**
- 2. Нафсия;**
- 3. Бадания;**
- 4. Хорижа;**
- 5. Тавфиқия.**

Уларнинг ҳаммаси бир-бирига жуда керак, ёхуд зарурий ҳожат сифатида: масалан, руҳий фазилатлар (ал-фазоил ун-нафсия) каби, чунки уларсиз охират фаровонлигига эришиб бўлмайди ёки тана соғлиги (сихҳат ул-бадан) каби, чунки у бўлмаса руҳий фазилатларга эришиб бўлмайди, ёки фойда келтирадиган ҳожат сифатида: масалан, ташқи фазилатларга (ал-фазоил ул-хорижа) эҳтиёж каби, чунки бойлик, оила ва насл-насабнинг йўқлиги ушбу фазилатларнинг ўзига зарар келтириши мумкин.

Ташқи фазилатларга, яъни давлат, оила, қудрат ва насл-насабга эҳтиёж сабабини мутафаккир шундай тушунтиради. Яъни, уларни исталган мақсадга эришишга ёрдам берадиган қанотга ва ўйланган ишни бажаришни осон қиласиган қуролга ўхшатади. Бойликка эҳтиёж

масаласига келсак, фақир киши қуролсиз жангга кирган ёки қанотсиз овга чиқкан лочинга ўхшатилади. Пайғамбар ҳам бу борада шундай деган: “Солиҳ молнинг солиҳ киши қўлида бўлиши қандай яхши!” ва яна: “Гўзал ахлоққа молу давлатнинг ёрдам бериши қандай яхши!”. Ҳақиқатан, пули бўлмаган одам вақтини егулик, кийим ва яшаш учун зарур бўлган нарсаларни топишга сарфлайди. Бундай инсоннинг фазилатларнинг энг шарафлиси бўлган илм олишга вақти қолмайди. Сўнгра бундай инсон ҳаж қилолмайди, садақа ва закот беролмайди, одамларга ёрдам қилолмайди. Оила ва фарзандга эҳтиёж маълум, зохирдир. Солиҳа аёл инсон учун экинзордир, у эркакнинг динини ҳимоя қиласди. Динга солиҳа аёл ёрдам қиласди, дейилади ҳадисда ҳам. Яна бир ҳадисда шундай дейилади: “Агар бир киши ўлса, унинг уч нарсадан бошқа барча амаллари тугайди: фойда берадиган садақа, манфаат келтирадиган илм ва унинг учун дуо қиласиган солиҳ ўғил”. Агар бирор кишини катта оиласи ва кўп қариндошлари бўлса, улар унга ёрдам берадилар, улар унинг қулоғи, қўзлари ва қўллари каби унинг дунёвий ишларини енгил қиласидар. Шунда унинг қалби илм ва ибодат учун фориғ бўлади. Бу эса динига ёрдам беради.

Куч-қувват билан инсон ўзини ранж-алам чекиш ва хафаликдан ҳимоя қиласди. Мусулмон учун бу зарур нарсадир, чунки доимо унга зарап етказмоқчи бўлган душман ёки азият бермоқчи бўлган золим одам бордир. Бу эса инсоннинг вақтини олиши ва қалбини эгаллаши мумкин. Шунинг учун ҳам донишмандлар “Дин ва султон – эгизаклар” ёки “Дин асос, султон эса унинг қўриқчиси, чунки асоси бўлмаган нарса қулайди. Агар бирор нарса қўриқланмаса, у йўқолади” дейдилар. Аллоҳ ҳам шундай дейди: “Агар Аллоҳ баъзи одамларни бошқалари воситасида ушлаб турмаса эди, ер юзи бузиларди” (Бақара, 2:251). Умуман олганда, агар душман бўлмаса, одам ибодат учун фориғ бўлади. Агар қудрат бўлмаса булар имконсиз бўларди. Яхшиликка олиб келадиган нарса хайрли бўлгани каби, яхшилик йўлидаги тўсиқни олиб ташлайдиган нарса ҳам хайрлидир.

Насл-насабнинг олийжаноблиги ва аждодларнинг шарафлилиги ҳам муҳим дейди Ғаззолий. Баъзилар буни назарга илмай, инсонни унинг амаллари белгилайди ва унинг қадр-қиммати ишларига кўра бўлади дейдилар. Агар инсоннинг нафс олийжаноблиги (шараф ун-нафс) бўлмай олийнасаблиги (шараф ул-асл) ва олийнасаб бўлмай нафс олийжаноблиги билан солиширилса, унда насл-насаб (шараф ул-асл) анча паст туради. Агар бунга у ҳам қўшилса, унинг фазилатини инкор қилиб бўлмайди ва бу уни янада кучли қиласи. Имомликнинг шарти насл поклигидир. Шунинг учун баъзилар имом Қурайш уруғидан бўлиши керак дейдилар. Бу табиий ҳол, чунки ахлоқ тана тузилишидан келиб чиқади ва илдиздан шоҳларга ўтади. Яъни асосийдан иккинчи даражалига ўтади. Шунинг учун ҳам пайғамбар алайҳиссалом шундай деган: “Уруғингиз учун танланг”, яна қўшимча қилиб: “Гўнг қўнғиздан сақланинг” – бу илдизи (насаби) ёмон бўлган яхши аёлдир. Бу ҳам саодатнинг тури бўлиб, бунда инсоннинг дунё авлодлари, хукмдорлари ва шоҳларига мансублиги эмас, балки илм, ибодат ва ақл билан зийнатланган пок ва хайрли нафсларга (ан-нуфус аз-закия ат-тоҳира) мансублиги назарда тутилган.

Жисм фазилатлари (ал-фазоил ул-жисмия) тўғрисида гапирганда, саломатлик, қувват ва узоқ умрга эҳтиёж шубҳасизсизdir, аммо гўзалликка аҳамият қаратмаса ҳам бўлади, чунки тана фазилатларни тарбия қилишга йўл бермайдиган касалликлардан саломат бўлиши етарлидир. Дарҳақиқат, гўзаллик кўп фойда келтирмайди, лекин у саодат ва хайрот ҳисобланади. Бу дунёда унинг бир жиҳати, охиратда эса икки жиҳати бордир. Биринчиси, бадбашаралик ёмон ҳисобланади ва одамлар нафратланиб, табиатан унга яқинлашмасликка ҳаракат қиласидар. Чиройли киши эса кўп нарсага эриша олиши мумкин. Гўзаллик худди учишга ёрдам берадиган қанотга ўхшайди, у бамисоли бойлик кабидир. Дунёда ёрдам берадиган нарса охиратда ҳам ёрдам беради, чунки охират саодатига бу дунёдаги маълум воситалар орқали эришилади. Иккинчиси, гўзаллик

кўпинча жоннинг фазилатлигига (фазилат ун-нафс) далолат беради, чунки қалб, рух нури (нур ун-нафс), агар унинг ёрқинлиги мукаммал бўлса, вужудда ҳам акс этади. Ташқи кўриниш ва хабар кўпинча бирга юради. Шунинг учун нозик ақл эгалари бўлган фаросат аҳли (асҳоб ул-фирасат) тана шаклига қараб яширин сифатларни (ахлоқ ул-ботина) аниқлайдилар. Юз ва кўзлар ботиний оламни акс эттирадиган ойна кабидир. Шунинг учун улар ғазаб ва ёмонликни акс эттиради. Ақл эгалари: “Хурсандлик кўнгилдаги нарсани акс эттиради” ва “Ҳар бир ёмон одамнинг юзи ўзидан ҳам кўра ёмонроқдир” дейдилар.

Бир куни халифа Маъмун ўз қўшинини кўрикдан ўтказаётганда, хунук бир кишини кўрди. Маъмун унга гапиришни буюрди, аммо унинг дудук эканлиги маълум бўлди. Халифа унинг исмини ўчирди ва шундай деди: “Агар рух зоҳирий томонни равshan қилса, унда фасоҳат ва гўзал нутқ пайдо бўлади. Аммо унда на зоҳир ва на ботин бор экан”. Пайғамбар алайхиссалом ҳам: “Гўзал юзли инсондан ҳожатингизни сўранглар” ва “Агар элчиликка одам қидирсангиз, чиройли юзли ва гўзал исмли кишини изланглар” деб айтган. Фақихлар ҳам намоз ўқийдиганлар ҳамма нарсада тенг бўлишса, имомликка чиройли юзли киши ўтиши лозим дейдилар. Аллоҳ ҳам айтади: “Ва илмда, жисмда кенглигини зиёда қилди” (Бақара, 2:247). Гўзаллик деганда шаҳватни қўзғайдиган нарса, яъни аёллик латофати эмас, балки баланд қомат, гўзал гавда, этнинг (тақсимотда) мўътадиллиги, тана аъзоларининг мутаносиблиги, юзнинг кўркамлигиги ва симметрияси назарда тутилади. Булар шундай меъёрда бўлиши керакки, унга қараш одамларга ёқимли бўлсин.

Ёрдам берадиган фазилатлар (ал-фазоил ут-тавфиқия) ҳидоят, рушд, тасдид ва таъйиддан иборат. Тавфиқсиз инсон ҳеч нарса қилолмайди. У инсон иродаси ва ҳатти-ҳаракатининг Аллоҳ қазоси ҳамда қадарига мувофиқлигини англаатади. У яхшилик ва ёмонликка қўллган, аммо кўпинча яхшилик ва саодатга қўлланилади. Инсонга тавфиқ нега кераклиги

яққол аён, шунинг учун айтиладики: “Агар ёш йигитга Аллоҳ ёрдам бермаса, аксарият ҳолда унга қарши жиноятни ўзининг қарори содир қиласи”. Ҳидоят фазилатларга эришиш йўлидаги ягона воситадир, чунки у барча неъматларнинг бошидир (мабдаъ ул-хайрот). Зоро, Аллоҳ айтади: “хар нарсага шакл берган, сўнгра ҳидоят (тўғри йўл) кўрсатган зотдир” (Тоҳо, 20:50), “Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва марҳамати бўлмаганида абадул-абад ичингиздан бирор киши поклана олмас эди. Лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишини поклайди” (Нур, 24:21). Пайғамбар а.с. ҳам шундай дейди: “Жаннатга кирадиган хар бир киши Аллоҳнинг раҳмати билан киради”, яъни унинг ҳидояти, тўғри йўлни кўрсатиши билан кира олади. ҳатто пайғамбарлар ҳам.

Ҳидоят уч даражага эга. Биринчиси, яхшилик ва ёмонлик йўлини кўрсатиш. Бунга далил Аллоҳнинг ушбу сўзлари: “Ва биз уни икки (яхши ва ёмон) йўлга йўллаб қўйдик” (Балад, 90:10). Бу билан Аллоҳ барча бандаларини мукофотлантириб қўйган, баъзисини ақл воситасида, баъзисини эса пайғамбарларнинг ўгитлари билан ҳидоятга солган. Шунинг учун Аллоҳ Қуръонда айтади: “Аммо Самудга келсак, биз уларни ҳидоят қилдик, аммо улар кўрликни ҳидоятдан кўра афзал кўрдилар” (Фуссилат, 41:17). Иккинчиси, бу банданинг билимларда тараққий қилиши ва солих амалларининг кўпайишига мувофиқ равишда ҳолдан ҳолга ўтганида оладиган нарсадир. Аллоҳ Таоло буни назарда тутиб, шундай деган: “У зот ҳидоят топганларнинг ҳидоятини зиёда қиласи ва уларнинг тақволарини беради” (Муҳаммад, 47:17). Учинчиси, бу нур бўлиб, пайғамбарлдик ва Аллоҳга яқинлик оламида (олам ул-валоят ван-нубувват) нур таратади. У ақл билан билиб бўлмайдиган нарсани кўрсатади. Шу сабабли таълим олиш мажбурияти ва имконияти ҳосил бўлади. Буни Аллоҳнинг ушбу сўзлари назарда тутади: “Албатта, Аллоҳнинг ҳидояти ҳақиқий ҳидоятдир, деб айт” (Бақара, 2:120). Аллоҳ буни ўзига нисбат қилди ва уни ҳақиқий тўғри йўл (ал-худа ал-мутлақ) деб атади. Уни яна хаёт ҳам деб атайдилар.

Ушбу оятларда шу ҳақда шундай дейилади: “Аввал ўлик бўлган одамни тирилтириб, унга одамлар орасида юрадиган нурни бериб қўйган бўлсак” (Анъом, 6:122), “Аллоҳ кўксини Исломга кенг қилиб очиб қўйган шахс ўз Раббидан бўлган нурда эмасми?” (Зумар, 39:22).

Рушд илоҳий иноят (ал-иноят ул-илаҳия), ғамхўрликни англатади ва у инсонга мақсади сари интилишга ёрдам беради, ўзи учун хайрли бўлган нарса учун куч беради, уни фасод ва ёмон нарсалардан ҳимоя қиласди. Бу ичда, яъни ботинда бўлади: “илгари биз Иброҳимга рушди хидоят берган эдик ва биз унинг ҳолини билардик” (анбиё, 21:51).

Тасдид – бу инсоннинг иродаси ва ҳаракатини ният қилинган мақсадга йўналтиришdir. Инсон бу билан ўз мақсадига интилиши лозим. Рушд таъриф орқали насиҳат, кўрсатма (танbih бит-таъриф) бўлса, тасдид эса ундаш орқали қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлашdir (нусра бит-таҳрик).

Таъйид ички ақл билан назар солиш, яъни басират орқали ўша қўмакни мустаҳкамлаш ва ташқаридан қувватни кучайтиришdir. Аллоҳ айтади: “Сени Муқаддас рух билан қўлладим” (5:110). Аллоҳ инсонга ёрдам беради ва ҳимояси остига олади. Бу бир илоҳий файз (файзу илаҳий), ҳадя бўлиб, у инсонга хайрли амалларни қилишга ва ёмон ишлардан қочишига куч беради. Шу билан унинг ботинидаги сир ва ҳис этиб бўлмайдиган тақиққа айланади. Аллоҳ шуни ушбу оятда назарда тутиб, дейди: “У (аёл) унга интилди ва у ҳам, агар Раббининг бурҳон-ишорасини кўрмаганида унга (аёлга) интилар эди” (Юсуф, 12:24).

Бу нарсаларга фақат Аллоҳ бандасига берадиган мадади ва ёрдамида эга бўлиш мумкин. Булар соф ва ўткир ақл (ал-фаҳм ас-соқиб ас-софий), диққатли ва англовчи қулоқ (ас-самъу ал-мусғи ал-воъий), кўрувчи ва амал этувчи қалб (ал-қалб ал-басирал-муроъий), насиҳатгўй устоз (ал-муаллим ан-носих) ва етарли давлат (ал-мол аз-зоид). Айтилган нарсалар қўйилган вазифаларга мувофиқ бўлиши ва диндан чалғитмаслиги лозим. Қариндош-

уруг ва иззат-қудрат нодонларнинг нодонлигидан химоя қилади ҳамда душманларнинг зулмини кўтаради ва ундан халос қилади.

Саодатнинг мақсади ва даражалари тўғрисида

Фаззолий ҳақиқий баҳтни ўлимдан кейинги баҳтдир дейди. Бундан ташқари саодат деб айтиладиган нарсалар мажозий ёки хато ҳисобланади. Масалан, охиратда ёрдам бермайдиган дунё саодати каби. Шунинг учун охират саодати деб номлаш тўғри бўлдаи. Шу билан бирга охиратда яхшилик ва саодат олиб келадиган, бунга ёрдам берадиган ҳамма нарсани ҳам хайр ва саодат деб аташ мумкин.

Фойда ва ёрдам берадиган нарсаларни тўртта усул билан тушунтириш мумкин. Биринчиси, ҳар қандай ҳолатда ҳам фойдали бўлган нарсалар. Бунга руҳий фазилатлар (ал-фазоил ун-нафсия) киради. Неъматлар орасида баъзан фойдали ва баъзан фойдали бўлмаган нарсалар бор. Аммо аксарият ҳолда кўп бўлмаган мол, бойлик каби ёрдам беради. Яна кўпинча кўпчилик одамларга зарар берадигани ҳам бор, бу билим ва ҳунарларнинг баъзи бир турлари ҳисобланади. Булардан кўпи ноаниқ бўлгани сабаб, оқил инсон учун ушбу нарсаларнинг ҳақиқатини билиши зарур бўлади. Токи у зарарли нарсани фойдалидан (ан-нофиъ), фойдалини юксагидан (ар-рафиъ), юксагини қимматбаҳодан (ан-нафис), қимматбаҳони энг муҳимидан афзал билмасин, чунки бундай ҳолда унинг йўли узунроқ бўлади. Кўпинча одам кўраётган нарсасини ёғ деб ўйлайди, аммо у оддий бир шиш бўлиб чиқади ва кўпинча белига боғлаш учун арқон қидиради, аммо арқон деб ўйлаб илонни кўтаради ва илон уни чақади. Фақатгина ҳақиқий илм бу нарсаларни кашф қилади.

Иккинчи усул, неъматларни ўзи кўра муҳим бўлган, бошқа нарса туфайли муҳим бўлган нарсага ажратиш мумкин. Шунингдек, ўша нарсанинг ўзи туфайли афзал биладиган нарсалар ва баъзан бошқа нарса туфайли афзал биладиган нарсалар ҳам бор. Инсон неъматларнинг даражасини уларнинг ҳар бирига мос равишда ҳаққини бериши учун

билиши лозим. Ўзига қўра мухим бўлган нарса бу охират саодати бўлиб, ундан бошқа мақсад йўқдир. Бошқа нарса туфайли мухим бўлган нарса, масалан, дирҳам ва динорлар саналади. Агар уларнинг бирор бир вазифаси бўлмаганида эди, улар оддий тош кабичалик бўларди. Баъзан ўзи туфайли мухим бўлган ва баъзан бошқаси туфайли мухим бўлган нарсага тана соғлиги (сиҳҳат ул-жисм) қабилар киради. Инсон соғлом оёқларни талаб этадиган юришдан воз кечиши мумкин, аммо у соғлом оёқларидан воз кечолмайди, чунки бу унинг соғлиги ҳисобланади.

Учинчи усул, неъматлар, яъни хайрот фойдали (нофиъ), чиройли (жамил) ва ёқимлига (лазиз) бўлинади. Ёмонликлар (аш-шуур) ҳам учга бўлинади: заарли (зорр), хунук (қабих) ва оғриқли (муълим). Уларнинг ҳар бири иккига бўлинади: Биринчиси, мутлақ – ўзида барча уч сифатни яхшиликда мужассам этади. Масалан, ҳикмат каби, чунки у фойдали, чиройли ва ёқимли ҳамда жоҳиллик каби, чунки у заарли, хунук ва аламлидир. Иккинчи тури, қисман (муқид) – фақат бу сифатларнинг баъзи бирларини ўз ичига олган бўлади, чунки баъзан бирор нарса бир пайтнинг ўзида фойдали ва оғриқли бўлиши мумкин. Масалан, касалланган бармоқни кесиш ёки ортиқча маҳсулот ва молдан қутулиш. Бироқ, баъзида бирон нима бир пайтнинг ўзида фойдали ва хунук бўлиши мумкин, аҳмоқлик каби. Бинобарин, у роҳат, ҳаловатдир. Шунинг учун айтадилар: “Ақли йўқ ҳаловатдадир”, чунки у оқибатлар тўғрисида қайғурмайди ва унинг ахволи хотиржам бўлади. Бир томондан фойдали ва бошқа томондан заарли бўлган нарса эса, кеманинг чўкиш хавфи туғилганда, молларни денгизга отаришга ўхшайди. Бу мол-мулк учун зарар, аммо одамларнинг қутулиши учун фойдалидир. Фойдали нарсалар ҳам ўз навбатида иккига бўлинади. Биринчиси, зарурий, яъни руҳий фазилатлар (ал-фазоил ун-нафсия) ва охиратда саодатга эришиш каби ва иккинчиси, зарурий бўлмаган, бошқа нарса билан алмаштириш мумкин бўлган нарса, сафрони тинчлантирувчи исканжубин (узум сиркаси солинган асал) каби.

Тўртинчи усул, лаззатларни уч қувват ва уч иштаҳага (муштаҳият) кўра уч турга бўлиш. Лаззат исталган нарсага эгалик қилиш, шаҳват эса нафснинг ўзи истаган нарсасига талпиниши экан, лаззатларни ақлий (лаззат ақлия) ва жисмонийга (лаззат бадания) ажратиш мумкин. Бу икки лаззат барча ҳайвонлар билан бир хилда умумийдир, жисмоний лаззат (бадания) эса баъзи бир ҳайвонлар билан муштаракдир. Руҳий лаззатлар (ақлиёт), яъни илм ва ҳикмат лаззати каби, жуда кам учрайди ва у барчасидан энг шарафлиси ҳисобланади. У жуда ноёб, чунки ҳикматдан фақат донишманд (ал-ҳаким) лаззатланади. Гўдакнинг асал, қуш гўшти ва мазали ширинликлардан лаззатланиши англай олмаслиги, уларнинг лаззат бермаслигидан далолат бермайди. Гўдакка сут ёқиши эса, у энг яхши таом эканлигини англатмайди. Кўпчилик одамлар, баъзи ҳоллардан ташқари, жоҳиллик билан чеклангандирлар, улар илм даражасига эриша олмайдилар. Шунинг учун уларга жоҳилликлари ёқади. Шоир бу ҳақда шундай деган:

Ва ман яку за фамин муррин мариzin,

Яжиду мурран бихи ал-маъ аз-зулала.

(Мазмуни: Кимнинг таъм билиши аччиқ ва носоғлом бўлса, У тоза булоқ сувини ҳам аччиқ деб топади).

Руҳий лаззатларнинг эътиборга лойик жиҳати, улар инсоннинг бир қисмига айланади ва йўқолмайди, улар ўткинчи эмас, доимий ва аслига кўра бокий бўлади. Уларнинг охират ҳаётидаги мевалари туганмасдир. Боқий ва шарафли нарсага эга бўлишга қодир, аммо паст ва фоний нарсалар билан қаноатланган кишининг ақли касалланган бўлиб, айби ва ортга чекиниши сабаб зарар кўриб, азият чекади. Бунинг энг ками, руҳий фазилатлар, хусусан илм ва ақл, ёрдамчилар ва ҳимояга муҳтож эмаслигидир. Молу давлат эса аксинча. Илм инсонни ҳимоя қиласди, одам эса молини. Илм тарқатилганда зиёда бўлади, бойлик эса камаяди. Илм барча ҳолларда, мутлақ ва абадий фойдалидир, бойлик эса баъзи ҳолларда

разиллик ва иллатга, баъзан эса фазилатга олиб келади. Шунинг учун бойлик Қуръонда баъзи ҳолларда ёмонланади, баъзи жойда эса хайрли дейилади.

Иккинчиси, инсонлар ва ҳайвонлар ўртасида умумий бўлган лаззатлар бўлиб, ейиш, ичиш ва жинсий яқинлик лаззатлари кабилардир ва бу лаззатлар ҳаммасидан қўпдир.

Учинчиси, инсон бу лаззатда баъзи бир ҳайвонларга ўхшайди. Масалан, ҳокимият ва ғалаба лаззати (лаззат ур-риёсат вал-ғалаба). Ушбу лаззатлар ақлли одамлар билан кучлироқ боғланган. Авлиёлар айтади: “Сиддиқларнинг бошидан энг охирги чиқадиган нарса бу бошқариш (риёсат) муҳаббатидир”. Жинсий яқинлик ва таом ейиш лаззати (лаззат улжимоъ вал-акл) мутлақ лаззат эмас. Чунки, бир томондан бу оғриқдан қутилишдир. Шунинг учун Ҳасан Басрий дейди: “Инсонни очлик мағлуб қиласи ва тўқлик ўлдиради”.

Дунё лаззатларининг барчаси еттита: овқат, ичкилик, никоҳ, кийим, уй, хидланадиган ва тингланадиган нарсалар. Уларнинг барчаси паст ва қийматсиздир. Аммор ибн Ясир маҳзун ҳолда хўрсинганида Али унга шундай деди: “Эй Аммор, агар сен охират учун хўрсинаётган бўлсанг, фойда кўрдинг, агар дунё учун бўлса, зарап кўрдинг. Зоро, англадимки унда бор йўғи етти лаззати бор: егулик, ичкилик, аёллар, либос, уй, ёқимли ифор, эшитиш ва чиройли кўринишдир. Егуликка келсак, энг афзали - асал ва уни ари ясади. Ичимликнинг энг яхиси - сув, агар у бўлса, қадрланмайди, агар бўлмаса, энг қадрли ва азиз бўлади. Аёллар бало ичидаги балодир. Мен фақат бир нарса дея оламан, аёл ўзидаги энг яхши нарсани зийнатлайди, ундан эса унда бор бўлган энг хунук нарсани истайдилар. Либосларнинг энг яхиси - дебож (ипак), уни қурт тайёрлайди. Энг яхши ҳид – мушк, уни сичқон қонидан олинади. Тинглаш учун энг ёқимли нарса осмондаги яқинлашаётган шамол товушидир. Гўзал тасвиirlар эса хаёлот тасаввuri бўлиб, улар ҳам тезда йўқлик сари кетади”.

Лаззатларнинг офати яна шундаки, инсон улардан оний роҳатлангандан сўнг, безовталаниб, хавотирлана бошлайди. Жимоъдан фориг бўлгандан кейинги ёки тўйиб овқатлангандан кейинги ҳолатни ундан олдинги ҳолат билан солиштириш кифоя. Шундай қилиб, инсон қандай қилиб бир лаҳзада исталган нарса ундан қочадиган нарсага айланиши мумкинлигига бир назар солсин. Қандай қилиб у хурсандчилик келтирадиган, лаззати тугамайдиган ва абадул-абад давом этадиган роҳат билан тенглашиши мумкин. Ушбу қувонч руҳий фазилатларга бой нафснинг комиллигига (камол ун-нафс), хусусан, ақл ва илм воситасида барча нарсаларга эгалик қилишда бўлади.

Корин, жинсий истак ва ғазабдан пайдо бўладиган яхши ва ёмон амаллар тўғрисида

Корин истаги (шаҳват ул-батн) овқат ейишга чақиради. Овқат эса икки хил бўлади: зарурий ва зарур бўлмаган (ғайра зарурий). Зарурий таом тана қувватини сақлаш учун керак бўлган озуқадир. Бу озуқа инсон ейдиган таом ва ичадиган сувдир. Таом мақтовга лойиқ (маҳмуд), ёмон (макруҳ), танбехга лойиқ (мазмум) ва тақиқланганга (маҳтур) ажратилади.

Мақтовга лойиқ таом (ал-маҳмуд) бу инсоннинг тановулда ишлашга имкон яратадиган ва илм олиш ҳамда солиҳ амаллар қилишга қуввати берадиган озуқа билан чекланиши ҳисобланади. Агар у ўшандан кам еса, қуввати камаяди ва танаси касалланади. Бу шундай миқдорки, агар инсон истаганича тановул қилса, кечиримлидир ва ҳатто унга шукроналик ҳамда мукофот ёғилади, чунки вужуд руҳнинг уловидир (марқаб ун-нафс), бу билан у Аллоҳгача бўлган манзилларни босиб ўтади. Жиҳод ҳам ибодат бўлгани каби, отлиқни устида олиб юриши учун жанговар отни қувватлантириш ҳам ибодат саналади. Шунинг учун пайғамбар а.с. дейди: “Солиҳ кишилар овқатланганда раҳмат ёғилади”. Бу худди улар мажбуран тановул қилгандек ва умуман таомга эҳтиёж истамагандек бўлади. Таомни қоринга кириши ва унинг чиқиши – яқин. Шунинг учун солиҳлар айтади:

“Кимки фақат қорнини нима билан тўлдиришни ўйласа, ундан чиқадиган нарсадек қийматга эгадир”. Дараҳт ва ўсимликлар чиқиндисини ейдиган одам инсон ахлати ва чиқиндиларини ейдиган чўчқага ёки ҳайвон ахлатини ейдиган қўнғизга ўхшайди. Агар дараҳтларнинг тили бўлганида эди, улар ўзларининг чиқиндисини ейдиган кишига ҳайвон чиқиндисини ейдиганга ўхшатиб мурожаат қилган бўлардилар.

Ёмон таом (ал-макруҳ) – бу ҳалол, рухсат этилган овқатда исроф ва ортиқчаликка йўл қўйиш ҳамда одамнинг етарли миқдордан зиёда ёйишидир. Пайғамбар а.с. дейди: “Аллоҳ Таоло ҳаммасидан энг кўп ёмон кўрадиган идиш – ҳалол таомга тўлдирилган қорин”. Бу тиббиёт нуқтаи назаридан ҳам заарли, чунки тўқлик барча касалликларнинг асл сабаби ҳисобланади. Расулуллоҳ айтади: “Очофатлик (ал-битна) барча касалликларнинг боши, парҳез (ал-ҳимъя) эса давонинг асосидир ва ҳар бир танани кўниккан нарсасига ўргатинг”. Тибб илми ҳақиқатини биладиганлар, пайғамбар ушбу уч сўзда бутун тиббиётни мужассам қилган деб айтадилар.

Саодатга интилган киши ёмон таом тақиқланмаган деб беписандлик, бефарқлик қилмаслиги лозим. Чунки ёмон нарса тезда тақиқланганга айланади, ёмоннинг кўпи тақиқлангандир. Зеро, шаҳват қуввати ёмонликка чорлайди, овқат эса шаҳватларни кучайтиради. Шаҳватнинг кучайиши ҳавои нафсга етаклайди. Ҳавои нафс эса шайтоннинг буюк қўшинидир. Агар у инсон устидан ғолиб келса, уни Аллоҳдан қайтаради ва унинг эшигидан узоқлаштиради. Саодат йўли бўйлаб юришни истаган ҳар бири киши олдин таом ҳақида қайғуриши керак, яъни унинг миқдори ва ҳалоллиги тўғрисида ўйлаши лозим, чунки ошқозон ёмонлик манбаидир. У барча ёмонлик ва яхшилик турларига эшик ҳамда калит кабидир. Мўъмин битта ошқозон учун ейди, мунофиқ эса еттита ошқозон учун оқатланади. Шунинг учун исломда рўзага катта эътибор қаратилади.

Жинсий майл (шахват ул-фарж) уч хил бўлади: мақтовга лойик, танбех қилинадиган ва тақиқланган. Мақтовга лойик истак (ал-маҳмуд) наслни давом эттириш ва авлодни сақлаш учун зарур бўлганидир, чунки никоҳ овқат инсон ҳаётини ўлимига қадар давом эттириш учун зарур бўлганидек, наслини давом эттириш учун зарурдир. Шахват ҳам очлик каби инсон ҳаётини давом эттириш учун яратилган. Пайғамбар а.с. ҳам айтади: “Уйланинглар, фарзандларингизни қўпайтиринглар, чунки сизлар бошқа умматлар олдида менинг фаҳримсиз”. Шунинг учун никоҳланаётган киши икки нарсани мақсад қилиши лозим: биринчиси, фаҳрланишга арзигулик кўп насл, токи кишидан кейин қолган солиҳ ўғил унинг ҳаққига дуо қилсин. Иккинчиси, ортиқча уруғдан халос бўлиш, агар у қўпайса зардобга ўхшаб қолади. Коннинг кўплigliги ҳам танага зарап келтириб, касаллик сабабига айланади, нафсда ҳам инсоннинг бузулишига сабаб бўлади. Шу нуқтаи назардан никоҳ мақтовга лойикдир. Шу билан бирга пайғамбар суннатига эргашиш ҳам ҳисобланади. Никоҳланган одам динининг ярмини сақлаган бўлади. Агар никоҳдан учинчи мақсад бўлса ҳам ёмон бўлмайди. Яъни уй ишлари билан шуғулланадиган бир киши бўлса, бемалол илм ва ибодат билан шуғулланиш мумкин бўлади. Шундай қилиб, никоҳ ибодатга айланади, чунки амаллар ниятга кўра бўлади.

Бунинг аломати эркак киши аёlda гўзалликни фақат ҳимоя учун, яхши ахлоқни уй ишларини олиб бориш учун, диёнатни рухий поклик ва диний қариндошлиқ учун қидиради. Чунки у диёнат ва гўзал ахлоқ кўрсаткичидир. Шунда келиб чиқиш намоён бўлади. Шунинг учун пайғамбар а.с. дейди: “Сен диёнатли аёлга уйланишинг лозим, гўнг қўнғизидан эҳтиёт бўл!” ва яна “Уруғингиз учун яххисини танланглар! Танаси соғломни изланглар ва у фарзанд кўрмайдиган бўлмасин, балки авлод қолдирадираган бўлиши керак ва албатта, мақсад ҳам шудир”. Тенглаштириш мақсадида ҳам орқадан яқинлик қилиш тақиқланади, чунки бу уруғлантиришга нисбатан эътиборсизликдир. Зоро, “аёлларингиз

сизларнинг экин далангиздир”. Уйланиш учун бокира қизни қидиришда ҳам ҳеч қандай айб йўқдир, чунки бунда муҳаббат кучли бўлади ва шариат ҳам шунга чорлайди.

Танбеҳ қилинадиган шаҳват (ал-макруҳ) – бу фақат лаззат ва шаҳватни қондиришга интилишдир. У инсонни ўз домига тортади, ҳамма пайт шуни қидиради ва ахiri рухсат берилган чегарадан ошиб ўтиши мумкин. Шариат нуқтаи назаридан бу заарли. Сабаби бу харакатнинг ўзида эмас, аслида у рухсат этилган, балки у инсонни Аллоҳ Таолодан узоклаштириб, фақат ҳавои истаклари ортидан эргаша бошлайди. Бунда у худди хўқиз ва эшакларга ўхшайди. Шаҳватнинг оғир кучли овқат ва бошқа усувлар билан уйғотилиши худди ёввойи йиртқич ҳайвонларни уйғотиб, кейин улардан ҳалос бўлмоқчи бўлган одам сингаридир.

Тақиқланган майл (ал-махтур) икки хил бўлади: биринчиси, инсон шаҳватини уруғлантириш мумкин бўлган жойда, лекин шаръий никоҳсиз ва буюрилганга зид ҳолда қондириши бўлиб, бу зинодир. Аллоҳ буни ширк билан тенглаштириб, деган: “Зинокор фақат зинокор аёл ва мушрикага уйланади” (Нур, 24:3). Иккинчиси, агар уни уруғлантириш мумкин бўлмаган жойда қилса, бу зинодан ҳам кўра ёмонроқ фахшдир, чунки зинокор уруғ сувини йўқотмайди, балки уруғлантириш мумкин бўлган жойга қуяди, аммо бу иш амр этилганига мувофиқ бўлмайди. Буниси эса йўқотади ва Аллоҳ у ҳақда шундай дейди: “Экин ва наслни ҳалок қилиш учун” (Бақара, 2:205). Шунинг учун ливота (баччавозлик, гомосексуализм) исрофгарчилик деб аталган: “Сизлар аёлларни қўйиб, эркакларга шаҳват билан яқинлик қилмоқдасизлар, албатта, сизлар исрофчи қавмсиз!” (Аъроф, 7:81). Булар одамларнинг жинсий майлдаги (шаҳват ул-фарж) даражалариридир.

Бироқ баъзиларнинг хатоси ишққа олиб келиши мумкин. Бу ҳақиқий аҳмоқлик ва инсонда жинсий майл нега яратилганлигини мутлақ билмаслиkdir. Бу билан одам ўзини ирода этиш ва жиловлаш борасида

ҳайвондан қўра тубанлашади, чунки ўзини ошиқ хисоблаган инсон (ал-мутаашшуқ) нафақат истакларнинг энг ёмони (ақбаҳ уш-شاҳавот) ва ҳаё қилишга энг лойифи бўлган жинсий майлни ҳис қиласди, ҳатто уни бир жойда қондириш мумкинлигига ишонади. Агар ҳайвонлар шаҳватини тўғри келган жойда қондириб, бундан қаноатланса, ошиқка фақат маъшуқаси керак. Ошиқ унинг олдида борган сари паст кетиб, хўрланади ва аста-секин унинг қулига айланади. У ақлини шаҳватга хизмат қилишга мажбур қиласди. Зоро, ақл амр этиш ва унга итоат қилишлари учун яратилган, шаҳватга хизмат қилиш ва унинг талабида алдаш учун яратилмаган. Бу бўш одамнинг касалидир, унга ҳеч нима қилиб бўлмайди. Шунинг учун инсон бошидан эҳтиёт бўлиши, ўй-қарашлари ва фикрлари билан курашиши лозим, чунки агар шаҳват устун келса, ундан қутулиш қийин бўлади. Худди шундай бу ҳокимият, бойлик, мулк ва фарзандлар ишқига, ҳатто қушлар ўйини, нард ва шатранжга нисбатан муҳаббатга ҳам тегишлидир. Буларнинг бари одамлар қалбини эгаллайди ва улар ўзларининг имон ва дунёвий ҳаётларидан айриладилар, ўшаларсиз яшай олмайдилар. Аввалида шаҳват билан курашни уйнинг эшигига кирмоқчи бўлган эшакни ипидан тортиб, у йўналган жойга қўймасликка ўхшайди. Бу пайтда унинг ипидан тортиб киришига йўл қўймаслик осон бўлади. Шаҳват ўрнашиб олганидан сўнг ундан халос бўлишни эшакни уйга киритиб, сўнгра думидан орқага тортишга қиёслаш мумкин. Булар ўртасидаги тафовут жуда катта. Шунинг учун юошидан эҳтиёт чораларини кўриб қўйиш яхшироқ. Чунки охирида ахволни фақат катта куч сарфлаш орқали тузатиш мумкин. Бу эса охират ҳаётига ўтаётганда ажал фариштасининг рухни суғуриши билан баравардир.

Ғазабнинг қўринишлари мақтовга лойиқ, ёмон ва тақиқланганга бўлинади. Мақтовга лойиқ ғазаб (ал-маҳмуд) икки хил бўлади. Биринчиси, рашқ (ғайрат) деб номланади. Эркак киши ўз аёлига бошқа эркаклар билан гаплашишга йўл қўймайди. Агар у шу учун ғазабланса, бу – мақтовга

лойиқ, агар бу нарса уни қўп қизиқтирмаса, у эркак эмас (хунуса) ва ожиздир (ракока). Шунинг учун пайғамбар а.с. айтади: “Дарҳақиқат, Саъд бадрашк, аммо Аллоҳ ундан ҳам рашклироқдир”. Аллоҳ рашкни эркакларда насл-насаб алоқаларини ҳимоя қилиш учун яратди. Агар одамлар аёлларда бир нечта эркак борлигига енгил боқсалар, унда насл-насабда чалкашлик юзага келади. Шунинг учун дейдиларки, қайси миллатнинг эркакларида рашк бўлса, аёллари ишончли ҳимояда бўлади. Иккинчиси, динни ҳимоя қилиш истаги ва интиқом талабида ёмон ва фахшни кўргандаги ғазаб. Саҳобалар ҳам “коғирларга шиддатли ва ўзаро раҳмдилдирлар” (Фатх, 48:29) деб мақталганлар. Расулуллоҳ шундай дейди: “Умматимнинг энг яхшилари қизиққонлариридир”. Бу ерда динда ҳаром қилинган нарса учун жаҳл чиқиши назарда тутилади. Бироқ, шунга қарамай султон жиноятчига ғазаб қилганида, уни ҳибсга олиши ва ўзи жазоламаслиги лозим. Аввал у ҳаммасини батафсил ўрганиши керак, чунки ғазаб ақлнинг девидир ва унинг сабабидан султон жазолашда рухсат этилган чегарадан четга чиқиши мумкин.

Ёмон ғазаб (ал-макруҳ) бу инсоннинг эгалик қилишга рухсат этилган нарсани йўқотганида жаҳли чиқишидир. Масалан, унинг хизматкори ёки қулидан кўзани синдиргани ёки бирор бир топшириқни масъулиятсизлиги сабаб бажармагани учун ғазабланиши мисол бўлади. Бу тақиқланган даражасигача чиқмайди, аммо кечиримли ва муруватли бўлиш авлороқдир. Шунинг учун бир донишмандга: “Ножӯя иш қилган ва хизматингни бажармаган қулингни кечирма, акс ҳолда у сенинг сабрингдан бузилиб кетади” деганларида, у шундай жавоб қилди: “Майли, мен қулимнинг солиҳлигидан ҳалок бўлганимдан кўра қулим менинг ахлоқимдан бузилгани яхши”. Сабр нафсни тузатади, қасд олиш эса қулни.

Қораланадиган ғазаб (ал-мазмум) – бу фахрланиш, такаббурлик, ўзига бино қўйиш (ал-мубоҳат), рақобат (ал-мунофаса), нафрат (ал-ҳикд), ҳasad ва бу дунёнинг лаззатлари, тана қувончлари (хузуз ул-бадания)

билан боғлиқ ўткинчи ишлардан келиб чиқадиган ғазабдир. У келажақда дунё ва динга фойда келтирмайды. Бу ғазаб күпчилик одамларга хосдир. Ушбу хислат ҳилм – мулойимлик ва таҳаллум – беозорликка қарама-қаршидир. Ҳилм – бу инсоннинг ғазабини намоён этишдан (хаяжон ул-ғазаб) тийиб туришидир. Таҳаллум эса ғазаб пайдо бўлган пайтда унинг ўз мақсадига эришишига йўл қўймаслиkdir. Бу икковидан энг яхиси ва мукаммали ҳилм, лекин таҳаллум ҳам кароҳиятли ишлардан сақлагани учун ҳам жуда хайрли сифат ҳисобланади.

Инсонларнинг ғазаби турлича бўлади, баъзилар тез жаҳли чиқиб, тезда совийди, баъзилар секин ёниб ва секин сўнади, баъзилар эса секин ёнади ва тезда сўнади – бу энг яхши сифатдир, агар ғазаб ва рашк умуман бўлмайдиган (футур ул-ҳамият вал-ғайрат) даражага бормаса яхши саналади. Ғазабнинг мижозга қараб намоён бўлиши бу иссиқлик (ал-ҳарорат) ва совуқлиkdir (ал-юбусат). Бунга ғазабнинг таърифи далолат беради: ғазаб юракдаги қоннинг қайнашини англатади. Агар бу бироннинг ўзидан кўра қувватлиги сабабидан бўлса, қон терининг юзидан юракка кетади, инсон маҳзун ва хафа бўлади, юзи эса сарғаяди. Агар бироннинг ундан пастлиги туфайли бўлса, юракдаги қони қайнайди ва тўхтамайди, у ҳақиқий ғазабланади ва интиқом олишни истайди. Агар ғазаб тенг вазиятда бўлганлик сабабли бўлса, унда қон бир тўхтаб, бир қайнайди ва юзнинг ранги ўзгара бошлайди – то қизил, то сариқ бўлади ва унинг аҳволи яхши бўлмайди. Умуман олганда, ғазабнинг жойи – юрак, у қоннинг қайнаши ва ҳаракатланишини англатади. Мижоздан ташқари бўлган нарса одатdir, ғазаб ва шафқатсиз хулқни яхши сифат деб биладиган одамлар орасида яшайдиган кишида бу нарса ўз изини қолдиради. Агар инсон босиқ ва виқорли одамлар (ахл ул-худуъ вал-виқор) билан мулоқот қилса, бу одат ҳам унда акс этади. Ғазабни эҳтимолдан ҳақиқий ҳолатга айлантирган сабаблар – манманлик (ужб), ўзига бино қўйиш (ифтихор), иккиюзламачилик (муроъ), шилқимлик (лужож), мазах, безбетлие (тийх),

камситиш (истихзоъ), хафа қилиш (займ), рақобатга интилиш (танофус), ҳасад (таҳосуд) ва қасд олиш истаги (шахват ул-интиқом) бўлиб, буларнинг барчаси мазмум, яъни қораланади. Кимнинг устидан ғазаб голиб келса, донишмандлардан бири сultonга ундан ғазаб билан қандай курашиш ҳақида сўраганида берган жавоби ёдига келсин. У шундай жавоб берган: “Сен шуни ёдингда тутмофинг лозим, сен бўйсунишинг керак, сенга бўйсунишлари эмас, сен хизмат қилишинг керак, сенга хизмат қилишлари эмас, сен сабр қилишинг керак, сенга сабр қилишлари эмас, ва яна шуни билмофинг керак, Аллоҳ доим сени кўриб туради. Агар шуни қилсанг, ҳеч қачон ғазабланмайсан”.

Ғазаб яна бир неча турлари бўлиб, уларга жумладан шижаат, bemuloҳазалик (ат-таҳаввур), рақобат (ал-мунофаса), ҳавас (ғибта) ва ҳасад киради. Шижаат – бу ўйламай иш қилиш (таҳаввур) ва қўрқоқликнинг (жубн) ўртасидаги хулқдир. Нафсга нисбатан бу инсоннинг оғир вазиятларда босиқлиги, қалбиниг қаттиқлиги (саромат ул-қалб) ва хавф туғилганда ўзини тута олиши (рабт ул-жаъш) хисобланади. Агар ғазаб амалда кўриб чиқилса, унда бу фурсат етканида ҳамла қилиш, ташланиш хисобланади. У бошланишини ғазаб ва оптимизмдан (хусн ул-амал) олиб, у инсонга қийинчиликларни ошиб ўтиш ва гуноҳларга қарши туришга ёрдам беради. Агар ғазаб шахватга йўналтирилса, уни амалга оширишга йўл бермайди. Диннинг ярми хайрли ишларни бажаришга интилиш, ярми эса ёмон ишлардан қочиш бўлгани учун пайғамбар а.с.: “Сабр имоннинг ярми” деган. Баъзи бир ёмонликлар шахват ва таом емоқда ва баъзиси бошқа истакларда бўлганлиги боис эса: “Рўза сабрнинг ярми” деб айтган.

Сабр икки турга бўлинади: биринчиси, жисмоний сабр (ас-сабр ул-жисмий) – бу инсоннинг оғир ишларни қилганида жисмоний қийинчиликларга ёки ташқи таъсирларга, яъни оғир касаллик ва қаттиқ калтакка бардош бериш қобилиятидир. Мақтовга лойиқ сабр бу иккинчи тури – рухий сабр (ас-сабр ун-нафсий). Агар бу исталган нарсани олишга

тааллуқли бўлса, унда иффат дейилади. Агар бу мاشаққатларга бардош беришга тааллуқли бўлса, унда номлари қийинчилкларнинг турига қараб турлича бўлади. Агар у мусибатга тегтшли бўлса, бунда ҳам сабр деб аталади. Унинг акси эса – сабрсизлик (ал-жазаъ) ва ташвиш (ал-ҳалаъ). Агар бу бойлик сабри бўлса, дадиллик, ўзини тутиш (забт ун-нафс) дейилади, унинг тескариси – ношукрлик (ал-батар). Урушда бу шижаот дейилади, тескариси – қўрқоқлик (ал-жубн). Агар бу қаҳр-ғазабни тинчлантириш (казм ул-ғайз вал-ғазаб) билан боғлиқ бўлса, беозорлик (хилм) дейилади, акси –норозилик (ат-тазаммур). Агар бу бирор аччиқни чиқарадиган (музжира) нарсага тегишли бўлса, бағрикенлик (саъат ус-садр) дейилади, унинг тескариси – хавотир (аз-зажар), ташвиш (ат-табаррум) ва кўнгил торлиги (зайиқ ус-садр). Агар бу сўзни сақлашга тааллуқли бўлса, унда сир сақлаш(катм ус-сирр) деб айтилади. Агар дунё лаззатларига (фузул ул-айш) тегишли бўлса, унда зухд ва қаноат дейилади, унинг тескариси – ҳирс ва очкўзлик (аш-шараҳ). Шунинг учун Аллоҳ: “сабрлилар баҳтсизликдадир”, яъни улар қийинчиллик ва мусибатда, фалокатда, яъни қашшоқлик ва фақирликда, шунингдек, оғат пайтида, яъни жангда дейди.

Ҳавас (ал-ғибта), рақобат (ал-мунофаса) ва ҳасад (ал-ҳасад) ҳам ғазабнинг кўринишлари ҳисобланади. Аммо ҳавас (ғибта) мақтовга лойикдир, ҳасад эса ёмон сифатдир. Пайғамбар шундай дейди: “Мўъмин ҳавас қиласи, мунофиқ эса ҳасад”. Рақобат (мунофаса) ҳам мақтовга лойик амалдир. Ҳавас инсоннинг ўзига ўхшаган одамлар эришган нарсани қўлга киритиши хоҳлаши ва улар етишган нарса учун хафа бўлмаслигидир. Агар бунга яна ўша ёки ундан ҳам кўпига эришиш ниятида ҳаракат қилиш ва қатъият қўшилса, унда рақобатга айланади. Ҳасад – бу одамнинг бирор бир неъматга эришган инсоннинг ўша нарсадан айрилишини исташидир. Баъзида бунга ўша нарсани йўқотиш учун ҳатти-ҳаракатлари ҳам қўшилади. Пасткаш ҳасадгўй (ал-хабис ул-ҳасуд) эса бошқа бирорни

нельматлардан маҳрум қилишни хоҳлайдиган, аммо ўзи унга эришишга ҳаракат қилмайдиган кишидир. Ҳасад хасисликнинг энг чўққисидир, чунки баҳил ўз молини қизғанади, ҳасадгўй эса Аллоҳнинг нельматини бошқалардан қизғанади. Донишмандлар айтадиларки: Ҳасад ва ҳирс – гуноҳларнинг асоси. Мисол тариқасида, Одам ва иблисни келтирадилар, чунки иблис Одамга ҳасад қилди ва лаънатга учради. Одам эса тақиқланган нарсага ҳирс қўйди ва жаннатдан ҳайдалди. Бу икки дарахт бўлиб, улар ғам ва дард-алам (ал-хумум), баҳтсизлик (ал-ғумум) ва йўқотиши (ал-хусрон) меваларини солади. Кимки уларнинг илдизини қирқса, нажот топади. Умуман олганда, ҳасад ҳақиқий аҳмоқликнинг ўзидир: агар кимки Мағриб аҳлига берилган нельматларга хафа бўлмаса, яна унинг ўзи ўша нельматни олмаётган бўлса, унда қариндошлари, дўстлари, қўшнилари ва юртдошларига берилган нельматларга нега хафа бўлади? Эҳтимол, у бу нельматларга омад туфайли эга бўлар. Икки нарсадан бошқа нарсага ҳасад бўлмаслиги керак: Аллоҳ бойлик берган одам уни ҳақ ишга сарфлаганида ва Аллоҳ ҳикмат ва доноликни берган киши уни ёрдамида бошқарганида. Пайғамбар а.с. бу ерда ҳасад деб ҳавасни (ғибта) назарда тутган.

Бу сифатларни бошқариш масаласида Ғаззолий, агар кимки уларни улдаласа ва унда бу сифатларни бошқара оладиган мустаҳкам ахлоқ шаклланса, яхши хулқли инсон (афиғ) бўла оладими деган саволга ўз қарашини қўйидагича ифодалайди. Иффат агар унга қўл, тил, эшитиш ва кўриш иффатлари қўшилмаса тугал бўлмайди. Тил иффатига келсак, у мазах (ас-сухрия), ҳақоратлаш (ал-ғийба), чақимчилик (ан-намима), алдаш (ал-қизб), ғийбат (ал-ҳамз), тухмат қилмаслик, бир-бирига лақаб қўймасликдир. Эшитиш иффати бу ғийбат ва унга ўхшаш тил қабиҳликларидан қочиши, тақиқланган товушларни эшиитмасликдир. Худди шундай жами тана аъзолари ва қувватларида амал қилинади. Барча тана аъзоларига нисбатан иффатнинг асоси уларни шариат ва акл руҳсат

бермайдиган нарсаларда қўлламаслик ва улар рухсат этадиган нарсада ишлатишидир. Инсон фазилатларга эга бўлиш йўлида булар билан чекланмаслигилозим. Агар бирор киши ўз иффати учун каттароқ нарсага эга бўлишни истаса, ёки шахвати сустлиги учун мижози бунга мос бўлмаса, ёки оқибатида хавфни сезса, ёки уят ва хурматини йўқотса ва тақиқланган нарсаларни тановул қилса, унда бу иффат бўлмайди, балки буларнинг ҳаммаси савдо ёки шунга ўхшаш бошқа нарса учун тарк қилиш бўлади. Мутафаккир, маълум бўлсинки, буларнинг бари иффатга эришиш учун етарли эмас, деб таъкидлайди.

V. ФАЗЗОЛИЙДА ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ: УСТОЗ ВА ШОГИРД МУНОСАБАТИ

Ақл, илм ва таълимнинг шарафи ҳақида

Абу Ҳомид Ғаззолий илм ва амални саодатга эришиш василаси экан, илм амалсиз бўлмайди ва илм асосларнинг асосидир дейди. Илм ва таълим олиш йўлларини (тариқ ут-тааллум ват-таълим) ва аввало, бу ишларнинг қадр-қимматини билиш лозим. Таълим – бу барча амалларнинг энг шарафлисиdir. Ҳунарлар (ас-синоат) уч қисмга бўлинади: биринчиси, оламнинг мавжуд буларсиз бўлмайдиган асослар бўлиб, улар тўрттадир:

- 1. Дехқончилик (аз-зироъат)**
- 2. Тўқувчилик (ал-ҳаййокат)**
- 3. Қурувчилик (ал-биноят)**
- 4. Давлат бошқаруви (ас-сиёсат)**

Иккинчиси, уларнинг ҳар бирига хизмат қиладиган ва уларга асос тайёрлайдиган ҳунарлар. Масалан, дехқончилик учун темирчилик ёки тўқувчилик учун пахтани тозалаш ва ип йигириш каби. Учинчиси, уларнинг ҳар бирини яқунлайдиган ва безайдиган ҳунарлар, яъни ун ишлаб чиқариш ва нон ёпиш дехқончилик учун, матони оқлаш ва тикиш тўқувчилик учун бўлгани каби. Улар худди уч хил турга ўхшайди:

асосийси – худди юрак, жигар ва мия қаби; асосийга тайёрлаб берувчи ва хизмат қилувчи – ошқозон, аъзолар ва томирлар каби; уларни тўлдирувчи – киприк ва қош кабидир.

Хунарларнинг энг шарафлиси ва олийжаноби бошқарув (ас-сиёсат) билан боғлиғи саналади, чунки олам усиз мавжуд бўлолмайди. Бошқарув тўрт турга бўлинади. Биринчиси, пайғамбарлар бошқаруви ва уларнинг хос ва авомнинг зоҳири ҳамда ботинини ҳукм қилишидир. Иккинчиси, халифалар, волийлар, султонлар ва ҳокимларнинг хос ва авомнинг устидан ҳукм юритиши, аммо уларнинг бошқаруви зоҳирий жиҳатдан бўлиб, ботиний оламга тегишли эмас. Учинчиси, олимлар (ҳақиқий илм соҳиблари), ҳакимлар бошқаруви ва уларнинг фақат хослар ботинини ҳукм қилишидир. Тўртинчиси, воизлар ва фақиҳларнинг фақат оддий инсонлар – авом ботини устидан ҳукми ва бошқаруви. Ушбу тўрт хил бошқарув ичида нубувватдан сўнг энг шарафлиси ва хурматлиси инсонлар билимини бойитиш (ифодат ул-илм) ҳамда уларнинг нафсини тарбиялаш (тахзиб ун-нуфус) ҳисобланади. Бунинг исботи, яъни у ёки бу касбнинг аҳамияти шу ишни бажарган қувват билан аниқланади. Бу худди донишмандликнинг (маърифат ул-ҳикма) тилларни билишдан афзаллигига ўхшайди. Зеро, биринчиси ақлий қувват билан боғлиқ бўлиб, қувватларнинг энг олийжаноби саналади. Иккинчиси эса ҳиссий қувват билан боғлиқ, бу эса эшитиш қобилиятидир. Ёки касбнинг аҳамияти (умум ун-нафъи) бу ишдан фойда оладиган одамлар сони билан белгиланади. Бу дехқончиликнинг заргарликдан (ас-сиёға) кўра афзаллиги кабидир. Ёки ишлов бериладиган материалнинг обрўсига қараб белгиланади, заргарликнинг тери ошлашдан (ад-дибоға) кўра афзаллиги каби.

Ақлий билимлар ақл ёрдамида идрок этилади. Ақл энг шарафли қувватлардан саналади ва у Жаннат ул-маъвога етаклайди. У қўпчилик одамларга фойда келтирадиган энг катта фойда ва у инсонлар нафси (нуфус ул-башар) устида ишлайди. Инсон нафси эса энг яхши материал ва

бу дунедаги энг шарафли вужуддир. Билимнинг фойдаси (ифодат ул-илм) – бир томондан хунар (синоат), бошқа томондан Аллоҳ Таолога ибодат ва учинчи томондан хилофат, Аллоҳга ўринбосарлик. Аллоҳ олимнинг қалбида илм манбани очган, бу унинг ўзига хос сифати ва у энг қиммат хазинанинг хазинабони кабидир. Бундан ташқари илмни ҳар бир эҳтиёжманд кишига беришга рухсат берилган. Агар банда Аллоҳ ва одамлар ўртасида халқни парвардигорига яқинлаштириш ва жаннатга бошлишда воситачилик қилса, бундан-да қандай даража юксакроқ бўлиши мумкин?

Илм ва ақлнинг шарафи, қадр-қиммати ақлий хулосалар (зарурат ул-ақл), шариат ва ҳислар билан англашади. Шариат борасида пайғамбар а.с. шундай дейди: “Аллоҳ ақлни яратгач, унга “Яқинлаш” деди ва у яқинлашди, сўнг “Узоқлаш” деди ва у узоқлашди. Сўнгра Аллоҳ деди: “Ўз Кудратим ва Буюклигим билан қасам ичаман, сен мен учун барча яратганларимдан кўра қадрлироқсан, сен билан оламан, сен билан бераман, сен билан мукофотлайман ва сен билан жазолайман”. Инсон нарсаларни англайдиган бу ақл Аллоҳ қуёш учун нур қилиб яратган Биринчи Ақлдан (Ал-ақл Ал-аввал) келади. Ушбу ақллар инсонларга нисбатан ақллардир, униси эса мутлақ ақл бўлиб, ҳеч нарсага тааллуқли эмас. Ақлнинг шарафи ҳақида ақлнинг далили шуки, ақлсиз бу дунёда ҳам, охиратда ҳам саодатга эришиб бўлмаслигидир. Ақл нарсаларнинг энг шарафлиси бўлгани учун ҳам инсон Аллоҳнинг халифаси бўлди ва ақл воситасида худога яқинлашиб, имони мукаммал бўлади. Шунинг учун пайғамбар а.с. дейди: “Ақли йўқнинг имони йўқ” ва “Одамнинг Исломидан токи унинг ақлини билмасингиздан олдин хурсанд бўлманг”. Олимларайтади: “Кимнинг ақли ундаги яхшиликнинг энг бош меваси (хисол ул-хайр) бўлмаса, ундаги ёмонликнинг бош мевасидан (хисол уш-шарр) ҳалок бўлади”. Аллоҳ ақлни ушбу оятида нур билан қиёслайди: “Аллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир” (Нур, 24:35), яъни уларни мунаввар қилган. Куръонда ҳам нур билан

зулмат илм ва жоҳилликни англатади. Алига пайғамбар а.с. шундай хитоб қилган: “Агар инсонлар Аллоҳга солиҳлик билан яқинлашса, сен ақлинг билан яқинлаш. Шунда бу дунёда одамлар орасида ва охиратда Аллоҳ ҳузурида юксак даража ва улуғ мақом билан роҳатланасан”.

Ақл ва илмнинг юксак мақомини тушуниш учун ҳиснинг ўзи етарлидир. Ҳатто танаси йирик ва энг кучли ҳайвон ҳам инсонни кўрганида унга нисбатан ҳурматни ҳис қиласи ва унинг ўзидан кўра характеристи устунлигини сезган ҳолда одамдан қўрқади. Ҳайвонларга яқин одамлар араб ва турклардан бўлган ўта қўпол кишилар ҳамда улардан бўлган чўпонлар ҳисобланади. Агар улар орасидан ўзларига нисбатан ақллироқ ва хунарларида билимлироқ чўпон пайдо бўлса, улар уни ҳурмат қила бошлайдилар. Шунинг учун турклар ўз оқсоқолларини (шуйух) ўта эъзозлайдилар, чунки тажриба шайхларнинг ақлини уларга нисбатан бойитган бўлади. Расулуллоҳ а.с. ҳам: “Оқсоқол ўз қабиласида ўз уммати ичидаги пайғамбар кабидир” деган. Зеро, пайғамбарнинг виқори, ҳурмати (виқор ун-набий) унинг кучли характеристи, гўзал танаси, бойлигининг кўплигига ёки қудрат ва шавкатида эмас, балки унинг ақли ва илмидадир. Кўпгина қайсар одамлар пайғамбар алайҳиссаломни ўлдирмоқчи бўлишган, аммо уни кўрганларида улар қўрқдилар, уларга пайғамбарнинг юзида унинг танлаб олинганлигини ифода этган ва унга қаршилик қиласиганлар қалбига қўрқув соладиган Аллоҳнинг нури намоён бўлди. Аллоҳ илмни нур деб атади ва деди: “Ва шу каби биз сенга ўз амримиздан бир рухни ваҳий қилдик” (Шўро, 42:52) ва уни хаёт деб атади: “Аввал ўлик бўлган одамни тирилтириб, унга одамлар орасида юрадиган нурни бериб қўйган бўлсак” (Анъом, 6:122). “Аллоҳ ақлдан карамлироқ нарсани яратмади”, деб айтган пайғамбар а.с.ҳам. Илм олиш борасидаги энг яхши сўзлар ушбудир: “Дарҳақиқат, фаришталар илм олаётган кишининг ишидан рози бўлган ҳолда унинг олдида қанотларини ёядилар”.

Ақлнинг шарафини кўрсатиш учун илм олишнинг зарурлиги ҳакида

Ақлнинг шарафи унинг илм ва донолик жойлашган жойи ҳамда унинг қуроли эканлигидадир. Лекин инсоннинг рухи (нафс ул-инсон) илм ва ҳикматнинг маъдани ва манбаидир. Улар рухда ҳаракат сифатида эмас, балки қобилият сифатида худди тошдаги олов, ердаги сув ва данакдаги хурмо каби азалдан фитратида мавжуд. Уларни ҳаракатга келтириш учун эса меҳнат қилиш лозим, худди сув чиқиши учун қудук қазиш зарур бўлганидек. Аммо инсон кучи ва ҳаракатисиз оқадиган сув бўлгани каби, топиш қийин бўлган яширин сув ҳам мавжуд, уни топиш учун чукур қазиш ва кўп меҳнат қилиш керак, шу билан бирга оз меҳнатни талаб қиладигани ҳам бор. Шундай экан, инсон руҳидаги илм ҳам таълим олмасдан туриб, қувватдан феълга, яъни имкониятдан ишга айланиши мумкин. Бу пайғамбарлар ҳолидир, чунки уларнинг илми аввали инсоний воситасиз Олий жамиятдан (Ал-малоъ ал-аъло) зоҳир бўлади. Шунингдек, кўп саъи-ҳаракатни талаб қиладиган нарса борки, бу оддий инсонлар аҳволи ҳисобланади. Хусусан, бу ҳол секин англайдиган, умрларини бефарқлик, ғафлат ва жаҳолатда ўтказган, ёшлигида илм олмаган кишиларга хосдир. Шу билан бирга озгина уриниш етарли бўлган ҳол ҳам мавжуд бўлиб, бу жуда ақлли ёш инсонлар билан содир бўлади.

Илмлар нафсда жойлашганлиги сабаб Аллоҳ шундай дейди: “Раббинг Бани Одамнинг умуртқа поғонасидан зурриётларини олиб, ўзларига ўзларини гувоҳ қилиб: “Раббингиз эмасманми?” деганида, “Худди шундай! Гувоҳ бўлдик” дедилар” (Аъроф, 7:172). Гувоҳлик деганда бу ерда илм қобилият ва имконият каби мавжуд бўлиши назарда тутилади. Амалда эса бу тил билан иқрор бўлиш эмас, чунки ҳаммадан ҳам эмас, балки баъзилардан гувоҳлик содир бўлди. Аллоҳнинг ушбу сўзи далолат беради: “Агар сен улардан ўзларини ким яратганини сўрасанг, албатта, “Аллоҳ” дерлар” (Зухруф, 43:87), яъни агар уларнинг ҳоллари тадқиқ қилинса, руҳлар ва ботинлари бу ҳақда гувоҳлик беради. “Бу Аллоҳ одамларни яратган асл табиатдир” (Рум, 30:30). Ҳар бир одам фитратида

имон билан яратилған, пайғамбарлар ҳам ҳам яккахудолик билан келгандар.

Аллоҳға имон аввалдан, яни фитратда рухда жойлашган, шунинг учун инсонлар ундан узоқлашган ва унутганларга, булар коғирлардир ва ўз нафси ва ақлидан узоқлашганлар бўлиб, худди шаҳодат калимасини айтиб, уни эътиборсизлик туфайли унутган, сўнг эса эслаган киши каби кейин ўзига келгандарга бўлинади. Шунинг учун Аллоҳ айтади: “Дарҳақиқат, биз Қуръонни зикр учун осон қилдик. Бас, зикр қилувчи борми?”. Эслаш (ат-тазкир) кўпинча ана шу зикр маъносида қўлланиб, тазаккур дейилади. Эслаш иккита хил бўлади. Биринчиси, инсон қалбида ақл блан сақланиб қолган, кейин эса йўқолган тасвири эсласидир. Иккинчиси, инсоннинг туғилганидан, фитратда сақланиб қолган суратни эсласидир. Шунинг учун муҳаққиқлар, яни тадқиқотчилар таълим (ат-таалум) инсонга бирор нарсани ташқаридан олиб келмайди, балки инсон табиати, фитратида бор бўлган нарсани кашф этади. Бу худди сувни ер остидан чиқаришга ёки ойнани тозалагандан сўнг унда суратнинг акс этишига ўхшайди. Ушбу ҳақиқатлар ақл назари билан кўринади ва етарлича тиришқоқлик қилмаган, қусурлари мактаб ўқувчиларининг биринчи босқичидан кейинги босқичига ўтишга йўл бермаган кишиларга оғирлик қиласиди. Чунки бу одамларнинг табиати уларнинг тасаввурлари лафзларни ўрганмай ва тушунмай туриб, уларнинг ташқи-зоҳирий томонига интилиши билан боғлиқ.

Ақлнинг турлари ҳақида

Ғаззолий ақлни икки қисмдан иборат деб таъкидлайди. Улар:

- 1. Ғаризий, яни туғма ақл**
- 2. Муктасаб, яни эгалланган ақл**

Туғма ақл (ал-ғаризий) – бу билимларни қабул қилиш қобилиятидир. У данакда хурмо бўлгани каби, болада мавжуд бўлади. Эгалланган илм (ал-муктасаб) эса бу ёки англамаган ҳолда, таълим олмасдан зарурӣ

илмлар файзи каби, ёки англаган ҳолда таълим олиш йўли билан олинган билимлар ҳисобланади. Ақлнинг икки қисмдан иборатлиги ҳақида Али р.а. шундай деган:

Раъайту ал-ақла ақлайн,
Фа-матбуъун ва масмуъ.
Ва ла яефаъу масмуъун,
Иза лам яку матбуъ.
Кама ла танфаъ уш-шамсу,
Ва завъа ал-айни мамнуъ.

(Мазмуни: Мен ақл иккига бўлинишини кўрдим, табий ва тингланган. Тинглангандан фойда йўқдир, агар табийси бўлмаса. (Бу худди) Агар кўзлар кўр бўлса-ю, қуёшдан фойда бўлмагани кабидир).

Биринчиси, Аллоҳ ақлдан бошқа қимматлироқ нарсани яратмади, деган иборага тўғри келади. Иккинчиси, пайғамбар а.с.нинг Алига қилган: “Агар одамлар ўзларининг солихликлари билан яқинлашлар, сен ақлинг билан яқинлашгин”, сўзларига мувофиқдир. Биринчиси, тана учун кўришдек, иккинчиси, қуёш нури кабидир. Кўр учун нурдан фойда бўлмаганидек, нур бўлмаса, кўришнинг ҳам фойдаси йўқ. Худди шундай ботиний, ички кўриш (басар ул-ботин) ақл бўлиб, ташқи кўришдан (ал-басар уз-зоҳир) кўра яхшироқдир, чунки нафс худди чавандозга, тана отга ўхшайди ва чавандознинг кўрлиги отнинг кўрлигидан кўра кўпроқ зарар келтиради. Ботиний ва зоҳирий кўришнинг ўхшашлиги ҳақида Аллоҳ шундай дейди: “Қалб кўз кўрганини ёлғонга чиқармади” (Нажм, 53:11) ва у ақлни кўрликнинг акси деб атади: “Зеро кўзлар кўр бўлмаса, кўксиларидағи қалблар кўр бўлур” (Ҳаж, 22:46). Яна деди: “Ким бу дунёда кўр-гумроҳ бўлса, у охиратда янада кўр-гумроҳ ва янада йўлда адашганроқ бўлади” (Исро, 17:72).

Агар инсон ақл басирати билан кўрмаса, унинг имони ва ҳатто ташқи қобиғи билан боғлама, балки унинг хаёли ва шунга ўхшаш нарсалар унинг

моҳияти ва хақиқатидан паст бўлади. Шариатнинг амалий илмлари ҳам ақлий билимларсиз олинмайди, чунки ақлий илмлар саломатлик учун дори, шариат эса озуқа кабидир. Нақл, яъни сўзлар ва анъаналарни узатиш, ақлдан вужудга келган бўлиб, уларнинг жойи ўзгартирилмаслиги лозим. Дорилардан маҳрум бўлган касал нафсга озуқа фойда келтирмай, фақат зарар келтиради. Аллоҳ ҳам Қуръон фойда келтирмаганларга, “Уларнинг қалблари касалдир” деб хитоб қилган. Кўзи кўр тақлид қилувчи шариат асосларига қараганида, хаёлида унда кўпгина қарама-қаршиликлар бордек туюлади. Шунда унинг қалби ақлиниң ноқислиги ва характеристининг заифлиги сабабидан илм олишга журъат қилолмайди. У қўрққанидан ўзини бепарво қилиб кўрсатади ва бу унинг тақлид қилишининг якуни бўлади. Эҳтимол, у шариатни ўрганади ва унинг қарама-қарши томонларини тушунади, унинг устиадн паришонлик ғолиб келади ҳамда у ўз эътиқодини йўқотади. Агар у ички басирати (би-айн ал-басира) билан назар солса, қарама-қаршиликлар йўқолиб, ҳамма нарса жой-жойига тушади ва ўз ўрнида кўради. Бундай одам худди уйга кириб, кўза, тогора ва уйдаги бошқа жиҳозларга урилган кўрга ўхшайди. У “Нега буларни йўлнинг устига қўйдингизлар ва ўз жойига қайтармадингизлар?” деб бақиради. Унга эса ҳамма нарса ўз жойида турганлиги, лекин муаммо унинг кўзида эканлиги айтилади. Булар ақлдан олинган илмга тааллуқлидир.

Ақл воситасида эгалланган илм (ал-муктасаб) дунё ва охират ҳаёти билан боғлик илмларга бўлинади (ал-маориф уд-дунёвия вал-охиравия). Уларнинг йўллари фарқ қиласи. Агар кимки биринчисига кўпроқ эътибор қаратса, кўп ҳолатда иккинчисини камроқ тушунади. Али уч хил қиёсни келтиради: дунё ва охират ҳаёти мисоли тарозининг икки палласи, мағриб ва машриқ ҳамда бир эрнинг икки хотинига ўхшайди. Агар бирининг кўнглини олсанг, иккинчисининг жаҳлини чиқарасан. Шунинг учун дунё ишларини биладиган кишилар охират ишларида жоҳилдирлар ва худди шундай аксиdir. Пайғамбар а.с. айтади: “Ўзини қарзга берадиган ва

охират ҳаёти учун меҳнат қиласиган киши оқилдир”. Солиҳлардан бири бирони ақли заиф деганида, унга шундай деган: “Жаннат аҳлининг кўпи ақли заифлардир”, у бунда дунё ишларига тегишли нарсани назарда тутган. Шунинг учун Ҳасан Басрий дейди: “Биз шундай кишиларни кўрдикки, сизлар уларни кўриб: “Жиннилар” дердингиз, бу одамлар эса сизларни кўриб: “Шайтонлар” деган бўларди”. Агар инсон Исломга доир ғаройиб нарсани эшитса, уни инкор этишга шошилмаслиги лозим. Агар у ҳақиқат бўлганида, уни дунё ҳаётига эгаллик қиласиган (арбоб уд-дунё), аниқ фанларни ва ҳунарларни эгаллаган ақлли инсонлар англаб етган бўлардилар, чунки шарққа йўл олган киши ғарбда бор бўлган нарсага эришиши имконсизdir, худди шундай бу нарса дунё ва охират ҳаёти учун тааллуқлидир. Шунинг учун Аллоҳ айтади: “Албатта, Биз ила мулоқот бўлишини умид қилмаганлар ва бу дунё ҳаётидан рози бўлиб, у билан хотиржам қолганлар” (Юнус, 10:7) ва “Улар бу дунё ҳаётининг зоҳирини билурлар. Ҳолбуки, улар охиратдан ғофилдирлар” (Рум, 30:7).

Бу икки турни ҳеч ким бирлаштира олмайди. Фақат Аллоҳ инсонларни бу дунё ва охиратда бошқаришлари учун юборган кишилар – пайғамбарларгина Муқаддас рух ёрдамида, барча нарсаларга етадиган ва ҳеч қачон туганмас қувват олган ҳолда қодирдир. Заиф нафслар (ан-нуфус уз-заифа) бирор иш қилган тақдирларида ҳам бошқа нарсага чалғийдилар ва унисиниям ҳамда бунисиниям мукаммал ҳолда эгаллай олмайдилар.

Саодатга олиб борадиган илмларда устоз ва шогирднинг вазифалари

Ғаззолий таълим олувчининг (ал-мутааллим) вазифалари ўнта деб айтади. Биринчи вазифа, толиб нафс поклигини (таҳорат ун-нафс) ёмон хулқлардан (радиъ ул-ахлоқ) устун қўйиши лозим. Бинобарин, тана аъзоларининг поклиги бўлмасдан туриб, ибодат қилиш мумкин эмаслиги сабаб, илм олиш нафс ибодати (ибодат ун-нафс), шариат тилида эса қалб ибодати (ибодат ул-қалб) хисобланади. Шунинг учун токи қалбни ахлоқдаги ёмонликлар (хабоис ул-ахлоқ) ва сифатдаги ифлосликлардан

(анжос ус-сифот) покламай туриб, илм олиб бўлмайди. Пайғамбар а.с. ҳам: “Дин поклик устида қурилган” деган, бу ҳам ботиний, ҳам зоҳирий дунёга тегишлидир, чунки тозалик ва ифлослик нафақат ташқи жихатдан бўлади. Фаришталар ҳам ит бор уйга кирмайди дейилади. Қалб эса фаришталар макони ва улар назар соладиган жойдир, ёмон хулқ ва сифатлар ит маъносида келади. Илм олган ёмон ахлоқли одамлар ҳам кўп деб ўйлаган инсон, саодат келтирадиган илмни тушунишдан йироқ бўлади. Чунки, ёмон ахлоқли киши оладиган илм баъзан тили ва баъзан қалби билан айтадиган сўзлардир. Агар илм нури унинг қалбини ёритганида эди, унинг ахлоқи яхши гўзал бўлган бўларди. Зеро, илмнинг энг паст даражаси гуноҳларнинг ўлимга олиб келувчи заҳар эканлигини англаш ҳисобланади. Бу эса абадий ҳаётни йўқ қиласи ва унинг асоси қусурлардир (ас-сифот ур-радия). Инсон онгли равишда заҳарни қабул қилганини кўрганмисан, дейди мутафаккир. Илми ортиб, тўғри йўлни танламаган инсон, Аллоҳдан узоқлашади. Бир олим айтди: “Биз илмни Аллоҳ учун олмас эдик, аммо илм Аллоҳдан ўзга учун бўлишни истамади” сўзлари, илм қаршилик кўрсатди ва таҳсил бўлмоқликни рад этди, олинган нарса эса фақат сўзлар бўлиб, ҳақиқий илм эмасдир, деган маънони англатади”. Ахлоқи ёмон бўлган, аммо кўп нарсани биладиган буюк олимлар ҳам бор дейилса, унинг жавоби шундай: агар саодат йўлидаги ҳаракатланишга нисбатан илм даражалари ва унинг муносабатини билсанг, уларнинг оз нарсани билишини англайсан, бу нарса саодатга яқинлашишни истаган кишини унга (саодат йўлига) боғланишдан озод қиласин.

Иккинчи вазифа, толиб ўзини барча дунёвий нарсаларга боғлиқлигини сусайтириши ва оиласи, фарзандлари, ватанидан узоқлашишга ҳаракат қилиши лозим, чунки бу нарса қалбни машғул қилиб, чалғитади. Аллоҳ бирон кишининг ичидаги иккита қалб қилган эмасдир (Аҳзоб, 33:4). Агар инсон чалғиса, ҳақиқатни англай олмайди. Шунинг учун илм инсонга фақат унга бутун ўзини бағишилаганида ўзининг

бир қисмини беради. Агар инсон бутун ўзини берса, у илмнинг бир қисмини берганидан катта хатарда қолади. Агар фикр бир неча қисмларга бўлинса, сувлари очиқ ва кенг бир ариққа айланади, уни шамол ва тупрок қурилади ҳамда ундан экиб, йиғиб ва фойда олиш мумкин бўлган ер қолмайди.

Учинчи вазифа, толиб илмга ва илм аҳлига нисбатан кибрли бўлмаслиги, устозига буйруқ бермаслиги, аммо таълим йўлида унга бўйсуниши ва унинг маслаҳатларига худди касал табибнинг насиҳатларига қулоқ тутгандек итоат этиши лозим. Илмга нисбатан кибрга келсак, агар у кибрланиб, биладиган кишидан фойда олишдан воз кечса, бу ҳақиқий ахмоқлик бўлади. Зоро, ҳикмат ҳар бир донишманднинг изланиш мақсади бўлгани ва қаерда бўлмасин уни топа олиши сабаб, уни олиши ҳамда ўз қувватини мустаҳкамлаш учун фойдаланиши лозим.

Фал-илму ҳарабун лил-фатиј ал-матаъолиј,

Кас-сайли ҳарабун лил-макони ал-оълиј.

(Мазмуни: Илм кибр-ҳаволи йигит учун офатдир, Худди тошқин баланд жой учун офат бўлгани каби).

Шунинг учун толибга тавозе керак, бу ҳақда Аллоҳ шундай дейди: “Албатта, бунда қалби борларга ва зехн билан қулоқ осганларга эслатма бордир” (Қоф, 50:37), яъни бу қалби в ақли борларгина илм олади деган маънони англатади. Агар шогирд ўз устози учун серсув ёмғирни қабул қилиб, ҳосил бермайдиган унумсиз ер бўлса, ундан фойда бўлмайди.

Агар устоз таълим давомида толибнинг қарашлари мутлақ хатолигини айтса ва у бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилган бўлса, шогирд ўзини айблаб, ўзини сақласин ҳамда устозига эргашсин, чунки устознинг хатоси ўзининг тўғрилигидан кўра афзалдир. Устоз кўп нарсани ўрганган, тажрибали йўловчи (солик ут-тариқ) каби бўлиб, у энди таълим олишни бошлаганни таажжублантириши мумкин. Аллоҳ Хизр ва Мусо қиссасида бунга ишора қилгандир, Мусо а.с. шундай дейди: “Сенга ўргатилган тўғри

йўлдан менга ҳам ўргатишинг учун сенга эргашсам майлими?” (Кахф, 18:66). Хизр деди: “Агар менга эргашадиган бўлсанг, то ўзим зикр қилим айтмагунимча бир нарса ҳақида сўрамагин” (Кахф, 18:70). Сўнг Мусонинг сабри чидамади, у савол тинмай бера бошлади, токи унга шундай дейилди: “Бу ерда мен билан сен ажраламиз”. Кейин эса Хизр Мусога ўзи англамайдиган ва узоқ бўлган сирларни очиб берди, бу ҳақда Қуръонда келтирилган. Бу билан Аллоҳ Мусога шогирд ақли ва тасаввури етолмайдиган илмга эга эканлигини кўрсатди.

Устоз шогирднинг ақли ва тасаввури етмайдиган нарсаларни билади, умуман олганда, илм олиш йўлида ўз устози кўрсатмаларига амал қилмайдиган ҳар бир толиб, унга омад кулиб боқмаслигини ва мағлубиятга учрашини билиши лозим. Агар шогирд: “Агар билмайдиган бўлсангиз, зикр аҳларидан сўрангиз” (Нахл, 16:43) деб Аллоҳ айтган” деса, бу Мусога савол сўраш тақиқланганига ҳам, оятга ҳам зид эмас, чунки тақиқ бу шогирднинг ҳали англай олмайдиган нарсасини излашига рухsat этилмаслигидир. Агар устоз унга савол беришни ман қилган бўлса, бу ишни қилмаслиги керак. Буйруқ эса бу унинг илм даражасини қанчалик эканлигини батафсил аниқлаш учун ундашdir.

Тўртинчи вазифа, кимки назарий илмларни ўрганишга киришса, энг бошидан оқимлар ўртасида мавжуд бўлган турли хил ихтилофларга ва паришонлик ҳамда фитна уругини сочадиган шубҳаларга қулоқ тутмаслиги лозим, токи унинг қонунлари асосларини ўрганиши зарур. Чунки бу шогирднинг илм асосларига бўлган ишончини дарз кетказиши ва кўнглини қолдириши мумкин. Ғаззолий бунинг сабабларини “Меъёр ул-илм” асарида кўрсатиб берганлигини таъкидлайди. Шогирд аввал устози амал қиладиган усул ва қарашларни мукаммал эгаллаб олсин ҳамда унинг йўлини ўргансин. Сўнгра у шубҳани ўрганишни бошлиши ва уни текшириши лозим. Шунинг учун Аллоҳ Исломда илми ҳали кучли бўлмаган кишига кофирлар билан яқин муносабатда бўлишни тақиқлаган,

ҳатто бу чўчқа гўшти ҳаром бўлишининг сабаблардан бири бўлган дейилади, чунки у кофирлар кўп истеъмол қиласидан таомлардан ҳисобланади. Аллоҳ мусулмонларга уларга ишонишни ман қилиш учун уни ҳаром қилди, чунки ишонч улар билан мулоқот қилиш сабаби бўлди. Шунинг учун оддий одамларни ҳавои нафс аҳли мажлислидан худди оилани бузуқ одамлар билан мулоқот қилишидан сақлагандек тўсиш керак. Эътиқодда кучли бўлган ва унинг далил ҳамда ҳужжатларини яхши эгаллаган киши имонсизлар билан мулоқот қила олиши мумкин. Ҳатто у agar баҳсли ва шубҳали нарсаларни тинглаб, уни ҳал қилишга ҳаракат қилса, бу иши хайрлидир. Бу нарса жиход ҳисобланади, agar илмли қодир киши баҳсга чиқса, олқишлиданади, agar ожиз ва қобилияйтсиз киши чиқса, бу иши танбехга лойиқ бўлади. Шунингдек, заифларнинг вазифаси кучлиларнинг диндаги вазифаси билан баравар деб ҳисоблаш нотўғри. Сўфий шайхлардан бири шундай деган: “Ким мени бошланишда кўрса, “Энг тўғри йўлда” (сиддик) дейди. Кимки мени охирида кўрса, “Имонсиз” (зиндик) деб айтади”. У бирор бир ишнинг бошида кураш, мужоҳада ва кўп ибодат қилиш кўзга ташланишини, охирида эса амаллар ботинга йўналиши, қалб эса ҳамма вақт шоҳидлик ва хузурда бўлишини, ташқи аъзолар ҳаракатни тўхташини назарда тутади. Шу сабаб инсон ибодатга, унинг моҳияти ва мақсадига эътиборсиз деган фикрга келиш мумкин. Аммо кўршапалаклар кўзи қуёш кўзини кўришга ожиздир.

Бешинчи вазифа, таълим жараёнида бирор бир фанни токи унинг ғояси, мақсади ва йўли очилмагунга қадар ўрганмай қолдирмаслик. Сўнгра вақт етарли бўлса ва ҳеч нарса халақит бермаса, илмни чуқур ўзлаштириш керак, чунки барча фанлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқададир. Толиб жоҳиллиги туфайли илмга душман бўлмаслиги учун ундан ҳозирда фойдаланади, чунки инсонлар ўzlари билмаган нарсанинг душмани бўладилар. Аллоҳ айтади: “Ундан ҳидоят топишмагач, “Бу – қадимги уйдирмадир”, дерлар” (Аҳқоф, 46:11). Бир шоир айтади:

Ва ман яқу за фамин муррин маризин,

Яжид мурран биҳи ал-маъ уз-зулала.

(Мазмуни: Кимни оғзи аччиқ ва носоғлом бўлса, у зилол сувни ҳам аччиқ ҳисоблайди).

Шунинг учун бирор бир илм турига нописандлик ва паст назар билан қарамаслик лозим. Чунки илм ўз даражалари билан бандани Аллоҳга олиб боради ёки шу йўлдан юришга ёрдам беради. Ундаги манзиллар даражаси банданинг мақсадга яқинлиги ва узоқлигига боғлиқ. Шу сабаб бу даражаларга риоя қилиш, химоя қилиш, чегараларини қўриқлагандек қўриқлаш зарур.

Олтинчи вазифа, барча илмларни бирданига олишга ҳаракат қиласлик керак, лекин тартибга риоя қилиш ва энг муҳимидан бошлаш зарур. Сўнгра бошқа фанга ўтиш лозим ва бирор бир фанни тартибга кўра унгача илгари турганини тугатмай туриб бошламаслик керак, чунки баъзи бир фанлар бошқаларига йўлдир. Ушбу тартиб ва кетма-кетликка (тартиб ва тадриж) риоя қилган киши омадлидир. Илм тури токи уни мукаммал эгалламагунча тугамайди ва ҳар бир илмни ундан юқори турган илмгача эгаллаш мақсад бўлиши лозим.

Илм оловчи олимлар ўртасидаги ихтилофлар сабаб бир билимни бошқасига нисбатан ёмон деб ҳисбламаслиги керак. У биргина хато ёки илм ва амал масаласида келишмовчилик туфайли кўпчиликнинг фикри сабаб бундай хulosага келмаслиги зарур. Баъзи кишилар ақлий ва фикхий илмларни ўрганишни тарқ қиладилар. Улар агар бу илмларда асос бўлганида эди, уларнинг олимлари буларни тушунган бўларди деб ўзларини оқлайдилар. Бир гуруҳ одамлар бир кишига тўғри келадиган башоратлар туфайли юлдузлар башорати тўғрилигига ишонадилар ва бошқа гуруҳ эса бир кишининг қилган хатоси туфайли уларнинг хатолигини даъво қиладилар. Буларнинг барчаси хато, ҳар нарса ўзидан ўзи маълум бўлиши лозим, чунки ҳар бир илм алоҳида шахсга тегишли

эмас. Али р.а.дейди: “Ҳақиқатни одамларга қараб ўрганма, балки ҳақиқатни билгин, шунда одамларни биласан”.

Еттинчи вазифа, барча илмларни ўрганишга инсон умри етмайди, шунинг учун у ҳар бир нав илмдан энг яхисини олиши ва ҳар бир илмни кераклича ўрганиш билан чекланиши лозим, кейин эса қолган умрини саодат ва нажот сабаби бўлган илмларни олишга йўналтириши зарур. Барча илмларнинг мақсади Аллоҳни ҳақиқат ва сидқ билан таниш (маърифат Аллоҳ) хисобланади. Ҳамма илмлар шу илмга хизмат қилади, ушбу илм эса озод бўлиб, ҳеч нимага хизмат қиласамайди. Аллоҳ айтади: “Аллоҳ деб айт. Сўнgra уларни тек қўй, шўнғиган нарсаларида ўйнайверсинлар” (Анъом, 6:91). Бу оятда товуш чиқариш учун тилни қимирлатиш назарда тутилмаяпди. Зоро, агар қалбга таъсир қилмаса ёки қалбда чуқур из қолдирмаса, тана аъзоларини қимирлатиш ҳеч нимани англатмайди. Эътиқоднинг аввали имон дейилади. Унинг охирги босқичи Абу Бакр р.а.нинг имони кабидир, агар у тарозининг бир палласига қўйилса ва бошқа палласига оламдаги барча одамларнинг имонини қўйилса, оғир келган бўларди. Зоро, имоннинг афзаллиги рўза ва намознинг кўплиги билан белгиланмайди, балки қалбда сақланадиган сири билан баҳоланади. Агар Аллоҳ тўғрисидаги илм чегараси муқаллид мутакаллим далилларни чиқариш воситасида ўргангандан эътиқод қиласада бўлса, Умар, Усмон ва бошқа саҳобалар бунга ожиздирлар. Шунинг учун Абу Бакр бу борада улардан энг яхиси бўлган. Бундан маълум бўладики, сўфийлар йўли ва услуби кўпчиликка ноаниқ бўлсада, шариат эса унинг фойдасига далолат беради. Жохил одам ўзининг жохиллиги ва қусурлари сабаб у билан баҳс қиласлиги лозим. Умуман, Аллоҳ маърифати барча маърифатларнинг мақсади ва барча мазҳаблардаги илмларнинг самараси ва мевасидир.

Бир киши масжидда ибодат қилаётган икки донишмандни кўрди. Улардан бири қўлида шундай ёзилган бир парча қофозни ушлаб турарди:

“Агар сен ҳамма ишни муқаммал қилаётган бўлсанг, токи Аллоҳ Таолони танимасанг ва токи Унинг барча сабабларнинг Сабаби (Мусаббиб ул-асбоб) ҳамда барча нарсаларнинг Яратувчиси (Мужид ул-ашёй) эканлигини билмасанг, бирор ишни яхши қилдим, деб ўйлама”. Бошқа донишмандда эса бундай ёзув бор эди: “Аллоҳ Таолони танигунимга қадар ичардим, аммо барибир ташна қолардим, токи Уни танидим ва ичмасдан чанқофимни қондирдим”.

Саккизинчи вазифа, толиб баъзи бир илмлар бошқаларига нисбатан шарафли эканлигини билиши лозим. У ёки бу илмнинг афзаллигини икки нарса кўрсатади: биринчиси, илм шарафининг натижаси (шараф ус-самара), иккинчиси, унинг далиллари мустаҳкам боғлиқлигидир (васоқат уд-далола). Бу худди дин ва тиббиёт илмларига ўхшайди: диндаги илмининг натижаси – абадий ҳаёт бўлиб, унинг охири йўқ ва у тиббиётдан афзалроқдир. Тиббиётнинг натижаси эса ўлимгача бўлган инсон ҳаёти ҳисобланади. Математика эса тиббиёт билан солиширганда далилларининг боғлиқлигига кўра обрўлироқ, чунки ундаги билимлар зарурӣ бўлиб, тиббиётдан фарқли ўлароқ тажриба билан боғлик эмас. Шу билан бирга тиббиёт натижасига кўра афзалроқдир, чунки тана саломатлиги микдор ўлчамини аниқлашдан кўра муҳимроқ. Аввало, натижага (шараф ус-самара), кейин эса далилларнинг мустаҳкам боғлиқлигига (васоқат уд-далил) қараш зарур. Натижасининг шарафига кўра Аллоҳ, фаришталари, китoblari, элчилари ҳақидаги илм ва бунга ёрдам берадиган билимлар ҳаммасидан устун туради, чунки унинг натижаси абадий саодат (самаратуху ас-саодат ул-абадия) ҳисобланади.

Тўққизинчи вазифа. Аслида, илмларнинг турлари (анвоъ ул-улум) учта:

Биринчиси, **илм ул-лафз**, сўз тўғрисидаги илм бўлиб, маълум бир маънога ишора қиласиди. Иккинчиси, **илм ул-маъно** фақат маънонинг ўзи билан боғлик. Сўз билан боғлик илм хислар воситасида маънони беради ва у

икки қисмга бўлинади: биринчиси, тил ҳақидаги илм (илм ул-луғат) бўлса, иккинчиси, ундан кейин келадиган морфология (илм ул-иштиқоқ вал-иъроб), синтаксис (илм ун-нахв ват-тасриф) ва шеърият тўғрисдаги фандир (илм ул-аруз вал-қавоғий). Бу фонетика (ал-илм би-маҳориж ал-хуруф) ва у билан боғлиқ билимларгача давом этиши мумкин. Сўз воситасида ифодаланадиган маъно билан боғлиқ илм эса баҳс (илм ул-жадал), мунозара, исбот келтириш (илм ул-бурҳон) ва нотиқлик (илм ул-хитоб) санъатидир. Ушбу билимларни ўрганадиган киши тилни, сўзларнинг маъносини ва уларнинг қандай тартибда келишини ҳамда ҳақиқий илмларни эгаллашга ва исботи бўлишига олиб келадиган низомда уларни қандай жойлаштиришни яхши билади. Улар баҳсда рақиб устидан ғалаба қозонишга ва қўзланган мақсадга эришишга ёрдам беради. Бу нарса насиҳат (хитоб) ёки танбех (ваъз) дейилади. Шунингдек, у қўрсатма (далил) ҳам деб аталади, чунки инсонларга нимага интилиш лозимлигини кўрсатади ва нажотга олиб борадиган эътиқодни шакллантиради. Бунга кўпгина хабарлар далолат беради ва Қуръон улардан исбот сифатида фойдаланади, у эса энг кучли далил бўлиб, инсониятнинг катта қисмига фойда келтиради.

Бироқ, энг ҳақиқий ишончли далилни ўз асрида кам учрайдиган ҳақиқий буюк олимлар (акобир ул-уламо ал-муҳаққиқин) тушуна олади. Баҳс тўғри йўлни кўрсатишда (иршод) энг кам фойда беради, чунки ҳақиқий олимга рақибининг кучли далиллар босими остида таслим бўлиши етарли эмас, аслида у бу фикрга қшилмаган бўлади. Жоҳил буни тушунмайди, унинг ақли англашга қодир эмас. Исёнкор ва мунозарачи эса кўпинча, ҳатто уни баҳсда енгиб, овозини ўчирсалар ҳам, ўз фикрида қолаверади ва ҳеч қачон ўз хатосини тан олмайди. Мазҳаб олимлари турли оқимлар ва гуруҳлар билан баҳсларда эслайдиган нарсалар баҳсли масалалар бўлиб, бу фиқҳшунос олимларнинг мунозараларига ҳам тааллуклиdir.

Учинчи илм тури маъно ва мазмун билан боғлиқ (**ал-мутааллик бил-маъно**) бўлиб, икки қисмга бўлинади: соф илмий ва амалий. Илмий бу Аллоҳни, фаришталарни, пайғамбарларни, яъни уларнинг даражалари, осмон ва ер мулкларини, Ер, инсон ва ҳайвонлардаги илохий аломатларни билиш; юлдузлар ва самовий жисмлар (ал-осор ул-улвия) тўғрисида билиш, барча мавжудотларнинг ташкилий қисмларини, уларнинг қандай тузилганлиги ва ўзаро боғлиқлигини билиш, кейин эса қандай қилиб буларнинг барчаси Биринчи Мутлақ Ҳақиқат (Ал-аввал ал-Ҳаққ ал-Муқаддас) билан боғлиқлигини билиш ҳисобланади. Ал-аввал эса бошқа нарсалар билан боғлиқликдан устундир. Шу билан бирга қайта туриш, қайта тирилиш, тўпланиш, жаннат, дўзах, сирот, мезон ва жинлар, шайтонлар ҳақида билиш ҳам шунга киради. Оддий одамлар бу сўзларни тўғридан-тўғри тушунадилар. Масалан, Аллоҳнинг Аршда бўлиши ва олам устида макон тутиши, унгача замон бўлганлиги, фаришталар ва шайтонлар, жаннат ва дўзахга доир охират ҳақида ўйлаб топганлари.

Ғаззолий шундай савол қўяди: “Буларнинг бари тасаввур қилганларидекми ёки хаёлотлари мисолими, буларнинг мавҳум зоҳирий маъносидан бошқа маъноси ҳам борми?”. Инсон бу масалаларни чукур ва аниқ ўрганиб чиқиши, унда бир томчи ҳам шубҳа қолмаслиги, тахминларни четга суриши лозим – бу илмлар соф назарий бўлиб (ал-улум ан-назария ал-мужаррада), амалий билан боғлиқ эмас.

Амалий кўриниши бу шариат аҳкомлари, фиқҳ илми ва набавий Суннатидир. Бу инсон ўзини ахлоқи билан қандай бошқаришни билиш (маърифат ун-нафс маъ ал-ахлоқ) ва оила, фарзандни бошқариш, таом ва кийим қандай бўлиши кераклигини билиш ҳисобланади. Яъни, майшат ва муомала – қандай яшаш ва муносабатлар қандай бўлишини билиш илмидир. Шунингдек, фиқҳ илми ўз ичига муносабатлар (муомалот), никоҳ ва жазолар (уқубот) соҳаларини олади.

Толиб илм турларини билганидан сўнг, уларнинг даражаларини билиши лозим бўлади. Бу умрини асосий мақсад бўлмаган нарсага ёки Аллоҳга яқинлаштиrmайдиган илмга сарфламаслик учун керак. Агар кимки сўз билан боғлиқ биринчи тур илм билан кифояланса, у фақат ташқи қобик, қуруқ пўчоқ (ал-қишр ул-маҳз) билан чекланиб қолади. Синтаксис, шеърият ва фонетика билан қаноат ҳосил қилган киши ҳам пўчоқнинг турлари билан қониқкан бўлади. Кимки ҳақиқий далил (ад-далил ул-ҳақиқа) қатъий ишончдан (ал-иқноъ) нима билан фарқ қилишини чуқур ўрганишга киришса, у муҳим иш билан шуғулланган бўлади. Бироқ, у шу билан чекланса, фақат ускуна ва восита билан чекланган бўлади. У худди ҳажга боришни ният қилган туж олиб, сув ва озиқ-овқатни тайёрлаб, уйида қолган кишига ўхшайди. Илм даражасини билиш муҳим ва зарур, чунки бу зарур восита бўлиб, агар у мақсадига кўра қўлланилмаса, фойдасиз бўлади. Бу худди агар урушда қурол ишлатилмаса яхшилик бўлмагани кабидир.

Амалий илмларни чуқур ўрганадиган ва шулар билан чекланган киши, ҳақиқатга тил ўрганаётган кишидан кўра яқинроқдир. Мутафаккир бунда фиқҳий илмлар назарда тутаётганлигини айтади. Фиқҳ тил илмидан кўра юқори ўринда туради, ўз навбатида тил ҳақидаги илм рақс ва най чалиш тўғрисидаги илмдан кўра юксак мақомни эгаллайди. Мисол келтирмай туриб буни тасаввур қилиш қийин. Агар хўжайин қули ҳаж қилганидан сўнг уни озод қиласман деса, бундан ташқари у бошқариш хуқуқига эга бўладиган бўлса, озодлик саодати ва ундан кейин келадиган нарсага эришиши учун бу қул уч босқични босиб ўтиши керак бўлади. Биринчиси, воситаларни тайёрлаб қўйиш: туж сотиб олиш, сув учун идиш тайёрлаш ва озиқ-оқат олиш. Иккинчиси, ўз ватанидан узоққа кетиш ва мақсади сари йўл олиш, доимий равишда бир манзилдан бошқасига бўлган масофани ошиб ўтиш. Учинчиси, ҳаж арконларини бирин-кетин бажариш. Шундан кейин қул озод бўлади, аммо унинг саодатга восил қилган мулки

ҳақли равища қўлга киритилиши лозим. У ҳаммасини босқичма босқич, бошидан тайёргарликдан то охиригача, ҳаракатни бошлагандан манзилга боргунча босиб ўтади. Шу билан бирга ҳажнинг арконини бажарган кишининг саодатга яқинлиги энди тайёргарликни бошлаган ва эндиғина сафарга чиққан кишининг яқинлиги каби эмас. Ҳаж давомида инсон ҳоли оддий одам ҳолидан фарқ қиласи. Унинг нафси комил ва ахлоқи пок бўлади, барча ёмон иллатлардан воз кечади. Нафс комиллигининг сабаби эса – унга ҳақиқатларнинг очилишида (инкишоф ул-ҳақоик). Юқорига кўтарилишга (риёсат) олиб келган мулкни бу ерда ўлим билан қиёслаш мумкин. У инсон ва унинг ўз нафсини, комиллиги ва гўзаллигини мушоҳада қилиш ҳолати ўртасидаги пардани кўтаради ҳамда у ўзини жаннат чўққисида кўради. Бундан у хурсанд бўлиб, унинг сурури абадий бўлади. Кимки йўлни бирин-кетин, манзил ба манзил босиб ўтса, ундай одамни ўз нафсини ёмон хулқ ва сифатлардан кетма-кет тозалаб комил бўлаётган ёки назарий билимларни бирин-кетин ўрганаётган кишига ўхшатиш мумкин. Сув учун идишларни тайёрлаб қўйиш, озиқ-овқат ва туюни сотиб олиб қўйиш – бу фикҳ ва филология каби қолган илмлардир. Фикҳни ўрганаётган киши худди сув идишларини тайёрлаш билан чекланган одамга ўхшайди. Тилшунослик билан чегараланган киши эса худди сув идишлари тайёрланадиган тери ошловчига ўхшайди. Фикҳнинг қисмлари ва ихтилофларини ўрганадиган киши, лекин саҳобалар даврида бу ихтилофлар йўқ эди, худди идишни иплар билан қаттиқ тикиб, мустаҳкамлайдиган кишига ўхшайди.

Газзолий агар ушбу фикрлар ислом фақиҳларининг эътиқодига хилоф дейилса, бу мазҳаб фикрлари бўлиб, у тасаввуфдир, деб жавоб бераман дейди. Фақиҳларнинг барчаси, ҳатто сўфийлардан бўлмасаларда, ушбу мисол ёритиб берадиган қарашда ҳамфикрдирлар. Сўфийлар гапи ҳақми ёки йўқ? Мутафаккир, ҳақиқатни исботлашни мақсад қилмаганини, балки насиҳатлар тўпламини тузганини ва ғофил, эътиборсиз одамларга

ишора қилиб, нимага интилиш лозимлигини кўрсатади. Инсон токи бу насиҳатларда нима борлигини унутмаслиги лозим, чунки бу фақат йўлнинг бошида имкони бордир. Шунинг учун ҳақиқатни изловчи шогирд (ал-мутааллим ал-мустаршид) унинг сирини очиш ва унда яширинган ёмонликни билиш учун ўргансин.

Фаззолий айтади: “Агар киши “Мен тасаввуфга эътиқод қилмасам ва мансуб бўлмасам ҳам, умримни фиқҳни унинг ихтилофлари ва оқимлари билан ўрганишга сарфлай олмайман, чунки сўфийларда у жуда паст даражага тушиб кетган” деса, мен бу фикрга қўшиламан”. Унда нега сўфийлар тасаввуф зарур дейдилар? Шунинг учунки, инсон саодатнинг нафсадаги нарсадан қутулиш ва яратиш билан боғлиқлигини билса, воситаларни тайёрлаб қўяди. Нафсада бўлмаслиги керак бўлган нарсалардан қутулиш ва уни поклаш ҳамда ҳақиқатларни кашф қилиш орқали нафсни комил қилиш лозим. Бу эса хулқни тарбиялаш, ахлоқни яхшилаш, Аллоҳнинг яратганлари, осмонлар ва ер мулкини тафаккур қилиш орқали, токи уларнинг асрори ва ҳақиқати очилмагунча содир бўлади. Фиқҳга эса эҳтиёж бор, чунки унга тана муҳтождир. Зоро, тана организмлар ҳақидаги илмсиз (ilm ул-абдон) мавжуд бўлолмайди, бу – тиббиёт. Динлар тўғрисидаги илм (ilm ул-адъён) эса фиқҳdir, чунки инсон шундай яратилганки, у йиртқич ҳайвон каби бир ўзи яшолмайди. У овқат, либос ва бошқа нарсаларни тайёрлаш каби ишларда бир-бирига ёрдам берадиган инсонлар жамоасига муҳтож. Агар одамлар биргаликда тўплансалар, муносабатларда адолат ва қонунларни ўрнатиш зарурияти туғилади, улар бунга мурожаат қиласидар. Агар адолат ва қонун бўлмаганида, одамлар баҳслашган, урушган ва охир-оқибат ҳалок бўлган бўлардилар. Фиқҳ шу қонунни батафсил кўриб чиқиш ва тушуниришdir, у ўзида никоҳ, муносабатлар ва жазо тайинлаш бобларини мужассам этган. Танани Аллоҳ томонга қараб ҳаракатланганида ҳаж йўлига отланган тужа ва ичимлик суви тўлдирилган идишга ўхшатиш мумкин. Танадан келадиган

фойда түядан келадиган фойда кабидир. Бадан билан боғлиқ илм худди сув учун мешларни тикиш, уни тайёрлаш ва тозалаш билан боғлиқ ҳунарга ўхшайди. У илмнинг мақсадига нисбатан даражаси эса ўша ҳунарнинг мақсадига нисбатан даражаси кабидир, агарки, уларнинг йўл, тайёргарлик ва охирги мақсад ҳақида айтганлари тўғри бўлса.

Сўфийлар айтадилар, агар Аллоҳнинг иродаси дунёning ривожланиши бўлмаганида эди, пардалар кўтарилиган бўларди ва инсонлар ғафлати йўқоларди, барча одамлар мақсаддан узоқда эканликларини унутиб, Аллоҳга юзланар эдилар, аммо ҳозир ҳар бир киши “борига хурсанд бўлади” (Рум, 30:32). Олам ҳам шунинг устида турибди, акс ҳолда одамлар бирор нарса ишлаб чиқармай қўйган бўлардилар. Агар тикувчи, тўқувчи ёки сартарош ўз ҳунари ҳақида ўйламаса, ўз касбини севмаса, уни тарк қиласи ва ҳамма шарафлироқ нарсага интила бошлайди, шу билан барча ҳунарлар йўқолиб кетади. Бу ҳунармандларнинг мавжуд бўлиши учун зарур бўлиб, уларнинг қайсиdir маънода ғафлати ҳам Аллоҳнинг марҳамати хисобланади. Бунга баъзи олимлар пайғамбар а.с.нинг ушбу сўзларини нисбат қилганлар: “Умматимнинг фарқланиши – раҳмат”, бу ерда уларнинг фаолияти турларидаги фарқ назарда тутилган. Агар кўча тозаловчи ўз касбининг ҳақиқатини билганида эди, уни тарк қилган бўларди ва олимлар, халифалар ва авлиёларнинг ўзларига шу ишлар билан шуғулланишга тўғри келган бўларди. Худди шундай тери ошлаш, темирчилик, дехқончилик ва бошқа касб ҳамда ҳунарлар билан шуғулланардилар. Агар Аллоҳ одамларда фикҳ, грамматика, фонетика ва тиббиётга нисбатан муҳаббатни жо қилмаганида, бу фанлар йўқолиб кетиб, бутун тартиб (ан-низом ул-куллий) бузилган бўларди.

Ўзини илмга ва ҳунарга бутун борлиги билан бағишлаган киши ўзидан даражаси юқори бўлганга нисбатан ўз даражасини билиши шарт эмас, аммо ўзидан паст рутбада турганга нисбатан мақомини билса майли. Илмларнинг даражаларини барча илмларни эгаллаган киши кўради, унга

Аллоҳ ҳикмат берган ва ашёлар аслида қандай бўлса, шундай кўрсатган. Инсон шундан сўнг сўфийлар йўлидан (сулуку тариқ) бориб, унинг Ҳақнинг ҳақиқатни (ҳақиқат ул-Ҳақ) билиш учун излайдими ёки ҳозирги ҳолати билан чекланадими, бу унинг ихтиёри, дейди Ғаззолий.

Ўнинчи вазифа. Толиб ҳозирда нимадан таълим олаётган бўлса, барчасида мақсади нафс камолоти ва хулқини яхшилаш, охиратда эса Аллоҳга яқинлик бўлиши лозим. Шогирднинг мақсади ҳокимият, бойлик, аҳмоқлар олдида мақтанчоқлик ёки олимлар билан тортишиш бўлмаслиги керак, чунки пайғамбар а.с. айтган: “Кимки илмни аҳмоқлар олдида мақтаниш ва олимлар билан баҳсласиши учун ўрганса, дўзахга тушади”.

Илмлар даражаси ва Аллоҳга яқинлаштиришига кўра фарқланади. Уруш даврида чегарани қўриқлаш ва ҳимоя қилиш қаби илмлар билан ҳам шулар сирасига киради. Агар ҳар бир киши ўз даражасини билса, унинг ҳаққини адо этса, шу билан Аллоҳ ризосига интилса, ўз мукофотини олади. Зоро, унинг илми миқдоричалик дунё ва охиратда юксакка кўтаради. Аллоҳ айтади: “Аллоҳ сизлардан имон келтирганларни ва илм берилганларнинг даражаларини кўтарур” (Мужодила, 58:11).

Сўфийларнинг фикри толибнинг илмга бўлган ғайрат ўтини совутмаслиги лозим, чунки улар илмдан ор қилмайдилар, аммо ҳар бир мусулмон илмни хурмат қилиши ва улуғлаши зарур. Сўфийларнинг айтганлари, авлиё ва анбиёлар мартабаси, уларнинг даражаларига тегишли. Бу худди бирор кишининг саррофларни (пул айирбошлайдиганлар) султон ва вазирлар билан таққослаган ҳолда, уларга нафрат назари билан қараганидек. Аммо бу уларнинг мавқеи ва даражаси пастлигини англатмайди. Агар уларни кўча супирувчилар ва тери ошловчилари билан таққослаганда, улар юқорида туриши аён бўлади. Албатта, юқори даражадагига нисбатан пастда турган, паст бўлмайди, чунки энг юксак мартаба (ар-рутбат ул-қусва) – бу пайғамбарлар, сўнг авлиёлар, сўнг олимлар даражасидир. Уларнинг мартбалари ҳар хилдир, кейин эса

солиҳлар – амаллари яхши бўлганлар турди. “Бас, ким зарра оғирлигига яхшилик қилса ҳам қўради” (Залзала, 99:7). Илмлар орқали Аллоҳга яқин бўлишга интилган кишига У ёрдам беради ва шаксиз уни юксакка кўтаради. Бу илм олувчининг (ал-мутааллим) вазифаларидир.

Устоз ва муршиднинг (ал-муаллим ал-муршид) вазифалари саккизта. Бироқ, инсоннинг худди мол-мулкка эга бўлаётган киши сингари илмда тўрт ҳолати бордир. Биринчиси, мол соҳиби фойда олувчи бўлиши мумкин, яъни у эгалик қилади (муктасибан). Иккинчиси, қўлга киритган нарсасидан захира қилса, сўрашга эҳтиёжи қолмайди. Учинчиси, ўзига сарфласа, фойда қилади. Тўртинчиси, қачон у пул тарқатиб бошқаларга фойда келтирса, у сахий ва олийжаноб (сахийдан мунфазилан) бўлади, бу эса унинг аҳволининг энг афзалидир. Илм бу ерда молу давлатга ўхшайди: унинг эгаси фойда олиши мумкин, агар ўзига кераклисини олган бўлса, у бирордан бирор нарса сўрашга эҳтиёж сезмайди. Ёки олган нарсаси тўғрисида тафаккур қиладиган ҳоли, ёки бошқаларга қўрсатма ва таълим бериш ҳоли бўлса – бу энг юксак ҳолдир. Кимки илм олиб, улардан фойдаланса ва бу билан бошқаларга фойда келтирса, худди куёш ўзи ва бошқалар учун ёритиб, ўзи ҳам ёруғ қолгани ёки мушк бошқаларга ўз ифорини бағишлиб, ўзи ҳам хушбўй бўлгани кабидир. Бошқаларга фойда келтириб, ўзи фойда кўрмаган киши эса худди дафтар каби, бошқалар ундан фойдаланади, ўзи эса бундан фойда кўрмайди, ёки эгов каби, бошқа нарсаларни ўткир қилиб, ўзи кесмайди, ёки чироқнинг пилиги каби, бошқаларга нур беради, аммо ўзи ёниб тугайди.

Устознинг биринчи вазифаси у шогирдига худди ўғлидек муносабатда бўлиши керак. Пайғамбар а.с. деган: “Дарҳақиқат, мен сизларга ўғил учун ота қандай бўлса, шу кабидирман”. Шунинг учун шогирд отасидан кўра устозининг ҳаққи кўпроқ деб ўйлаши лозим, чунки у боқий ҳаётининг сабаби, ота эса унинг фоний ҳаётининг сабабидир. Худди шундай Искандардан: “Ким сен учун қадрли – устозингми ёки

отанг?” деб сўраганларида, “Устозим”, - деб жавоб берганди. Бир отанинг фарзандлари бир-бирларини яхши кўришлари ва жанжаллашмасликлари лозим бўлганидек, нафақат устознинг фарзандлари, балки бир диннинг фарзандлари ҳам ҳақларини адо этишлари керак. Олимларнинг ҳаммаси Аллоҳга сафар қилувчилар (мусофирун) ва шу йўлдан борувчилардир (соликун). Йўлда бир-бирига ҳамроҳлик қилиш яхши муносабатни талаб қиласи, яхшилик йўлидаги биродарлик эса туғишганлик биродарлигидан кўра устунроқдир. Одамларнинг бир-бири билан зиддиятининг сабаби эса улар илм орқали бойлик ва ҳокимиятга интиладилар, бу билан улар Аллоҳ йўлидан четга чиқадилар. Улар Аллоҳнинг ушбу сўзидан оғадилар: “Албатта, мўъминлар биродардирлар” (Ҳужурот, 49:10). Уларга ушбу сўзлар тўғри келади: “Ўша кунда тақводорлардан бошқа дўстлар бир-бирига душмандир” (Зухруф, 43:67).

Устознинг иккинчи вазифаси, у Аллоҳнинг пайғамбарига ўхшашга ҳаракат қилиши ва таълим бергани учун мукофот ҳамда ҳадя сўрамаслиги лозим. Оятда келганидек: “Мен сизлардан бунинг учун ҳақ сўрамайман, деб айт” (Анъом, 6:90). Бойлик ва дунё неъматларини излайдиган одам худди пойафзалининг пошинасини юзи билан тозалайдиган кишига ўхшайди. У хизматкорни хўжайинга айлантиради, чунки Аллоҳ таом ва либосни тананинг хизматкори, танани эса улов (марқаб) қилиб яратган ва у руҳнинг (нафс) хизматкори қилиб қўйилгандир. Худо руҳни илмнинг хизматкори қилиб қўйган. Илм хизматкор (ходим) эмас, хўжайниндир (маҳдум). Мол-давлат эса хўжайнин эмас, ходимдир. Агар бунинг акси бўлса, залолат, мутлақо адашиш бўлади. Ҳайратланарлиси шуки, инсон орқага қараб ҳаракатланаётганлиги ва бу замонда олимлар камлиги сабаб, манфаат кўриш мақсадида толиб ўз устозига тақлид қила бошлади ва устози олдида фойда олиш ўрнига дунё неъматларига интилган ҳолда ўтиради, бу эса ҳақиқий айниш, бузилишдир (ал-интикос). Бунинг сабаби эса ўқитувчиларнинг ҳокимиятга (риёсат) ва шогирдлар илмининг қусури

ҳамда етишмаслиги туфайли ва уларнинг ўз илмидан хурсанд бўлмаслиги сабабли, шогирдлар сонини қўплиги билан ўзларини безашга бўлган интилишларидир. Шунинг учун ўқувчилар уларга интиладилар.

Учинчи вазифа, устоз ўз шогирдидан ҳеч нарсани яширмаслиги керак, аммо уни тўғри йўлга бошлиши, ёмон ахлоқдан сақлашга ҳаракат қилиши, ишора (ат-таъриз) ва тушунтириш (ат-тасрих) орқали ёмонликдан қайтариши лозим. У шогирдига ўзи лойик бўлган даражадан юқори турган мартабага интилишни ва қурби етмайдиган ишни қилишни тақиқлаши, унинг эътиборини барча илмларни ўрганишга қаратиши керак. Зоро, бу дунё истаги ва бойликлари эмас, охират саодатидир. Агар ўқитувчи кимнидир фақат ҳокимиятга эришиш ёки олимлар билан баҳслashiш учун таълим олаётганини кўрса, уни илмдан четлаштирмаслиги лозим, чунки толибнинг шу ниятда таълим олаётганлиги, умуман ўқимаганликдан кўра яхшироқдир. Нима бўлганида ҳам, илм олаётдиган киши охират ҳаёти билан ашёларнинг ҳақиқий моҳияти (ҳақоқ ул-умур) ҳақида ўйлай бошлайди. Дарҳақиқат, фақат дунё неъматлари учунгина илмга интиладиган киши алданган, бенасибдир. Олимлар шундай дейдилар: “Биз Аллоҳ учун илм олмадик, аммо илм Аллоҳдан бошқаси учун бўлишни истамади”.

Ғаззолий айтади, агар одамлар Аллоҳ учун ўқишни хоҳламасалар, уларни ҳокимиятга олиб келадиган илмларни ўрганишга жалб қилиш керак, яъни уларни мансаб (риёсат) билан қизиқтириш лозим, шундан сўнг секин-аста ҳақиқатни уларга очиш зарур. Шунинг учун фиқҳда мунозара илмига рухсат берилган. Бинобарин, аввал бу илм билан мақтаниш учун шуғулланадилар, кейин эса инсон ўз мақсадининг бузук (фасод) эканлигини тушунади ва тўғри йўлга чиқиб, тузалади. Бу худди болани ҳокимият –риёсатга эришиши учун таълим билан қийнашга ўхшайди, шу билан бирга у ўйин таёқ (савлажон), қуш ва ўйинчоқлар сотиб олиб бериш билан қизиқтирилади. Бу иш токи бола илм олишга қизикиши, оқибатда

эса охирги мақсадга интилиши учун баъзи вақтда қўлланади. Аллоҳ шариат ва илмни сақлаб қолиш учун инсонда илм ўрганиш орқали ҳокимиятга интилиш истагини (қасд) яратган. Ўқувчиларни ҳокимият ва шуҳрат (ар-риёсат ва ҳасан уз-зикр) билан қизиқтириш орқали илм олишга рағбатлантириш худди насл ва турни давом эттириш учун Аллоҳ яратган таомга бўлган иштаҳа ва жинсий майлга (шаҳват ул-ғизоъ ван-никоҳ) ўхшашдир. Агар мунозарадан бу фойда бўлмаганида эди, унга умуман рухсат берилмаган бўларди. Бу эса мазҳабнинг ўзгаришига ва эътиқодни тарк қилишга олиб келмайди.

Тўртинчи вазифа, ўқитувчи ўқувчига тақиқланиши керак бўлган нарсани тўғридан-тўғри (тасриҳ) эмас, ишора (таъриз) билан тақиқлаши лозим. Чунки ишора (таъриз) тақиқланган нарсаларни тарк қилишга ёрдам беради. Агар одамга тўғридан-тўғри тақиқласалар, у янада кучлироқ тақиқланган нарсани билишга ҳаракат қиласи. Пайғамбар а.с. айтади: “Агар одамларга тезакни майдалашни тақиқлассанг, улар бу ишни қиласида ва шу билан бирга: “Бизга буни унинг ичида нимадир борлиги учун тақиқласилар” деб айтадилар”. Бу хақда Одам ва Ҳавво қиссаси ва уларнинг тақиқни бузганлари ҳам ҳикоя қиласи. Олимлар ишора айтишдан кўра кўпроқ таъсир қиласи дейдилар. Олийжаноб руҳлар (ан-нуфус ул-фозила) яширин нарсаларни (ал-хафийёт) кўриш, англаш (ал-истинбот) ва юзага чиқариш, кашф қилишга (ат-танаббуҳ) бўлган ўзларининг муҳаббатлари туфайли фикр юритиб, унинг асл маъносини тушуниш учун ишорани афзал кўрадилар. Бундан ташқари ишора хурмат, ҳайбат пардасини (хижоб ул-ҳайбат) сақлайди, яққол сўзлар (тасриҳ) эса уни тўлиқ очиб беради, бу эса одамга бўйсунмаслик учун куч ва журъат бағишлийди, келгуси сафар эса у албатта қарши боради.

Бешинчи вазифа. Маълум бир илм билан шуғулланадиган киши, шогирдлари олдида бошқа фанларнинг обрўсини туширмаслиги лозим. Кўпинча ва тез-тез содир бўлиб турадиган нарса, тил ўқитувчиларининг

одати ўз ўқувчилари олдида фиқхни ёмонлаб, у билан шуғулланишни тақиқлайдилар. Фақихлар эса рухий-тарбиявий фанларни (ал-улум ул-ақлия) сўкиб, ўқувчиларига у билан шуғулланишни ман қиласидилар. Аслида улар шогирдларига қадри устун бўлган илмни кўрсатишлари керак, тики талабалар ҳозирда таълим олаётган фанларини камолига етказгач, у билан шуғуллансинлар. Агар устоз иккита фан бўйича илмга эга бўлса, улардан бири бўйича таълим беришни якунлагач, тартибга риоя қилган ҳолда бошқаси бўйича шогирдининг илмини оширсин.

Олтинчи вазифа. Устоз шогирдлари англай оладиган ҳолат билан чегараланиши ва улар кирган йўлнинг энг бошида, биринчи рутбада яққол нарсаларнинг нозик жиҳатлари (ад-дақиқ мин ал-жалий) ҳамда аниқ бўлган нарсаларнинг яширин лаҳзаларигача (ал-хафий мин аз-зоҳир) шогирдлари билан бормаслиги лозим. Бироқ, уларнинг башарият Муалими ва муршидига ўхшашга интилиб, тайёр бўлиши миқдорига қараб сирлар очиб борилади. Пайғамбар а.с. дейди: “Биз набийларга одамлар нимага лойик бўлса, ўшани етказиш ва уларнинг ақллари даражасида тушунтириш буюрилган эди” ва “Агар бирор киши одамларга нутқ сўзласа, улардан бир қисмининг ақли етмай, тушунмаса, бу улардан баъзисининг қалбига солади”. Ҳазрат Али р.а. кўксига ишора қилиб деди: “Дарҳақиқат, бу ерда илм шунча кўпки, кошки уни кўтариб юрадиганларни топсайдим”. Расулуллоҳ ҳам айтади: “Одамларга ўзлари билган нарсалар билан мурожаат қилинг ва улар инкор қиласидан нарсани қўйин. Наҳотки, Аллоҳ ва унинг элчисидан юз ўгиришларини хоҳласангиз?!” . Аллоҳ дейди: “Агар Аллоҳ уларда бирор яхшиликни билганида, албатта, эшиттирас эди” (Анфол, 8:23). Ҳақиқат аҳли бўлган кишидан бир нарса ҳақида сўрадилар ва у жавоб беришдан бош тортди. Шунда сўраган киши деди: “Наҳот сен расулуллоҳнинг: “Кимки фойдали илмни яширса, қиёмат куни оловли жиловда келади” деган сўзларини эшитмаган бўлсанг?”. Олим жавоб қайтарди: “Жиловни қўй ва кет! Агар менинг олдимга тушунадиган киши

келса, мен ундан яширсам, майли унда мени жиловласинлар. Зеро, Аллоҳ айтади: “Молларингизни эси пастларга берманг” (Нисо, 4:5). Яъни, бу ерда илмни ҳимоя қилиш ва уни илм туфайли бузилиши мумкин бўлган кимсадан асраш муҳимлигига ишора қилинади ва яна айтади: “Агар уларнинг эс-хуши жойида эканини билсангиз, уларга ўз молларини топширинг” (Нисо, 4:6), бу билан илмда маълум бир даражаларга етган одамга ҳақиқий илмларни бериш ҳамда у билан биргаликда яққол аниқ, тушунарли (ал-жалий аз-зохир) нарсадан яширин ва мукаммал (ад-дақиқ ал-хафий ал-ботин) нарсага кўтарилиш зарурлигига ишора қилинади. Ва бу нарсага лойиқ бўлган кишига (ал-мустахиқ) бермаслик адолатсизлик бўлади, лекин шунингдек, бунга нолойиқ кишига бериш ҳам адолатсизликдир. Мутақаддимлардан бири айтган:

Фа ман манаҳа ал-жаҳҳол илман изоъаху,
Ва ман манаъ ал-муставжибина фақад залам.

(Мазмуни: Кимки жоҳил билан илмини бўлишса, уни йўқотади; кимки, бунга лойиқ кишиларга уни бермаса, адолатсизлик қилган бўлади)

Ва илмлар ҳақиқатини (ҳақоик ул-улум) унга лойиқ бўлган кишилардан яшириш – гуноҳи азим”. Аллоҳ айтади: “Аллоҳ китоб берилганлардан, албатта, уни одамларга баён қиласиз ва беркитмайсиз, деб аҳд олган” (3:187).

Еттинчи вазифа. Англаши қийин бўлган ўқувчига унинг фахми етадиган нарсани гапириш лозим ва унга: “Мен сенга айтган нарсада чукур таҳқиқ ва тадқиқ бордир, мен уни сендан яшираман” демаслик керак. У буни тушунмаслиги мумкин, аммо токи ўзлаштириб, бошқа даражага кўтарилимагунча бу ҳаммаси деб ўйлаши лозим. Бундан шариатга амал қиласидиган, зоҳирга эътиқод қиласидиган ва яхши хулқقا ишонадиган оддий, авом одам билан қандай муомала қилиш маълум бўлади: унинг эътиқодидан чалғитмаслик, зоҳирда аён бўлган нарсаларни шарҳлашга ишора қиласмаслик лозим. Бу эса унинг шариатдан озод бўлишга ҳаракат

қилишига олиб келиши мумкин ва кейин уни қайтариш имконсиз бўлади, у билан ёмонликнинг ўртасидаги тўсиқ йўқолади, у шайтон ва ёвуз одамга айланади. Аммо унга ибодатнинг ганиқ масалаларини, ўзи шуғулланадиган ҳунарда тўғри ва омонатли бўлишни ўргатиш лозим, шунда унинг қалби Қуръонда айтилганидек, яхшилик (рағбат) ва қўрқувга (раҳбат) тўлади. Унинг қалбida шубҳа пайдо қилмаслик керак, агар шубҳа пайдо бўлиб, ўқувчи уни ҳал қилмоқчи бўлса, уни ишонтириши мумкин бўлган оддий сўзлар орқали, улар ҳақиқий далил бўлмасада, шубҳадан халос бўлиш керак. Шу билан бирга унга изланиш ва ўрганиш эшигини очмаслик лозим, чунки бу ернинг ривожланишига ёрдам берадиган ва одамларга фойда келтирадиган фаолиятига зарар келтириши мумкин. Сўнг шу билан чегараланиш керак, агар у ўзини маънавий ҳақиқатларни қабул қилишга тайёрлигини ва закийлигини намоён этса, токи у барча шубҳалардан халос бўлмагунча таълим олишида ёрдам бериш мумкин.

Ҳикоя қилинишича, олдинги ҳалқларнинг бирида таълим беришдан олдин ўқувчининг ахлоқини текширганлар, агар унда ёмон бир хулқни топсалар, унга илм олишни қатъяян ман қилганлар. Улар илм бу ҳолатда ёмон хулқ томонидан ишлатилади ва у ёвузык қуролига айланади, дердилар. Агар улар унинг ахлоқи яхшилигини кўрсалар, уни илм уйига (дор ул-илм) қамаб қўярдилар ва уни қўйиб юбормасдан таълим берардилар. Улар ўқувчи илмнинг бир қисм билан чекланишидан, нафси комил бўлмаса, ўзининг имони ва бошқаларнинг динига зарар келтиришидан хавфсираганлар. Шунинг учун айтилади: “Аллоҳдан яrim мутакаллим ва яrim табибдан ҳимоя қилишини сўраймиз, чунки униси динни бузади, буниси эса дунё ҳаётини”.

Саккизинчи вазифа. Шариат бўйича амалий илмлардан таълим берадиган ўқитувчи ўзи ўқитадиган нарсага амал қилиши, сўзлари амалларига тескари бўлмаслиги лозим, акс ҳолда одамлар унинг кўрсатмалари (ал-истиршод) ва тўғри йўлга бошлишидан (ар-рушд)

четлаша бошлайдилар. Бунинг сабаби амаллар кўз билан кўрилади, илм эса ақл (басират) билан. Зеро, кўз билан кўрадиганлар (асҳоб ул-абсор) ақл билан кўрадиганлардан (арбоб ул-басоир) кўпроқдир. Шунинг учун устоз илмини яхшилаш ва уни тарқатишдан кўра хайрли амалларини кўпайтириш ғамини ейиши лозим. Агар табиб бирор нарсани истеъмол қиласа-ю, одамларга: “Буни еманглар, чунки у кучли заҳардир” деб, тақиқласа, табиб уларнинг устидан кулиб, мазах қиласяпди, аслида эса бу энг фойдали нарса бўлганлиги учун ҳам ўзи ундан фойдаланмоқчи деб ўйлайдилар. Шунда тақиқ алдов (ифроъ) ва рағбатлантиришга (таҳриз) айланади. Насиҳат олувчини ўгит берадиганга нисбатан муносабатини лойнинг муҳрга ва соянинг дараҳт шохига нисбатан муносабатига қиёслаш мумкин. Қандай қилиб нақши бўлмаган нарса лойда из қолдириши мумкин ва қандай қилиб соя тўғри бўлсин, агар шох эгри бўлса? Шунинг учун дейдилар:

Ла танҳи ан хулқин ва таъти мислаху,

Оърун алайка иза фаалта азим.

(Мазмуни: Ўзинг тарк қилмаган нарсани қилишни тақиқлама, агар сен буни қилмасанг, шармисорлигинг буюк бўлади)

Ҳикмат аҳли айтадиларки, олимнинг гуноҳи бошқа бировларга нисбатан оғирроқдир, чунки у ўрнак бўлади ва унинг гуноҳлари оғирлигига бошқаларнинг гуноҳи кўшилади. Пайғамбар а.с. айтганидек: “Ким ёмон иш қилишни бошласа, унинг ва ўзига эргашган бошқаларнинг юкини то Қиёматга қадар кўтариб юради”. Ҳар бир маъсият қиладиган киши икки ишни қилиши – гуноҳ қилишни ва уни кўрсатишни тарк қилиши зарур. Агар гуноҳни ошкора қиласа, ушбу икки вазифани, агар гуноҳини яширишга харакат қиласа, битта вазифани тарк қилган бўлади. Шунинг учун Али р.а. дейди: “Мени икки киши ўлдиради: бири – тақводор жоҳил, иккинчиси – ахлоқсиз олим, чунки жоҳил одамларни ўзининг яхши хулқи билан, олим эса ахлоқсизлиги билан тортади”.

VI. БОЙЛИК, ФАМ-АНДУХ, ЎЛИМ ВА СОЛИКЛАР МАНЗИЛИ Бойликка эга бўлишда амал қилиниши керак бўлган вазифалар тўғрисида

Ғаззолий дунё муҳаббати барча хатоларнинг бошидир, дунё ҳаётида охиратда йиғиш учун экилади, унда ҳам фойдали неъматлар (ал-хайр ун-нофиъ) ва ҳам заҳри қотил (ас-самм ун-ноқиъ) бор, дейди. У худди морбоз ушлаб олиб, заҳридан заҳарни кесадиган дори (тарёқ) тайёрланадиган илонга ўхшайди, агар илонни жоҳил ушласа, унинг заҳри жоҳилни нодонлиги сабабли ўлдиради. Айтадиларки, бойлик ўрта неъматлардандир (ал-хайрот ул-мутавассита), чунки у бир томондан фойда ва бошқа томондан эса зарар келтиради. Шунинг учун ундаги фойдали жиҳатни эътиборга олиб, зарарли жиҳатини эътиборсиз қолдириш ярамайди. Бунинг асоси бойликнинг нима мақсадда яратилганлигини билиш ҳисобланади. Зоро, ҳамма нарсанинг асоси ашёларнинг ҳақиқатини билишдир (ал-илм би-ҳақоик ал-ашёъ). Охират саодатига интилган кишига даромад қилиш ва уни харж қилиш жиҳатидан вазифалар юкланади. Қўлга киритиладиган нарсанинг (ал-мутановал) қадри уни олиш пайтида вожиб бўлган ният билан белгиланади.

Биринчи вазифа, бойликнинг даражасини билиш ҳисобланади. Инсон бу дунёда уч нарсани қўлга киритади:

- 1. Нафсия, яъни руҳоний ашёлар.**
- 2. Бадания – инсон танасига тегишли нарсалар.**
- 3. Хорижия, яъни ташқи нарсалар.**

Хорижий даражасига кўра энг паст саналади, бойлик эса – ташқи нарсалар жумласидан. Улардан ҳам энг пасти дирҳам ва динорлар, яъни пуллардир. Улар бошқаларнинг хизматчиси бўлиб, уларга эса ҳеч ким хизмат қилмайди, чунки нафс илм ва руҳоний фазилатларга (ал-илм ал-фазоил ан-нафсия), уларга эга бўлиш учун хизмат қилади, тана нафсга хизмат қилиб, унинг воситаси ва қуролига айланади, таом ва либослар

танага хизмат қиласи, динор ва дирхамлар эса овқат ва кийимга хизмат қиласи. Таомнинг мақсади тана тириклигини, умрни давом эттириш ҳисобланиб, тана эса нафс комиллигига ёрдам беради. Кимки бу тартибни билиб, унга риоя қиласа, у бойликнинг қадр-қимматини билади. У одам бойликнинг даражаси ва шарафи нафс камолотида (камол ун-нафс) зарурлигига эканлигини тушунади. Кимки ашёнинг нима учун қўлланилишини билса ва шу мақсадда ишлатса, у мақсадига эришиш учун зарур бўлган миқдор билан чекланиб, бутунлигича фақат бунга берилмайди. Шу билан Аллоҳ бойликни ҳам қоралаб гапирганини, ҳам мақтаганинги кўриб, унда шубҳа пайдо бўлиши мумкин: “Ва билингки, молларингиз ва фарзандларингиз фитнадан ўзга нарса эмас” (Анфол, 8:28), “Ва сизга молу мулк ва бола-чақа ила мадад беради” (Нуҳ, 71:12).

Бойлик охиратда саодатга эришиш воситаси эканлигини нуқтаи назаридан – неъмат, охиратдан чалғитувчи эканлиги жиҳатидан эса – ёмонлиқдир. Шунинг учун расулуллоҳ: “Солиҳ мол-мулк қандай яхши!” деган бўлса, Аллоҳ: “Молларингиз ва болаларингиз сизни Аллоҳнинг зикридан чалғитмасин. Ким шундай қиласа, бас, ана ўшалар ютқазувчилардир” деб айтади (Мунофиқун, 63:9). Ўз улови учун арпа йифиб, сўнгра уни унугдиган ва арпа донини санашни бошлаган киши қандай қилиб ютқазмасин? У ўз атрофида девор ясади ва ҳайвони очликдан ўлади, бу дунё хаёти охиратдан қандай чалғитишига мисол бўлади ва бу энг катта йўқотишдир. Аммо бу барча одамларга хос бўлиб, улар дунё гўзаллиги билан алданадилар ва унинг лаззатларига бутунлай бериладилар.

Ривоятга кўра бир гуруҳ одамлар кемада энг яхши мамлакатга йўл оладилар. Улар у ерда энг юқори мартабага эришишлари керак бўлади. Аммо кема уларни шер ва йўлбарслар кўп бўлган оролга олиб келади. Уларга оролга тушиб, покланиш буюрилади ва улар оролдаги хавфдан огохлантириладилар. Улар чиройли тош ва гулни кўриб қоладилар. Бу жой

уларга жуда ёкиб қолади ва бу ерни жуда севиб қоладилар. Шу сабабли улар кемадан узоққа кетиб қоладилар, шунингдек, кемани, мақсадлари ва қаерга кетаётганларини унутадилар. Улар ўйнаб-қувнашни давом эттирилар ва токи тун тушмагунча, кема кетиб қолганини сезмадилар. Арслонлар уларга ташланди, уларга на тош ва на гул ёрдам берди. Улардан бири дод соларди: “Кошки тупроқ бўлиб кетсам” (Наба, 78:40), бошқаси эса: “Молу мулким мени сақлаб қола олмади. Менинг султоним ҳам ҳалок бўлди” (Ҳаққа, 69:28-29) ва учинчиси: “Аллоҳ ҳақида йўл қўйган камчиликларим учун надомат бўлсин” (Зумар, 39:56). Ахири уларда ҳасрат ва надоматдан, илонлар билан қўшничиликдан, шармандалик ва жазодан бошқа нарса қолмади. Бу дунё лаззатлари ва матоси билан алданганлар учун бир мисолдир. Худди шундай катта хавфдан химоя қилишни Иброҳим халиуллоҳ сўраган: “Мени ва болаларимни санамларга ибодат қилишимиздан четда сақлагин” (Иброҳим, 14:35). У санам деганда икки тошни – кумуш ва олтинни назарда тутган, чунки нубувват рутбаси ва пайғамбар тошдан ясалган бир нарсани илоҳ хисоблаб қўрқишдан устун туради. Шунинг учун ҳазрат шундай Али деган: “Эй қизилгина, мендан бошқасини алдагин, эй оппоққина, мендан бошқасини кўр қилгин”. Пайғамбар алайхиссалом ҳам динор ва дирҳам топишга берилган, уларни яхши кўрган одамларни тошларга сифинадиганларга ўхшатиб, шундай деган: “Дирҳамлар қули бадбаҳтдир, динорлар қули бадбаҳтдир ва бу баҳтсизлигидан ўнгланмайди. Агар танага тикан кирса, уни ҳеч ким чиқармайди”.

Иккинчи вазифа, даромад (ад-дахл) ва сарф-харажатларга (ал-харж) эътиборли бўлиш ва риоя қилиш. Даромад бу инсоннинг ўзи ишлаб топиши ёки унга омаднинг келишидир. Омад (бахт) кишига кутилмаганда, қўққисдан мерос, совға олиши ёки хазина топишидир. Пул топиш усуллари маълум бўлиб, шариатда тўғри йўллари кўрсатилган. Агар у рухсат этилган яхши нарсани (ҳалолан тойийибан) топса, уни олиши лозим.

Агар ҳар томонлама тақиқланган нарса (хароман маҳзан) бўлса, ундан узоқлашиши керак. Агар шубҳага борса, аммо бу нарса эҳтимол тақиқланган деб ўйласа, бу ҳолда ҳам ундан ўзини четга олсин. Агар бу нарсанинг ҳалоллиги эҳтимоли кўпроқ бўлса ва унинг ҳалоллиги ҳақида ўзи ишонадиган манбадан олишга имкон бўлса, ундан воз кечсин. Чунки бирор сир сақланадиган нарсанинг қўриқчиси унинг чегараларини бузишга мойил бўлади, агар у ҳалол манбадан бирор нарса олишга қодир бўлмаса, унда ана шу шубҳали нарсани фақат кераклисини олиши мумкин. Ҳатто оғир меҳнат орқали ва узоқ вақтдан кейин ҳалол манбани топадиган бўлса ҳам олишга рухsat этилади. Агар киши жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган бандалар тоифасидан бўлса, ҳалол топиш учун ишлаши керак, чунки унинг ҳалол топишдаги саъй-ҳаракатининг ўзи ибодатdir. Агар киши илм арбоблари ва қалб асҳобларидан бўлса, агар ҳалол бирор нарса топишга вақтини сарфлайдиган бўлса, бу унга зарар келтиради. Шунинг учун боридан ҳожатига ярашасини олиши лозим. Тақиқланган нарса янада катта хавф туғилган пайтда рухsat этилиши мумкин. Агар томоққа луқма тиқилиб қолса, киши ўлмаслик учун хамр ичса бўлади. Илм ва қалб ишини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди, ҳамма унга хизмат қиласди. Бу худди бирорга тегишли бўлган нарсани ўзи учун фойдаланишга рухsat берилгани кабидир ва ҳатто баъзи бир ҳолатларда чўчқа гўштини ейишга изн берилади. Бу нарса инсонлар илм олишга интилишлари учун шубҳали нарсаларга нисбатан имтиёз берилганига ҳам тегишли. Эҳтимол, бу масалада жоҳил эътиroz билдириши мумкин: агар олим тановул қилган бўлса, нега бу билмайдиганга мумкин эмас? Илло, у ўзининг дақиқаси билан олимнинг дақиқаси ўртасидаги фарқ қанчалик улкан эканлигини тушунмайди. Шунинг учун олим шайтоннинг арқонини қимирлатмаслик учун ҳам бунда эҳтиёткор бўлиши лозим.

Учинчи вазифа, олинган нарсада меъёрни ушлаш. Қўлга киритилган нарсанинг микдори муҳим аҳамиятга эга. Инсон кийим, уй-жой ва таомга

эҳтиёжи. Ҳар бирининг эса учта даражаси мавжуд: паст (адна), ўрта (авсат) ва олий (аъла). Масканнинг энг паст даражаси (адна ал-маскан) – бу ўраб олинган ер бўлиб, унга масжид, уй-ховли ва бошқалар киради. Унинг ўртаси – инсонга торлик қилмайдиган, у ерда ёлғиз холи қола оладиган ва умрининг охиригача яшай оладиган мулк ҳисобланади. У бинонинг қулайлиги ва хоналарининг қўплигига кўра энг ози бўлиб, бу ўзига тўқлик, кифоянинг чегарасидир (ҳадд ул-кифоя). Энг аъло маскан – бу кенг ва шинам, катта ва хоналари кўп бўлган гўзал уй бўлиб, буни дунёning кучли кишилари (арбоб уд-дунё) ва мартабали шахсларда (улу ур-рутаб) кўриш мумкин. Биринчиси, яъни уй зарурат даражасидир, чунки атрофи ўралган ва йиртқич ҳайвонлардан химоя қиласидиган ҳамда қуёш тафтидан сақлайдиган том билан ёпилган жойдир, бу билан ҳақиқий Аллоҳдан умид қиласидиганлар ва таваккул қилувчилар (мутаваккилун) қаноатланадилар. Иккинчиси, яъни ўртаси кифоя чегараси бўлиб, унинг ортида бўлган нарса эса эътиқод чегарасидан чиқади. Бу инсоннинг дунё ҳаётига боғланиб қолиши ва унинг зийнатлари билан машғул бўлишидир. Бундай масканда ғофил одамлар билан бирга ўтириш на қувонч беради ва на ҳаловат. Уни безаб, зийнатлашга вақт сарфлаш оддий одамларга фикҳга кўра рухсат берилган (мубоҳот), чунки фикҳ авом одамлар жоҳил бўлиб, уларни тузатишнинг имкони йўқ деб ҳисоблайди. Аммо тасаввуфга кўра бу тақиқланган. Зеро, тасаввуф деганда инсон Аллоҳга яқин бўлиши учун яратилганлиги ва муноқашасиз ибодат қилиши тушунилади. Шунинг учун сўфийларнинг рухсат бергани фарз ва фарзи рухсат берилганидир дейилади. Яъни улар рухсат этилган нарсаларнинг (ал-мубоҳот) зарурат учун ярайдиган миқдори билан чекланадилар ва ҳар доим фарзларга амал қиласидилар. Бу улар учун рухсат берилгани кабидир.

Таом бу жуда муҳим асослардан биридир, чунки ошқозон яхшилик ва ёмонлик калити ҳисобланади. Унинг ҳам уч даражаси бор. Энг пасти инсон қувватини сақлаб турадиган даражада зарур бўлган миқдор бўлиб,

унинг яшashi ва ibodat қилиши учун ёрдам беради. У taom миқдорини камайтира олади, секин-аста ўзини озига ўргата олади ва ахiri очликка ўн ёки йигирма кун чидай олишга кўникади. Баъзи бир зоҳидлар бир кунда битта нўхат билан кифояланганлар, баъзилари эса йигирма кунда бир марта овқатланганлар, айтишларича ҳатто қирқ кунда бир, бу эса буюк мартаба бўлиб, оз киши бунга эришади. Агар инсон бу миқдор билан чекланолмаса, бу ўрта даража ва у ошқозоннинг учдан бирида бўлади. У шариат ўрнатган чегарадан ўтмаслиги лозим, чунки бу энди очофатлик ва баднафслик бўлади. Кейин инсон учун таом миқдорида ўрта билан чекланганлиги каби таом турларида ҳам ўрта билан чекланиши керак. Кифоя қиладиган миқдор билан қаноатланган киши баҳтиёр инсондир, лекин ушбу зарур миқдор (қадр ул-кифоя) ҳар вақтда турлича бўлиши мумкин. Баъзан одам овқат топиш ҳақида ўйламайди, баъзан эса ташвиш чекади. Ахир инсон узоқ умрни ният қилиб, ўз қалбини бутун умрга фориғ қилиш истаб қолади. Эҳтимол кейинчалик муҳтожликда қолиб, захира тўплаши ва ўзини таъминлашни хоҳлаши мумкин, бу эса катта адашиш бўлади. Келажак учун захира учта бўлади: энг ками бир кунлик таом, энг каттаси бир йилдан ошадиган егулик ва ўртачasi – бир йиллик озиқ-овқат. Даражаларнинг энг юқорисида факат эртани ўйлаб, қувватини бир кунга, шу кундан бир соатга, бир соатдан бир нафасга ва истаган лаҳзада бу дунёни тарқ этишга тайёрланиб чеклайдиган кишилар туради. Бир йил давомида нима билан озиқланишини ўйламайдиган ва бундан ортиғи билан меҳнат қиладиган киши эса таҳқирланганлардандир ва улар ҳақида шундай дейилади: “...бойлик албатта, уни абадий қолдиради деб ҳисобларди” (Хумаза, 104:3).

Либоснинг ҳам уч даражаси мавжуд: унинг энг оз миқдори авратни ёпадигани ва дағал матодан бўлгани саналади. Вақтига кўра кундуз ва кеча давомида кийимдан нима қолса, ўшани кийиш лозим. Умар р.а. ўз кийимини дарахт пўстлоғи билан ямаган. Унга бу нарса кўпга

бормаслигини айтганларида, “У титилиб кетгунга қадар яшай оламанми?”, деб жавоб берган. Либоснинг ўртаси – аҳволига мос келадиган, дабдаба ва зийнатсиз, ипак каби ҳаром қилинган матони тикилмаган кийим. Энг олийси – либосларни жамлаш ва дабдаба ҳамда ҳашаматга интилиш бўлиб, бу дунё аҳлининг кўпчилигига хос.

Аёллар билан муносабатда унинг миқдори инсон шаҳватининг бунга интилишига боғлиқ ва шунга мувофиқ ҳолда эҳтиёж ҳам ортади. Ўзига етарли миқдорини топиб, сўнг қалби яна ортиқласига майл билдиrsa, ундей одам нафақат (илохий раҳматдан) маҳрум бўлган, балки лаънатга учрагандир. Пайғамбар а.с. айтади: “Кимки хотиржам қалб, соғлом тана билан тонг оттирса ва кунлик таоми бўлса, бу дунёда ҳамма нарсага эгадир”. Чунки дунё ҳаёти охиратга олиб боради ва бу миқдор эса мақсадга эришиш учун кифоя қиласи, қолгани эса ортиқча бўлиб, оқил киши учун унинг зиёдалиги унинг йўқлиги билан баравардир.

Тўртинчи вазифа даромад ва харажат билан боғлиқ. Даромад муҳим бўлгани каби, харажатлар ҳам муҳим ва бу тартибга риоя қилиш лозим. Харажатлар ҳам даромад каби бўлганидек, мақтовга лойиқ (маҳмуд) ва ёмон (мазмум) бўлади. Мақтовга лойифи инсонни адолатли қиласи, бу садақа бериш ва оиласини боқиш учун нафақа ажратиш ҳисобланади. Уларнинг орасида инсонни фазилатли ва саховатли қиласигани бор. Бу кишининг шариат кўрсатганидек, бошқаларни ўзидан устун қўйиши ҳисобланади. Ёмони ҳам икки хил бўлади: суиистеъмол қилиш (ифрот) ва бепарволик (тафрит). Суиистеъмоллик – керагидан ортиқ сарфлаш, бу кераксиз исрофгарчиликни сарфни аҳволи кўтармайди ва муҳим нарсани қолдириб, ундан паст нарса билан машғул бўлиш. Бепарволик – бу хасислик бўлиб, инсон зарурӣ харажатлардан воз кечиши ва аҳволига мувофиқ келадиган миқдорни камайтиришидир. Агар инсон рухсат берилган молни олса ва шундай нарсага сарфласа, бу мақтовли бўлиб, унинг учун мукофот олади. Аллоҳ молини кенгайтирган кишига нима

яхши – олиб сарфлашми ёки ундан воз кечиши меба сўралганда, бу масалада одамлар фарқ қиладилар. Одамлар уч тоифага бўлинади: борлиғи билан дунёга берилган, фақат тилда ва сўзлардан ташқари охиратга эътибор бермайдиган кишилар, улар кўпчиликни ташкил қиласиди. Бундай одамлар Куръонда бутпараст, ҳайвонларнинг энг ёмони ва шу каби номлар билан аталган. Иккинчи тоифа уларнинг тескариси бўлиб, улар рухи ва танаси билан охиратга юзланган, шунингдек, дунё ҳаётига бутунлай эътибор бермайдиган кишилар, улар зоҳидлардир. Учинчи тоифа, энг афзали ва ўртада бўлганлар бўлиб, улар икки Манзилни ҳаққини адод этадиган инсонлардир. Ҳақиқат аҳлининг фикрича, улар энг фазилатли кишилар, чунки улар дунё ва охират ҳаётининг асосидир. Улардан барчаси пайғамбарлар бўлиб, Аллоҳ уларни бандаларнинг ҳозирги ва келгуси ҳаётида фойда бўлиши учун юборган. Ушбу уч тоифа ҳақида Аллоҳнинг ушбу сўзларида айтилади: “Ва сизлар уч тоифа бўлганда. Ўнг тараф эгалари. Ўнг тараф эгалари не саодатлилардир?! Ва чап тараф эгалари. Чап тараф эгалари не бадбаҳтлардир?! Ва яхши амалларда пешқадамлар, улар жаннатда ҳам пешқадам бўладилар” (56:7-10).

Кимки дунё ишлари билан машғул бўлса ва дин амалларини вожиб бўлганидек бажарса, уларнинг иккисини ҳам бирлаштиrsa, Аллоҳнинг ердаги ўринбосари ва инсонларнинг энг яхшисиdir (ас-собиқ). Агар инсон ва жинлар фақат ибодат учун яратилмаганми, деб савол берилса, унинг жавоби – бандалар манфаати ҳақида ғамхўрлик қилиш ибодат туридир ва ибодатларнинг энг афзалидир. Расулуллоҳ а.с. дейди: “Барча маҳлуқотлар Аллоҳ ғамхўрлигидадир ва Аллоҳ ўзининг яратганларига энг кўп фойда келтирадиган инсонни кўпроқ яхши кўради”.

Ҳақ кишилари одамлар уч хил бўлади деб айтадилар: ҳозирини зарарига келажак ҳаёти билан шуғулланадиган киши, бу ютуқда бўлганлардандир (мин ал-фоизин). Ҳозирги ҳаёти келажакдаги ҳаётидан чалғитадиган одам, бу ҳалокатга учраганлардан (мин ал-ҳоликин).

Кейингиси уларнинг иккаласи билан шуғулланадиган киши бўлиб, у хатарга тушганлар даражасидир (даражат ул-мухотирин). Ғолибнинг (ал-фоиз) ҳоли хатарга йўлиқадиганни (ал-мухотир) ҳолидан яхшироқдир, десаларда, бироқ бунинг сири бордир, чунки юқори мақомларга (ал-манозил ур-рафиъа) хавф-хатарлардан ошиб ўтибгина эришиш мумкин. Бу сўз эса одамларни хатардан одамларни огоҳлантириш ва уларнинг эътиборини Аллоҳнинг ўринбосари бўлмоқнинг муҳим эканлигига қаратиш, шу билан бирга бу ишга қодир бўлмаган кимса яқинлашмаслиги учун айтилгандир.

Ҳикоя қилинишича, адолатли подшоҳлардан бирининг ўғли илми ва донолиги билан катта мартабани эгаллар эди. У дунёдан воз кечиб, зоҳидга айланди. Шоҳлардан бири унга шундай мактуб ёзди: “Сен бизда бўлган нарсадан юз ўғирдинг. Агар сен танлаган йўлинг энг афзал эканлигига ишонсанг, бизга бу ҳақда огоҳлантириш учун сўйлаб бер ва мен хужжатсиз бирор бир нарсани қабул қиласман деб ўйлама”. Шаҳзода шундай жавоб қилди: “Билгилки, биз Мехрибон парвардигорнинг қулларимиз, у бизни душман билан урушга юбориб, бизга бунинг мақсади – ё душманни мағлуб қилиш ёки ундан халос бўлишни билдириди. Қачон биз юришни бошлаганимизда, уч гурухга бўлиндик: душмандан қутулишни истаган ва четга чиққан қўрқоқ (мутахаввиф) бўлиб, уни ҳеч ким маломат ҳам қилмаган ва мақтамаган ҳам. Бемулоҳаза (мутахаввир) одам, у ўйламай душман олдига чиққани учун душман ури яралаб, устидан ғалаба қозонди ва шу билан раббини ғазабига учради. Ва шиҷоатли киши, у жангда жуда айёр бўлиб, бор кучи билан қўрқмасдан курашди. У ҳақиқий ғолибдир (ал-фоиз ал-фавз). Агар сен мени заиф ва ғалаба учун уринмаяпти деб ҳисобласанг, эй шоҳ, унда энг яхши гуруҳдан бири бўлгин, шунда Аллоҳ энг қўп севадиганлардан бўласан”. Унинг бу сўзлари ҳақиқатни очиб беради. Аллоҳ сўзлари ҳам бунинг тўғрилигига ишора қиласи: “Ва Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни излагин, бу дунёдаги насибангни ҳам

унутма. Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил. Ер юзида бузгунчиликни излама” (Қасас, 28:77).

Яхшиликни мусулмонларга пул тарқатиш билан қувонч бағишлиш орқали қилиш ҳам мумкин. Бироқ, бу жуда хавфли бўлиб, илми ва басирати ҳали мустаҳкам бўлмаган киши ўзига зарар келтирадиган ишларни билмаган ҳолда қилиши мумкин. Бойликда яширинган хатар туфайли бу ҳақда огоҳлантириш кучли бўлган.

Бешинчи вазифа. Инсон олганда ва берганда нияти хайрли, солиҳ бўлиши, олган нарсаси ибодатига ёрдам бериши, егани ҳам ибодат учун қувват бериши, тарк этиладиган нарсанни тарк этиши ва ундан нарфратланиши, меъёрни билиши лозим. Пайғамбар а.с. айтади: “Кимки суннатга мувофиқ изласа, бу унинг жиҳодидир” ва Ибн Масъудга шундай деган: “Дарҳақиқат, мўъмин барча нарсада мукофотини олади, ҳатто хотинининг оғзига соладиган луқмада ҳам”. У мўъмин деганда нарсаларнинг ва қиласиган ишларининг ҳақиқатини биладиган, Аллоҳга яқинлашишни истайдиган ёки унинг йўлида юришга (сулук ут-тарик) ёрдам берадиган нарсанни қидирадиган кишини назарда тутган. Шундан ҳеч нарсаси бўлмаган одам эмас, балки олам хазиналари бўлса ҳам бойлик билан машғул бўлмаган кишининг зоҳидлиги аён бўлади. Шунинг учун Али р.а. айтади: “Агар инсон ерда мавжуд бўлган ҳамма нарсанни Аллоҳ ризоси учун олса, унда у истовчи (рогиб) бўлмайди”. Шундай экан инсоннинг ҳар бир ҳаракати ва сокинлиги Аллоҳ учун бўлиши керак. Ибодат ва унга ёрдам берадиган нарсалар ҳам шу учун бўлиши лозим, чунки таом емоқ ва қазои ҳожат ҳам ибодат учун зарурдир. Бундан ташқари комил нафс дунё ҳаётига нисбатан худди моҳир илон ушловчига ўхшайди. У илонни заҳридан эҳтиёт бўлиб, ундан ўзига керакли жавҳарни олади. Жоҳил эса илон тутувчига ўхшашни истаб, у илоннинг сурати ва шаклига қараб, уни силаб ва гапириб қўлига олди деб ўйлайди. Агар шундай ўйлаб, унга тақлид қилса, илон уни ўлдиради. Дунёни унга

ўхшатиб, шундай дедилар: “Дунё захар сочадиган илон қабидир, аммо ушлаганда мулоимдир”. Кўзи кўрмайдиган одам кўрадиган кишининг ҳаракатини такрорлай олмаганидек, тоғ билан денгизларни ошолмаганидек ва эгри сўқмоқлардан юролмаганидек, билмайдиган оми одамнинг ҳам дунё ишларида мукаммал бўлган кишининг ишини такрорлаши ҳам имконсизdir. Агар Сулаймон а.с.нинг бойликлари ва унга ато этилган нубувват рутбасига назар солинса, энг яхши зуҳд камбағаллик (хулувв уляди) эмас, балки нафс зоҳидлигидир (зуҳд ун-нафс). Дунё авлиё ва анбиёларга зарап келтиrolмайди, чунки улар унинг зарари ва фойдасини, даражасини биладилар. Инсон ўз мавжудлигига уч манзилни босиб ўтади: онасининг қорнида, бу дунёning очиқ майдонида (фазо ул-олам) ва ўлимдан сўнгги манзилда.

Бу дунё инсонлар учун худди ҳовли қабидир. Мусоғир уни иккинчи манзилда босиб ўтади, бу пайтда унга саёҳати давомида ёрдам бериши учун воситалар, вақт ва озиқ-овқат тайёрлаб қўйилган бўлади. У қарзга олинган нарсадан фойдаланиб бўлгач, ўзидан кейин келадиганга уни қолдириб кетади. Шунинг учун инсон буларни шукр қилган ҳолда олиб, қалбдаги енгиллик ва розилик (иншироҳ ус-садр) билан уни ташлаб кетиши лозим.

Аммо бир куни бу ҳовлига аҳмоқлар жамоаси келиб, бу манзил уларнинг ватани ва буларнинг ҳаммаси, яъни воситалар (ал-асбоб) вақтинчалик ҳамда қарзга эмас, балки абадий ҳадя (мавҳиба муаббада) сифатида берилади деб ўйладилар. Улар бу нарсаларга шунчалик ёпишиб олдиларки, уларни фақат қўлини синдириб ёки рухини суғирибгина тортиб олиш мумкин бўлди. Дунё берилган инсонни уй қуриб, уни меҳмонлар учун тайёрлаб қўйган кишига ўхшатиш мумкин. Кейин у меҳмонларни бирма-бир таклиф қила бошлаган. Бир киши келганда унга олтин товоқ келтирдилар, унинг ичida атир ва хушбўйликлар бор эди. Меҳмон уларни олиб кетмай, балки ҳидлаб, ўзидан кейинги киши учун қолдириши керак

эди. Аммо у қоидани билмаслиги сабабли буни совға деб ўйлади ва қачонки ундан қайтаришни сўраганларида, у хафа бўлиб, норози бўлди ва қайғуга тушиб, азоб чекди. Қоидани билган киши эса ундан фойдаланиб, ташаккур билдириди, сўнг тўқ кўнгил билан қайтарди. Бу дунё мулкига тааллуқли бўлган тўғридан-тўғри вазифалар ҳисобланади.

Дунё ғам-андухларидан қутулишнинг йўли тўғрисида

Инсон қалбан хотиржам ва танаси соғлом бўлса ҳамда оч қолмаса, дунё ишлари учун қайғу ва ғам чекиши унинг аҳмоқлиги ва ақли ожизлиги алматидир. Чунки унинг ғами уч сабабдан келиб чиқади: у ёки ўтган нарсага афсусланади ёки келажакдан қўрқади ва ёки ҳозирги ҳоли сабабидан маҳзун бўлади. Агар бу ўтмиш учун бўлса, оқил одам ўтган нарса учун хафа бўлиш нодонлик эканлигини билади, чунки синган нарсани елимлаб ва бузилган нарсани тузатиб бўлмайди. Бунинг имкони йўқдир. Аллоҳ ҳам айтади: “Токи, кетган нарсага қайғуриб, келган нарсадан хурсанд бўлмаслигингиз учун...” (57:23). Бир шоир айтган экан: “Ғам-андух мен учун буюкликми? Унда мен ғам чекаман”. Агар бу инсонинг ҳозирги ахволи ёки у танийдиган бирор кишига қандайдир неъмат берилганига ҳasad қилиш туфайли ёхуд камбағаллик ёки мансаб, бойлик ва бошқа дунё воситаларини йўқотиш учун, бунинг сабаби унинг дунё ҳаётини билмаслигидир. Агар инсон ҳақиқатда уни билганида эди, Аллоҳга оғир юк билан (мусаққал) эмас, енгил юк (мухаффаф) билан бўлганлиги учун шукроналик келтирган бўларди. Агар ошиқ ишқи тушганинг гўзаллиги тугайди деб ўйлаганида, уни севмаган бўларди. Чунки у бу дунё мусибатларга тўла эканлигини, унинг сувлари лойқалигини ва унинг ҳар бир бўлаги инсонларга бало-офатлар келтиришини англайди. Ҳар бир киши исталган пайтда учта ўқнинг қурбонига айланиши мумкин: қасд ўқининг (саҳму никма), баҳтсизлик ўқининг (саҳму разийя) ва ўлим ўқининг (саҳму манийя). Улар доим бир-бирлари билан мусобақалашадилар, баъзан хато қиласидилар ва баъзида эса

нишонга тегадилар. Баъзилар тажрибасидан биладики, ҳар куни кимдир ўзи эга бўлган нарсасидан айрилади, одамлар ҳар доим мусибатга дучор бўладилар ва улар бу нарса учун қаттиқ қайғурадилар. Бу одам агар бирор нарсани йўқотса, афсусланмайди. Шунинг учун бир кишидан: “Нега сен қайғурмайсан?”, деб сўраганларида, у: “Чунки менда йўқотганда мени хафа қиласиган нарсанинг ўзи йўқ”, деб жавоб қилган. Агар инсон дунё одамларининг (арбоб уд-дунё) охиратга нисбатан ғафлати, беэътиборлиги ва ундаги мусибатларнинг кўплиги ҳақида фикр юритса, тасалли топиб, тинчланади ва ундан осонликча воз кечади.

Бир сўфий ҳар куни дорулмарзо, яъни бемористонни зиёрат қилишни ўзига вазифа қилди. У касалларни, уларнинг касали, азоб ва ғамларини кўриш учун борарди. Шу билан бирга сўфий сultonлик қамоқхонасига ҳам бориб, жиноятчиларни ва уларни жазога тортишларини кўтарди, шунингдек, қабристонга бориб, бефойда қайғуриб, йиғлаб ўтирганларни кўтарди, чунки ўликларни тирилтиришнинг иложи йўқ. Шундан сўнг у уйига қайтиб, кун бўйи Аллоҳ берган неъматларга ва ўша балолардан бирортасига дучор қилмаганилигига шукроналик айтиб чиқарди. Инсон дунёдаги умри давомида ўзидан пастларни кўриб, шукр келтириши ва динда ўзидан юқори турганларни кўриб, унга интилиши керак. Агар шайтон инсон ақлинни эгалласа, унинг қарашларини остин-устун қилиб юборади ва акси қиласи. Агар бирор кишидан: “Нега сен бу ёмон ишни қилаяпсан?” деб сўралса, у бошқа бирор бундан ҳам қабиҳроғини қилаяпди деб ўзини оқлашни бошлайди. Шу билан бирга маъсият ва куфрда қиёсга ўрин йўқдир. Агар у одамдан нега ўзида бор нарса билан қаноат қилмаслиги сўралганда, у бу одам ўзидан кўра бойроқ бўлиб, у одам сабр қилмаган нарсага, сабр қилмаганилигини айтади. Бу тўлиқ адашиш ва мутлақ жоҳилликдир. Қайғу шу тўсиққа учраса, ҳасад сабабидан ғам ҳам йўқолади. Агар Аллоҳ неъмати, марҳамати билан бунга ҳақли кишига

инъом берган бўлса, у қайғу-ғам чекмайди. Агар нолойиқ бўлса, бундай одам фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради.

Агар бирор бир киши келажаги учун қайғурса ва унинг ғам-ташвиши сабаби амалга ошмайдиган, ёки ўлим каби албатта, содир бўладиган нарса учун бўлса, бунинг иложи ва давоси йўқдир. Агар бу албатта, содир бўлиш эҳтимоли мавжуд бўлса, у назар солиши лозим: агар ўлим каби муқаррар ва даф этиб бўлмайдиган бўлса, маҳзун бўлиш аҳмоқликдир. Агар бундан халос бўлишнинг имкони бўлса, қайғуриш маъносиздир, уни даф қилиш учун яхшилаб ўйлаб кўриб, ғам-ғуссага берилмай ҳаракат қилиш лозим. Агар инсон бундан қутулиш учун бор куч-қуввати билан ҳаракат қилса, унинг қалби Аллоҳнинг хўкми, қазою қадарини кутган ҳолда сокин бўлади. У Аллоҳнинг қазосидан қутулишнинг имкони йўқлигини билиб, уни қабул қиласди ва сабр билан кутади. У қазони даф қилишга ҳаракат қилмай, Аллоҳнинг ушбу сўзларини доим эслайди: “Бирор мусибатни пайдо қиласимииздан олдин у Китобда битилган бўлур, акс ҳолда ер юзида ва ўз шахсларингизда сизга бирор мусибат етмас. Албатта, бу иш Аллоҳ учун осондир” (Ҳадид, 57:27).

Дарҳақиқат, инсонларнинг дунё неъматларидан кўпроқ йиғиб олишига интилиши мағрурликнинг асоси ва барча оғатлар тугаб, яхши вақтлар келишига умид қилишидандир. Афсуски, Али р.а. айтганидек: “Одамлар бошқаларга “Барака келтиргувчи бўлинглар” десалар, у уларнинг вақтини дарров ғамгинлик кунигача (явм ус-суъи) яширади”. Ушбу байтларни айтган шоир ҳақдир:

Инна-л-лайалий лам тухсин ила аҳадин,

Илла асаъат илайҳи баъда ихсани.

(Мазмуни: Ҳақиқатдан, тунлар ҳеч кимга яхшилик қиласмайди, илло яхшилик қиласидан сўнг фақат заарар келтиради).

Абу Мансур ас-Саолибий бирор нарсани назардан қолдирмай дунёни таърифлайди. Ушбу шеърнинг мазмуни шундай: Дунёни унут ва уни

хотинликқа олма, унга уйланмагин, чунки ўзини никохига олган кишини у ўлдиради. Ундан истаган нарсанг, ўзи билан келтирадиган қўрқинчли нарса билан тенглашолмайди. Унинг ёвузлиги тахмин қилганингдан ҳам каттароқдир. У ҳақда кўп ёзганлар, аммо қасам ичаманки, унинг ҳақиқий васфи бор: фақат тўйларда ичиладиган сулаф (шароб) ва от, агар сен ундан роҳатланишни истаб минсанг, унинг қанчалик асовлигини кўрасан. Одамларни ҳусни мафтун этадиган гўзал инсоннинг ҳам сирлари ва қабиҳликлари бордир.

Оқил киши агар буларга эътибор билан назар солса, қалбини кўпгина ғамлардан халос қиласди. Инсон ва унинг маъшуки, яъни ишқи тушгани – хоҳ одам бўлсин, хоҳ бойлик ёки мол-мулқ, иш, мансаб, ёки ҳокимият ва бошқа нарса бўлсин, улар ўртасидаги алоқа мустаҳкам бўлса, бу ҳолда тики улар билан алоқани узмас экан, ғам-ташвишларидан халос бўлмайди. У бу ишни фақат аста-секин узоқлашиш орқали, ўзини бошқа нарсалар билан чалғитган ҳолда, ҳатто ўша бошқа нарса ҳам ундан халос бўлиш вожиблиги бўйичабиринчисига ўхшаса ҳам, қила олади. Янада ёпишқоқ ва кўпроқ ифлос қиласидиган нарсани қон билан ювиб ташлашнинг ҳечқиси йўқдир. Ҳақиқатан, инсон кўниккан нарсасидан қутулиш янада қийин ва ҳатто имконсиздир. Шунинг учун болани одоб-ахлоққа ўргатаётганда, тарбия жараёни аста-секин тартиб билан аввал унга таёқ ва қушлар билан ўйнаш таклиф қилинади. Кейин у бу ўйинларни ўйнамай қўйиб, бойлик, молу давлат, чиройли кийимлар ва бошқа нарсаларга кўнгил қўяди. Сўнgra шухрат, мақтов, юксак мавқе ва ҳокимиятга мойил бўлиб, юксалади. Кейин эса уни охират саодати билан қизиқтириб юксалтирадилар.

Ушбу муолажа хавф-хатарларга ва бало-офатларга тўладир, лекин уни улардан ҳам кўра ёмонроғи билан таққослаганди, булар худди инсон ҳаётидаги бирин-кетин босиб ўтиб, юқорига кўтариладиган босқич ва даврлар каби бўлиб, бу босқичлар узлуксиз ва ундан халос бўлиш имконсиздир. Инсон буни нафсини эгаллаб, у билан мустаҳкам боғланган

ҳар бир сифатга нисбатан қилсиши лозим: алоқаларни узиб, одам ғам-қайғудан қутулади.

Ўлимдан қўрқмаслик тўғрисида

Ғаззолий инсонда икки ҳолат мавжуд дейди:

- 1. Ўлимдан олдинги ҳолат (ҳолат қабла ал-мавт)**
- 2. Ўлимдан кейинги ҳолат (ҳолат баъд ал-мавт)**

Инсон ўлим келгунига қадар пайғамбар а.с.нинг қуидаги сўзларини доим ёдида тутиши керак: “Лаззатларни йўқ қиласиганни кўпроқ эсланглар, агар бирор киши уни қийин ахволда бўлган пайтда эсласа, унга енгиллик келади, агар фаравонлик пайтида эсласа, уни озайтиради”. Бунга нисбатан одамлар икки гурухга бўлинадилар. Фоғил киши – ўлим ва ундан кейинги нарсалар тўғрисида ўйламайдиган ҳақиқий аҳмоқ бўлиб, фақат ўз фарзандлари ва ўлимидан сўнг қолдирадиган мероси ҳақида ташвиш чекади. У ўз ахволи тўғрисида умуман ўйламайди, ўлим ҳақида фақат жанозани кўрганида эслайди ва тилида: “Биз Аллоҳникимиз ва унга қайтгувчи дирмиз” дейди. Аммо у Аллоҳга амали билан эмас, балки фақат сўзлари билан қайтади ва аслида унинг сўзлари ёлғон бўлади. Оқил ва зукко киши эса ҳажга йўл олган мусоғир каби доим ўлимни эслайди, чунки у ўз мақсадини ҳеч қачон унумтмайди. Йўл ва тунаш учун тўхташлар мақсадини эсидан чиқаришга йўл қўймайди. Агар инсон ўлимни эсласа, қуруқ умид ва орзуладан халос бўлади, бу қийинчиликларни енгиллаштириб, инсонни тугёндан асрайди. Ўлимни унумтмаган киши берилган ризққа қаноат қиласиди, тавба қилишга шошилади, ҳасадни тарқ қиласиди ва тез ўтадиган ҳаётга боғланмайди, ибодат қилишга тиришқоқ бўлади. Ибодатга бепарво ва беғам бўлган одам ҳар куни тез орада ўлим этиши мумкинлигини тасаввур қилиши лозим. Агар киши бир неча йилдан сўнг ўламан деб ўйласа, ибодатга саъй-ҳаракат қилмайди ва дунёга бўлган рағбати сусаймайди. Инсон ўзига бир кундан ортиқ ажратмаслиги ва ҳар тонг кундузи риҳлат қилишга тайёр ҳолда уйғониши лозим. Шоҳларнинг

шохи (Малик мин ал-мулук) истаган пайтда чақиришини мумкинлигини билган ва кутаётган киши жавоб беришга тайёр туриши керак, акс ҳолда у тайёр бўлмаган пайтда унга элчи келиши мумкин ва шунда у ўз саодатидан айрилади. У ҳар дақиқада ўлимни олдида кўриши зарур. Агар ўлим ҳали узоқ деб айтса, жавоби агар касаллик келса, унда ўлим ҳам узоқ бўлмай қолади, бу эса бир кундан озида содир бўлиши мумкин ва узоқ ҳам бўлмайди.

Ўлим сабабли ғам-қайғу чекиш одамнинг ақлсизлигидан далолат беради. Бу қайғу тўрт жиҳатдан бўлади: қорин ва фарж шахвати сабабидан, ўзидан кейин қолдирадиган мол-дунё сабабидан, ўлимдан кейин нима бўлиши ва қаерга боришини билмаганлиги сабабидан ва қилган гуноҳларидан қўрқиши сабабидан. Агар одам қорин истаги ва жинсий майли учун қайғуга тушса, унда у касалликни ўшангага ўхшайдиган касаллик билан кутиб олишни истаган кишига ўхшайди, чунки таом лаззати очлик оғрифидан қутулиш ҳисобланади. Шунинг учун меъда тўйганидан кейин, очлик ўтгач, одамга истаган нарсаси ёқимсиз бўлади, бу худди кимдир қуёшда исинишни истаб ўтиришига, сўнг сояга қайтиб роҳатланмоқчи бўлган кишига ўхшайди ёки иссиқ ҳаммомдан чиқиб, муздек сув ичишдан лаззатланадиган одам кабидир. Бу нодонлик ва ақлсизликдир.

Агар одам ўзидан кейин қоладиган мол-давлат учун ғам чекса, у тақводор мўъминларга ваъда қилинган туганмас катта мулк ва боқий неъматларга нисбатан дунёning ҳақирилиги ва пастлигини билмайди. Агар бу ўлимдан кейин нима бўлишини билмаслиги сабабли бўлса, унда у инсоннинг ўлимдан кейинги ҳолини кашф қиласидан ҳақиқий илмни излаши лозим. Ҳориса пайғамбар а.с.га айтганидек: “Мен кўзларим билан раббимнинг Аршини кўраяпман ва мен жаннат аҳлини кўраётгандекман, худди улар бир-бирларига меҳмонга бораётгандек, ва дўзах аҳлини кўраётгандек бўламан, худди улар бир-бирларидан нафратланаётгандек

туюлади”. Бу илм нафс ҳақиқатини излаш натижасида ҳосил бўлади, яъни нафснинг моҳияти нима, унинг тана билан алоқаси қандай, нима учун у яратилган ва қандай қилиб у ўзининг хусусияти ва комиллигидан лаззатланади деган саволга жавоб топиши, унинг камолотга эришишига тўсқинлик қиласиган ўзидағи разилликларни билиши зарур. Шариат кўпинча шунга ишора қиласи ва осмонлар ва ер мулклари тўғрисида фикр юритишга буюрганидек нафс ҳақида тафаккур қилишга амр беради.

Агар қайғу қилинган гуноҳлар учун бўлса, ғам ҳеч нарсага олиб келмайди, маҳзунликнинг фойдаси ҳам йўқ, аммо даво зарур – бу сидк билан тавба қилиш ва бой берганларини ислоҳ қилишдир. Агар инсон ғам чекса ва ва ҳолини тузатиш тадоригини кўрмаса, у томири очилиб, қони тўхтамаётган, лекин буни тўхтатиб, ўзи учун энг қимматли бўлган ҳаётни сақлаб қолишга қодир бўлган, аммо бунга уринмасдан, йўқотган қони учун қайғуриб ўтирган касалга каби бўлади. Бу ҳам аҳмоқлик ҳисобланади, чунки ўтган нарсани қайтариб бўлмайди ва пушаймонлик ҳамда афсусланишдан ҳам фойда йўқ, аммо келажак учун саъй-харакат қилиш лозим.

Иккинчи ҳолат – бу инсоннинг ўлим ҳолида бўлишидир. Инсонлар бу ҳолда уч турга бўлинадилар: биринчиси, оқил (зу басират), басират соҳиби бўлган инсон. У ўлим уни озод қилишини, ҳаёт эса ҳибсада ушлашини билади. Инсоннинг дунёдаги ҳаёти узун бўлсада, бу самода чараклаган чақмоқнинг чақнаши ва йўқолиши кабидир. Унга бу дунёни тарқ этиш оғир бўлмайди ва у фақат парвардигорига хизмат қилишни ва унга яқинликни йўқотганлиги учун афсусланади ҳамда ўзи нима дейиши ва унга нима дейишларидан ташвишланади. Бир кишидан: “Нега қўрқмайсан ва хавотирланмайсан?” деб сўраганларида, у “Чунки мен билмаган йўлдан кетаяпман ва кўрмаган парвардигоримга яқинлашяпман, ва мен нима дейишни билмайман ва менга нима дейишларини билмайман”. Бундай кишилар ўлимдан қочмайдилар, аммо улар ибодатни

кўпайтиришга ожиз бўлсаларда, эҳтимол бунга иштиёқ билдирадилар. Кимдир Аллоҳга шундай муножот қилди: “Илоҳим, агар мен сендан ўлим масканидан ҳаёт сўрасам, бу сендан узоклашишни исташимни ва сенга яқинлашишни хоҳламаслигимни англатади. Зеро, сенинг набийинг ва сафийинг с.а.в. шундай деган: “Кимки Аллоҳ билан учрашишни истаса, Аллоҳ ҳам у билан учрашишни истайди, кимки Аллоҳ билан учрашишни хоҳламаса, Аллоҳ ҳам учрашишни хоҳламайди””.

Иккинчи тур – бу қалби доғ узоқни кўра олмайдиган (радийъ улбасират) кишидир. У дунёга ботган, у билан боғлик нарсалар билан ифлосланган бўлади. Бу одам дунё ҳаётидан рози ва охират ҳаётидан худди кофирлар қабр аҳлидан (асҳоб ул-қубур) андуҳ чеккани каби қайғуга тушади. Агар бундай одам Дор ул-хулуд – Боқийлик манзилига чиқса, у тун шамоли қўнғизга зарар келтиргани каби зарар келтиради. Агар у дунё чиркинликларидан чиқа олса, уни Олам ул-аъло – Олий олам ва Мисбоҳ ул-малоъ ал-аъло – Олий ҳамжамият шамчироги қабул қилмайди ва у Аллоҳ айтганидек бўлади: “Ким бу дунёда кўр-гумроҳ бўлса, у охиратда янада кўр-гумроҳ ва янада йўлдан адашганроқ бўлади” (Исро, 17:72). Дарҳақиқат, дунё биринчисининг қамоқхонаси ва иккинчисининг жаннатидир. Биринчиси, хўжайнини чақирган қул каби хурсанд бўлиб унга жавоб қайтаради, унинг олдига боради ва яхши хизмат қилишга ҳаракат қиласи. Иккинчиси, хўжайнинг олдига қўллари боғлаб келтирилган қочоқ қул кабидир ва у хўжайнини ҳузурида бошини қуи солиб, жиноятига пушаймон бўлган ҳолда туради. Ушбу икки ҳолат ўртасидаги фарқ қанчалик катта.

Учинчи тур – бу инсоннинг икки даража ўртасидаги ҳолидир. Бу дунё оғатларини билган ва унда бўлишни ёмон кўриб қолган, лекин кейинчалик унга кўниккан ва сабр қилган киши; у қоронғи ва ифлос хонага ўрганган ва бошқа ҳеч нарсани кўрмаган, ўша жойга кириш ёқмаса ҳам, уни тарк этишни хоҳламайдиган одамга ўхшайди. Агар у ўша ердан чиқса

ва Аллоҳ солиҳларга вайда қилган нарсаларни кўрса, йўқотишни истамаган нарсаси учун афсусланмайди ва шундай дейди: “Биздан ғам-қайғуни кетказган Аллоҳга ҳамду сано бўлсин. Албатта, Роббимиз ўта мағфиратли ва ўта шукр қилувчиидир. У зот бизларни ўз фазли ила бир турар жойга жойлаштириди, у ерда бизга чарчоқ ҳам етмас, ҳорғинлик ҳам етмас” (35:34-35). Бирор нарсадан айрилишни истамаган инсон ўша нарсадан айрилгач умуман афсусланмаслиги мумкин. Чақалоқ туғиладиган пайтда оғриқ ҳиссидан йиғлади, сўнг эса ақлини олгач унга қайтишни истамайди. Ўлим ҳам инсонга олдин бўлмаган мукаммалликни берувчи иккинчи туғилишдир. Унинг шарти эса бунгача маконнинг комилликни қабул қилишига халақит берувчи тўсиқ ва оғатлар тўлиқ бўлмаслиги ҳисобланади. Бу худди туғилиш аввал чақалоқ она қорнидали пайтида бўлмаган, ҳавас қилгудек комилликка олиб келишига ўхшайди, лекин бола она раҳмида бўлганида унинг комил шаклга келишига халақит берадиган бирор ҳодиса содир бўлмаганлиги шарт қилинади.

Ўлим комилликнинг сабаби экан, сўфийлардан бири шундай дейди: “Биз худди Жаброил, Микоил ва Исроифилни дуо қилганимиз каби Азроилни дуо қилишимиз ва унга шукронга келтиришимиз лозим, чунки Жаброил ва Микоил дунёдан халос бўлишда ва охиратда нажот топишда нима борлигини билишимизнинг икки сабабидир ва бу Мухаммад алайҳиссалом воситаси билан бўлгандир. Ўлим фариштаси (Малак ул-мавт) эса – бизнинг у оламга чиқишимиз сабаби, унинг ҳаққи улуғdir ва унга шунинг учун ҳам шукронга айтиш лозимдир”. Ҳикоя қилишларича, қадимда бир кишини улуғлайдиган ҳакимлар тоифаси бўлган экан. Улар бу одамни муқаддас деб билганлар ва уни ўткинчи ҳаётда ёрдам бергани учун эмас, балки бу паст дунёдан халос бўлиш – ҳалок бўлиш сабаби бўлганлиги учун кўкларга кўтариб, васф қилганлар.

Сайр қилувчилар биринчи манзилининг аломати тўғрисида

Ғаззолий Аллоҳ Таоло йўлидан борадиган, яъни сайр қилувчилар камлигини, ўзини шундайлардан қилиб кўрсатадиганлар эса кўплигини таъкидлайди. Инсон ўзи ва бошқаларни текшириши учун икки аломатни кўздан қочирмаслиги лозим. Биринчи аломат, инсон ўз ихтиёри билан қиласидиган барча амаллар шариат тарозисига тортилиши ва истак, фаолият, олдинга ҳаракат ҳамда ортга чекинишда ўзи белгилаб олган нарсага мувофиқ келиши керак. Чунки бу йўлдан юриш шариатда айтилган барча фазилатлар билан ўзини безатмасдан ва ахлоқни тарбияламасдан имконсиздир. Инсон бунга агар бир қанча рухсат этилган нарсалардан воз кечмаса эришолмайди. Қандай қилиб ножӯя хатти-ҳаракатлардан воз кечмаган киши бунга эришсин? У бир қанча нафл ибодатларини доимий бажармасдан туриб бунга эриша олмайди. Фарзларга эътиборсиз бўлган одам бунга қандай эришиши мумкин? Аммо шариат одамларга фарзларни буюар экан, ҳалол ва ҳаром билан чекланган ва бунда барча инсонлар тенгдир. Шунинг учун бу билан машғул бўлиш оламнинг вайрон бўлишига олиб келмайди. Аллоҳга борадиган солик эса дунёдан юз ўгиради, агарда одамлар бу борада унга ўхшайдиган бўлсалар, унда дунё ҳалок бўлади. Шундай экан қандай қилиб кимдир қўшимча нафл ибодатларни қўйиб, фақат фарз ва вожиблар ёрдамида бунга эриша олади? Шунинг учун Аллоҳ айтади: “Бандам токи уни севмагунимча менга нафллар орқали яқишлишишга ҳаракат қилмоқда, қачонки уни яхши кўрсам, мен унинг қулоғи ва кўзига аланаман, шунда у мен билан эшитади ва мен билан кўради”. Умуман, фарзларга эътиборсизлик ва нафлларни ёқтирмаслик сабаби – бу дангасалик ва ҳаво-истакнинг ғолиб келишидир. Дангасалик ва ҳавонинг қули бўлган одам Аллоҳ йўлидан юрувчи солик бўлолмайди.

Агар сўрасалар: “Аллоҳ йўлидан борувчи солик бу ялқовлик ва ҳаво билан курашадиган, уларни мағлуб қилган эса мақсадига етган киши (восил) экан, солик бўлмайдими?”. Мутафаккир бунинг жавоби шундай

дейди: бу ҳақиқий мағрурлик ва йўл ҳамда мақсад ҳақида билмаслиқдир, агар ҳатто нафсини барча ёмон сифатлардан (ас-сифот ур-радийя) покласа ҳам ҳалиям мақсадга нисбатан ҳажга боришни ният қилган киши сингари бўлади. Унинг ортидан кимдан қарздор бўлса ва кимга қарзини қайтарган бўлса, ўшалар таъқиб қиласди. Зеро, жисмоний сифатлар (ас-сифот улбадания) одамларни худди томогидан бўғиб олган қарз берувчилар (ғарим, ғурамоъ) каби ва унинг овқатини тортиб олиш учун ортидан қуваётган йиртқич ҳайвонлар каби бошқаради. Агар инсон уларни маҳв этиб, даф қилса, алоқалардан халос бўлади ва шундан кейингина йўлни бошлай олади. Аммо уни яқинда бева қолган ёки ажralган аёл билан қиёслаш мумкин. Бу аёл уни никоҳига султон олишини истайди, унинг никоҳига тўсиқ бўладиган иддаси эндиғина тугаган ва бу ҳаммаси деб ўйлайди. Бироқ, аёлнинг ўзи фақат никоҳга монелик қиладиган нарсадан қутулиб, истаги қабул бўлишига тайёрланишдан бошқа ҳеч нима қилмайди. Фақат султоннинг қабул қилишга розилиги ва унинг ўзини бағишлиши қолади холос. Бу эса илоҳий ризқдир (ризқ илаҳий). Шунинг учун тахорат олган ҳар ким ҳам жума намозигача етиб бормайди ва иддаси тугаган ҳар аёл ҳам истагига эришолмайди. “Аллоҳга борувчи солик даражаси тугайдими, шу билан бирга у баъзи бир ибодат вазифаларидан озод бўлиб, баъзи бир тақиқланган нарсалар унга зарар келтирмайдими, бу ишларга эътиборсизлик тўғрисида бизга машойихлардан қандай нақл етиб келган?” деб сўрасалар, бу ҳақиқий ғуур ва кибр бўлиб, муҳакқиқлар шундай дейдилар: “Агар сен сувда юраётган кишини кўрсанг, аммо ўзи шариатга зид ишни қилса, билгинки, у шайтондир” ва бу ҳақиқатдир. Ҳақиқий шариат раҳмдил бўлиб, агар ҳожат ёки зарурат бўлса, шариатда бунга рухсат бор. Аммо кимдир рухсат берилган нарсада ҳам чегарадан ўтса, унда бу зарурат юзасидан эмас, балки шаҳват ва ҳаво сабабидан бўлади.

Инсон токи бу оламда мавжуд экан, шаҳват хукмронлигидан қутулолмайди ва у бўйсундирилгандан сўнг ҳам, одамни маҳв этишга

ҳарақат қиласи. Шунинг учун инсон эҳтиёткор бўлиши ва ундан хавсираши лозим. Шариатга ихтилоф қилиш сабаби ҳашамат ва дабдабага интилиш, қандайдир шахват-истак ва дангасалик бўлиши мумкин – буларнинг барчаси ёмон хулқлар (ал-ахлоқ ур-радийя) уни эгаллаб олганидан далолат беради. Кимки нафсини покласа ва ҳақиқий илмлар билан озиқлантирса, кечалари раббига муножот қилиш учун хилватда бўлиш ва ибодат қилиш энг яхши машғулотга айланади. Бу биринчи босқичда керак бўладиган аломат ҳисобланади ва у инсонни охирги босқичгача кузатиб боради, гарчи Аллоҳга олиб борувчи манзиллари (манозил ус-сайр) саноги йўқ ва ниҳоясиздир. Ўлим эса ушбу тарик ус-сулук - йўлдан боришни тўхтатади ва ҳар бир инсон ўлимдан сўнг ҳаёти давомида эришган даражада қолади, илло одам қандай яшаган бўлса, шундай ўлади.

Иккинчи аломат – агар инсон қалби мажбур қилинмаган ҳолда доимо Аллоҳ билан бўлса ва катта қувонч бағишиласа, унда бу хузур унга кашф бўлган Аллоҳнинг жалоли ва савлати олдида итоати (инкисор), илтижоси (зароат) ва қўрқуви (хузуъ) бўлиши лозим. Бу ҳеч қачон ва ҳар қандай ҳолатда, ҳатто танаси талаб қиладиган ишлар билан шуғулланганида, масалан, таом еганда, қазои ҳожатда, кийим ювганда ва бошқа ҳолларда ҳам уни тарқ этмаслиги керак. У ўз маъшуқасини интизор кутган, шу сабаб туни билан ухламаган ва жуда чарчаган ошиққа ўхшashi лозим. Сўнг эса қачонки маъшуқаси келгач қувонади, аммо унинг ҳожатга бориш зарурати пайдо бўлади ва маъшуқасини тарқ қилишга мажбур бўлади. Ошиқ ҳожатга мажбур борсада, унинг қалби маъшуқаси хузурида қолади. Агар ўша пайт кимдир унга мурожаат қилганида, унинг фикру хаёли маъшуқасига ғарқ бўлганидан, чақирган кишини эшитмайди. Бирок, бу нарса маъшуқаси билан ўзи ўртасида тўсиқ бўла олмайди, чунки у бунга мажбурдир. Солик ҳам кунлик дунёвий ишларида худди шундай бўлиши керак, аммо унда тана заруратларидан (зарурийёт ул-бадан) бошқа иши

бўлмаслиги лозим. Унинг қалби эса бу пайтда Аллоҳни улуғлаб, тавозуз кўрсатган ҳолда унга юзланган бўлиши керак. Агар шаҳват қуввати (шаҳват ул-жимоъ) инсонни ҳаракатта келтираётган бўлса, унда бу шаҳват устунлик қилган кишининг сифати ҳисобланади ва у одамнинг ташқи сурати гўзаллигини кўради. Бу жамол эса айниганди ифлос жирканч томчидан (нутфату қазрат мазра) яратилган бўлиб, ўзининг жирканчлиги билан ўлик жасадга яқинлашгандир. Шу билан бирга бу жасад нажосатни (азират) кўтариб юради. Бу нарсалар Аллоҳнинг ниҳояси йўқ жалоли ва жамолини идрок қилишни қандай қийин қиласин?!

Бу йўлдан юриш кучли интилиш ва катта хоҳиш бўлмаса имконсизdir. Кучли хоҳиш ва интилиш мақсаднинг гўзаллигини англашдан бошланади. Унга эса интилиш ва истак, яъни шавқ ва ишқ керак. Мақсаднинг гўзаллигини англаш эса уни дикқат билан кузатиш ва ўрганишдан бошланади, шу билан бирга бошқа барча нарсалар четда қолади. Солик Аллоҳнинг буюклигини кўрган заҳоти унинг шавқи ва ҳирсистаги уйғонади ҳамда мақсад сари саъй-ҳаракати бошланади. Кейин эса сухбат натижасида ишқ ортади. Агар бу пайтда соликка олдин яширин бўлган яхши фазилатлар (маҳосин ул-ахлоқ) очилса ишқ янада кучаяди. Худди шундай соликка очилган Илоҳий гўзаллик (Баҳо ул-ҳазрати-лилоҳия) энди йўлга кирган муриднинг (ал-мурид ул-мубтадий) етарлича англамаслиги сабабли ҳақиқатнинг энг кичик ва арзимас қисми бўлиши мумкин. Бироқ, агар у излашни бошласа ва кучли истаса, тинимсиз ўша Гўзаллик ҳақида фикр юрита бошласа, унга янги фазилатлар очила боради ва унинг ишқи мустаҳкамланиб, орта боради.

Ошиқ маъшуқасига яқин бўлишни истаганидек, мурид ҳам Аллоҳга яқин бўлишга интилади. Аммо бу яқинлик маконда ва жисмларнинг бирбирига тегиши орқали бўладиган яқинлик эмас, у суратдаги ташқи гўзаллик билан боғлиқ эмас – у қалбининг басират қуввати билан Уни ўз олдида кўради. Бу яқинлик – комиллик яқинлиги, аммо маконда эмас,

мисоллар билан ҳам буни тушунтириш қийин. Лекин буни ўқувчининг устозига бўлган муҳаббатига ва унинг комиллигига яқинлашиш истагига ўхшатиш мумкин. Зеро, ўқувчи устози қандай таълим берса, унга ўхшашга ҳаракат қиласи ва борган сари унга яқинлаша боради. Мақсад эса – унинг даражаси. Баъзан бунинг имкони бор, баъзан эса имконсизdir, лекин ҳозир узоқ бўлган даражага кўтарилиш мумкин ва у борган сари яқинлаша боради. Тўлиқ яқинлашиш бу ерда имконсизdir, лекин энг қўйи ҳолдан юқорига ҳаракат қилиш мумкин. Эҳтимол, ўқувчи ўз олдига қандайдир бир даражани мақсад қилиб қўяди, бу устозининг даражасини яққол тасаввур қила олгани учун эмас, балки даражама даража юксалишни истагани учун бўлади ва назарини ўша даражадан баланд бўлган жойга қаратади. Худди шундай олим бўлмаган киши ҳам пайғамбарларнинг меросхўри бўлган олимлардан ўrnak олиши лозим. Олимлар эса авлиёларга, пайғамбарлар фаришталарга ўхшашга ҳаракат қиласидар, бу токи улар инсоний сифатлардан бутунлай халос бўлгунча давом этади ва ахири улар инсон суратидаги фаришталарга айланадилар.

Фаришталарнинг ҳам даражалари мавжуд, энг юксак мартабани эгаллаган ўзидан пастда турганнинг маъшуқи ва унинг даражаси мақсадидир. Яқинлаштирилган фаришталар (ал-малоикат ул-муқаррабуна) – улар ва Ал-аввал ал-Ҳаққ, яъни Биринчи Ҳақиқат (Аллоҳ) ўртасида воситачи бўлмаган фаришталар. Улар ўзидан паст бўлган комил ва гўзал мавжудотларга нисбатан энг соф гўзаллик ва мукаммал кўркамликка эга. Сўнг эса барча бу комиллик Ал-ҳазрат ар-Рубубия жамоли олдида ҳақирдир. Инсон яқинликни Аллоҳ жаннатнинг бир даражасида бўлиб ва унинг эшигига яқинлашаётгандек тасаввур қилмаслиги керак, акс ҳолда бу яқинлик маконда бўлади, Аллоҳ эса бундан юксакдир. У ибодат қилишлар билан ҳадя бериб, хурсанд қилинмайди ва у ҳам буни қадрлаб, рози бўлмайди – бу йўл билан инсон фақат султонларга яқинлашиб, уларнинг розилиги эришиши ва мақсадларини рўёбга чиқариши мумкин. Бу

яқинлашиш дейилади. Бироқ, Аллоҳ бундан муқаддас ва устундир, унинг сифатлари султонларнига ўхшамайди. Яъни, ғазаб, хизматдан рози бўлиш ва фуқаронинг итоатидан хурсанд бўлиш, унинг буйруқларига бўйсуниб, ортидан эргашиш ва буларга эътиқод қилиш – ҳаммаси жоҳилликдир.

Агар авом халқнинг аксарияти бунга эътиқод қиласа, унинг жавоби: Тери ошловчининг дўконидан мушк-анбарни излаган киши ўз мақсадидан қанчалик узоқ! Қандай қилиб сен истаган даражангга эриша оласан, қачонки сен нафақат одамлар ҳақида ҳақиқатни, балки эшаклар ҳақидаги ҳақиқатни ҳам билсанг! Зоро, ҳеч қачон илм олмаган авом одамлар билан шердан қочаётган тарқоқ эшаклар ўртасида фарқ йўқ. Авом халқ Аллоҳни Аршда яшил чодир ичида ўтирибди деб ўйлайди. Улар худони инсонга ўхшатадилар. Ўхшатиш ва қиёслашда бир қанча даражалар мавжуд: худони кимдир ҳаракат ва ташқи кўринишда инсонга ўхшатади, кимдир эса қўли, кўзи борлигини таъкидлайди. Баъзилар эса унда ғазаб, розилик, жиддийлик, хурсандлик борлиги ҳақида гапирадилар, лекин Аллоҳ буларнинг баридан муқаддас ва покдир. Бундай сўзлар унинг асл маъносида қўлланмаган ва уни шарҳ (таъвил) орқали тушунган киши тушунади, инкор этган инкор қиласи, агар ҳамма инсонлар тушунишда бир хил бўлганларида эди, унда пайғамбар алайҳиссаломнинг ушбу сўзлари маъносини йўқотган бўлардилар: “Кимдир илмни ўзидан ҳам кўпроқ тушунган кишига етказади ва илм етказувчи кимдир эса мутлақо ҳеч нарсани билмайди”. Шу ерда ушбу сўз якун топади, чунки ундан уёғи мажнунлар силсиласи ва шайтон сиртмоғини ечиб юбориш бўлади.

ХУЛОСА

Ғаззолий фикрича, илм ва амалнинг уйғунлиги икки дунё саодатининг манбай ҳисобланади. Бу илохий ҳақиқатни мушоҳада қилишга ёрдам беради. Унинг фикрича, мутлақ ҳақиқатларни излаш учун асосни мантиқий илмлар ва аниқ фанлардан эмас, балки у кейинги дунёда фойдали илм деб атайдиган олий билимни тасаввуф фалсафасида излаш керак (илм ал-ахира). Бу билан аллома дунёвий илмларни олмаслик керак деган фикрни оқламайди, балки илм юксак Ягона Аввални англаш учун лозим дейди.

Мутафаккир фалсафасида эвдемонизм, атаракция ва сотериология, ахлоқий қарашларида эса консеквенциализм тамойиллари ётади. Ғаззолий сотериологияси (“халос бўлиш, қутулиш”) унинг фалсафий қарашларида ифодаланган охират саодати учун фойдали бўлган илм ғоясига асосланади. Бу ғоянинг негизи эса юонон файласуфи Афлотунга бориб тақалади.

Юонон файласуфи ўзининг машҳур “Федон” диалогида фалсафани ўлимга тайёргарлик ва ўлиш қобилияти ҳисобланиб, ҳақиқий бўлмаган, ёлғон ҳаётни тарқ этиш деб ўргатади. Инсон охиратда тақдири яхшироқ бўлишига умид қилиб, яқинлашиб келаётган ажали ҳақида хотиржам ҳолда ўйлаши мумкин. Ҳақиқий файласуф ўлимга у ҳақда жиддий тафаккур қилиб, ўткинчи истак ва лаззатлардан воз кечиши, абадият ҳақида доим ўйлаши ҳамда ҳақиқат ва илм излаши лозим³². Бироқ, юонон донишмандидан фарқли ўлароқ, Ғаззолий сотериологияси Ислом эътиқоди билан боғлик. У қуруқ ва оддий ўлимни эмас, балки охиратдаги илохий ҳузурни ва жаннатдаги абадий саодатни назарда тутади.

Ғаззолий шариат қонунларига ахлоқий хусусият бериш зарурлигини исботлаган. Унинг фикрича, имони бор ҳар қандай инсон амалининг мезони унинг ахлоқий фазилати ҳисобланади. Инсон учун энг зарур

³² Платон. Федон // Платон. Собр. соч.: в 4 т. Т. 2. Москва, 1993. -С. 37.

қадрият сифатида Газзолий, мушоҳада, бевосита илоҳий хузур ва фанони кўрсатади. Инсон барча амалларда эътидол – мўътадилликни сақлаши ва унга риоя этиши лозимлигини таъкидлайди. Зеро, инсон комиллигининг асоси мўътадиллик (ал-иътидол) ҳисобланади. Мўътадилликнинг меъёри деб аллома ақл ва қонуни билади.

Шундай экан, ҳозирги қунда ёш ва баркамол авлодни тарбиялашда, етук комил инсонни шакллантиришда Абу Ҳомид Газзолийнинг мўътадилликка асосланган фикрлари, илм ва амал борасидаги фалсафий қарашлари муҳим аҳамият касб этиб, долзарб ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдуламир ал-Аъсам. Ал-файласуф ал-Ғаззолий. Қохира, Дор қибои л-ит-тибоат ва-н-нашр ва-т-тавзиъ, 1988. – С.7.
2. Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжам ал-булдон. Лейпциг. 2-Жилд. –С.561., Тожуддин ас-Субкий. Табақот уш-шофиъия ал-кубро. Қохира, 4-Жилд, -С.101., Ибн Халликон. Вафоёт ал-аъён. Қохира. 1299, 1-Жилд, -С.49.
3. Руқис бин Зоид ал-Азизий. Ҳужжат ул-Ислом. Мажаллат ан-нашот ас-сақафий ал-ироқий. 1957, -С.34.
4. Хисматулин А. А. Суфизм. Санкт-Петербург, издательский дом “Азбука – Классика” “Петербургское Востоковедение”, 2008. –С. 46.
5. Watt W. Montgomery. Islamic Philosophy and Theology. Edinburgh, 1962, chap. 13, P. 114.
6. Аз-Захабий. Сияр аълом ан-нубало. Қохира. Махтут би-дори-л-кутуб ал-мисрия. 1997. –С.46, Абдулкарим ал-Усмон. Сийрат ал-Ғаззолий ва ақвол ал-мутақаддимин фихи. Дамашқ, 1961. -С.82., Watt W. Montgomery. Muslim Intellectual, A study of Al-Ghazali, Edinburgh, 1963, PP. 181 ff.
7. И. Кулдтсхир (Игнац Голдциер). Ал-ақида ваш-шариъа фи-л-Ислам. Қохира. –С.62-186.
8. Salman D., Algazel et Les Latin in: A.H.D.L.M.A., (1935-1936), p.103 АА.
9. Ҳошим Маъруф ал-Ҳасаний. Аш-шиъа байна-л-ашоъира вал-мұтазила. Байрут, 1964. –С.59.; Мұхаммад ал-Бахий. Ал-жониб ул-илохий мина-т-тафсир ал-исломий. Қохира, 1967. –С.232.
- 10.Абдулкарим ал-Усмон. Сийрат ал-Ғаззолий ва ақвол ал-мутақаддимин фихи. Дамашқ, 1961. -С.41-48.
11. Абдурахмон Бадавий. Муаллафот ал-Ғаззолий. Кувайт. Ваколат ул-Матбуот, 1977. – С.546.
12. Bouyges, M. Essai de chronologic des oeuvres d ‘al-Ghazali (Algazel), ed. M.Allard, Beirut,1959.
13. Menasce, P. J., de, Arabische Philosophie, (Bibl.Einbuhr. in das Stud.der Philo) Bern 1948, pp.31-35.
14. Rescher, N., The Development of Arabic Logic, London 1964, pp.165-167.
15. Selman. D., Algazel et Les Latins; in, Archives d’Histoire Doctrinale et Litteraire du Meyon Age, (1935-6), pp.103-127.

- 16.Pearson, J. D., *Index Islamicus*, Cambridges 1958, pp-150-152; S.I. (Cambridge 1962), p.50; S.I. (1967), p.47; etc.
- 17.Brockelmann, C., *Geschichte der arabischen Litteratur*, (1st.ed.) Weimar 1890, pp.419-426; (2nd.ed.) Leiden 1943, pp. 535-546; *Supplementbande*, Leiden 1937, pp.744-756; etc.
- 18.Jabre, F., *La biographie et' oeuvre de Ghazali reconsideree a la lumiere Tabaqot de Subki*; in *Melanges de l'Institut Dominicain d'Etudes Orientales*, I (1954), pp.73-102.
- 19.Музаффаров Ф.Д. *Фаззолийнинг инсон ҳақидаги таълимотининг илмий-фалсафий асослари*. Фалс. фанл. бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий дар.олиш учун ёзилг. диссертация. Самарқанд: 2019. – Б. 14.
- 20.Тожуддин ас-Субкий. Табақот уш-шофиъия ал-кубро. Қохира, 4-Жилд, -С.102.
21. Абдулкарим ал-Усмон. Ад-диросат ун-нафсия инда-л-муслимин ва ал-Фаззолий биважхи хосс. Қохира, 1963. –С.33.;
- 22.Аз-Зубайдий. Итхоф ас-садат ал-муттақин. 1-Жилд, 12-фасл, фикра 2.
- 23.Арберри А. Дж. Суфизм. Мистики Ислама. “Сфера”, Москва, 2002. – С. 109.
- 24.Анри Корбэн. История исламской философии. Москва: Прогресс-Традиция, 2010.
- 25.Абу Ҳомид ал-Фаззолий. Минҳож ул-обидин ила жаннат Рабби-л-оламин. Муассасатур-рисола, Байрут, 1989.
- 26.Имом ал-Фаззолий. Мизон ул-амал. Заҳоир ул-араб. Дор ул-маориф би-Миср, 1964.
27. Хайриддин аз-Заркалий. “Ал-аъlam ли-з-Заркалий”, Байрут, Дор ул-ilm лил-малойин, 2006.
- 28.Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. Краткая история. Москва - Санкт-Петербург, 2004. –С. 93.
- 29.Аннемари Шиммель. Мир исламского мистицизма. “Алетейя” “Энигма”, Москва, 1999. –С. 51.
- 30.Носир ал-Хоний. Фи-л-ҳазароти ал-арабия. Байрут, 1968. -С. 9.
- 31.Муҳаммад Аҳмад Абдулмавло. Ал-айтарун ва аш-шуттар ал-бағдад фи-т-тарих ал-аббосий. Искандария, 1986. -С. 23.
- 32.Амин Ҳусайн. Ат-таълим фи-л-мадрасат ан-Низомия // Мажаллат ал-ilm ал-жадид ал-арабия – Ж. 6, Мж 18/.

- 33.Керимов Г. М. Аль-Газали: религиозно-философские взгляды // Государство, религия, Церковь в России и за рубежом. 2010. № 2. -С. 236.
- 34.Ал-Фаззолий. Ал-мунқиз мин аз-залол вал-мусил ила зи-л-Иzzати вал-Жалол. (Мұхаммад Исмоил Ҳузайин таҳрири остида Ахмад Шамсуддин, Комил Айёд ва Жамил Салиба нұсхалари асосида тайёрланған). Қохира, Нашр мавқиъ ал-фалсафа ал-исломия, 2002. – Б.7.
- 35.Абд ал-Хусайн Зарринкуб. Ценность суфийского наследия. Санкт-Петербург, “Петербургское Востоковедение”, 2002. –С.73.
- 36.Мажмуат расоил ал-имом ал-Фаззолий (Фаззолий асарлари антологияси, 26 та танланған асарлар). Ал-мунқиз мин аз-залол. Қохира, Ал-мактаба-т-тавфиқия, -С.582.
- 37.Абу Ҳомид ал-Фаззолий. Мизан ал-амал. Сулаймон Дунай таҳрири остида, Заҳоир үл-араб, Дор үл-маориф би Миср, 1964. 238-б.
- 38.Абу Ҳомид ал-Фаззолий. Минҳож үл-обидин ила жаннат Рабби-л-оламин. Муассасат ур-рисола, Байрут, 1989. 511-б.
39. Абу Ҳомид ал-Фаззолий. Равзат ут-толибин ва умдат ус-соликин. Дор үн-наұзия ал-ҳадиса, Байрут, 2006. 194-б.
40. Абу Ҳомид ал-Фаззолий ат-Тусий. Ал-ҳикмат фи маҳлуқот-и-Ллоҳ. Дор ихёи-л-улум. Байрут, 1978. 114-б.
- 41.Имом ал-Фаззолий. Ал-қистос үл-мустақим. (Ал-мавозин үл-хамса ли-л-маърифа фи-л-Қуръон). Маҳмуд Байжу таҳрири остида. Ал-матбаъат үл-илмия. Дамашқ, 1993, 86-б.
42. Ал-Фаззолий. Ал-мунқиз мин аз-залол вал-мусил ила зи-л-Иzzати вал-Жалол. (Мұхаммад Исмоил Ҳузайин таҳрири остида Ахмад Шамсуддин, Комил Айёд ва Жамил Салиба нұсхалари асосида тайёрланған). Қохира, Нашр мавқиъ ал-фалсафа ал-исломия, 2002. 46-б.
43. Абдуламир ал-Асьам. Ал-файласуф ал-Фаззолий. Қохира, Дор қибои л-ит-тибоат ва-н-нашр ва-т-тавзиъ, 1988. 244-б.
- 44.Абдулкарим ал-Усмон. Сийрат ал-Фаззолий ва ақвол ал-мутақаддимин фихи. Дамашқ, 1961. 222-б.
45. И. Кулдтсихр (Игнац Голдциер). Ал-ақида ваш-шариға фи-л-Ислам. Қохира, 1963. 458-б.
46. Абдурахмон Бадавий. Муаллафот ал-Фаззолий. Кувайт. Ваколат ул-Матбуوت, 1977. 576-б.

47. Абдулкарим ал-Усмон. Ад-диросат ун-нафсия инда-л-муслимин ва ал-Ғаззолий биважҳи хосс. Дор ғарид ли-т-тибоъа, Қоҳира, 1981. 420-б.
48. Kodirov D. H. SPIRITUAL-MENTAL RESEARCHES OF ABU HAMID GHAZALI // European Journal of Research Development and Sustainability (EJRDS) – Vol. 2 No. 2, February 2021, -p. 73-74.
49. Qodirov D. H. Abu Homid Gazzoliy asarlaridagi tasavvuf leksikasi // Ozbekiston milliy axborot agentligi- OZA ilm-fan bolimi (electron jurnal). – 2021. – №. 2. – С. 242-250.
50. Qodirov D.H. THE PERIOD IN WHICH GHAZALI LIVED: THE SOCIO-POLITICAL SITUATION AND THE SPIRITUAL ENVIRONMENT // International Journal on Integrated Education. – 2020. – Т. 3. – №. 9. – С. 108-111.
51. Qodirov D.H. GHAZALI AND DESCARTES: MODERN PHILOSOPHICAL DEVELOPMENT OF THINKING // Scientific Bulletin of Namangan State University, 2020. - №. 10., p. 256-260.
52. Kadirov D.H “AL-MAVAHIB US-SARMADIA” AND THE SOURCES GIVEN IN IT CONCERNING THE NAKSHBANDI TARIKAH // The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 3., p.18-26.
53. Kodirov D., Mavlonova U., Kodirov T., Allayarova N. Halal Tourism in Central Asia: Developing Service Systems in Uzbekistan // Journal of Halal Service Research, JHSR Volume 1, Issue 2, 2020, – p. 35-45.
54. Kodirov D.H. The Philosophical Foundations of Ghazali’s Mystical Views // International Journal of Culture and Modernity, Volume 6, 2021. – P. 38-41.
55. Қодиров Д.Ҳ. Абу Ҳомид Ғаззолийда ўз-ўзини билиш муаммоси // Наманган давлат университети ахбороти, Наманган, 2021. № 9. – Б. 244-252.
56. Kodirov D.Kh. ABU KHAMID AL-GAZALI I SUFIYSKAYA DUKHOVNAYA MISL// PROCEEDINGS OF THE IV INTERNATIONAL SCIENTIFIC PRACTICAL CONFERENCE “POST-CRISIS DEVELOPMENT OF EURASIAN SCIENTIFIC COOPERATION” IV ISPC PCDESC 2020 24-25 September 2020 Aachen, Germany. – 2020. – Т. 5. – С. 119-122.
57. Қодиров Д.Ҳ. Ғаззолий ва Исломлийлар: ақл-идрок ва оламни рационал билиш // Ислом тафаккури, Ҳалқаро ислом академияси, Тошкент, 2021 йил 3-сони. –Б. 41-46.